



МАХМУД ТОРОБИЙ – ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ



УЎК 94(575.146)

КБК 63.3(5Ў)

М 37

М 37

Маҳмуд Торобий – халқ қаҳрамони [Матн]:
/ тузувчи М. Раҳмонова. – Тошкент:
«Маънавият», 2021. – 140 б.

ISBN 978-9943-04-427-2



Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи

Наим Каримов – академик

Муаллиф-тузувчи:

Мавлуда Раҳмонова (БухМТИ)

Муҳаррир
Зуҳриддин Қудратов

Фоя муаллифи
Жаҳонгир Ширинов

Ишчи гуруҳи:

Баҳодир Эргашев (лойиҳа гояси муаллифи), Феруз Бафоев (лойиҳа раҳбари),
Қаҳрамон Турсунов (лойиҳалар координатори), Эркин Зоиров, Маҳбуба Ашуррова,
Зебинисо Шерова, Дилафруз Каюмова, Насиба Саидова.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан чоп этилмоқда. 67-17/168 сонли «**Маҳмуд Торобий – истиқлол фидоийси**» грант лойиҳаси. «Навқирон Бухоро» гуманитар тадқиқотлар маркази (Марказ директори – сиёсий фанлар номзоди, доцент **Феруз Бафоев**).

«**Маҳмуд Торобий – халқ қаҳрамони**» монографияси учун катта тарихий-илмий қийматга эга бўлган халқимиз севган ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг мазкур мавзуга оид дастхатларини берган, адибнинг набираси, Ойбек уй-музейининг директори Ойнур Тошмуҳамедовага, шунингдек, Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси Мадинабону Камоловага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

СҮЗБОШИ

*Онам¹! Сени құтқармоқ үчүн жонми керакдир?
Номусми, виждон била иймонми керакдир?
Ёв сүкгали келгач қиличин юрагингга,
Түші олдига, ол күксимни – қалқонми керакдир?*

Абдурауф Фитрат

Ватан (арабча она юрт) – бу инсон ва унинг аждодлари киндиқ қони түкилган, эл-юрт, халқ вояга етган, аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарфланган юрт; она тилемиз, динимиз, тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз камол топиб бораёттан, азиз ва мукаррам, инсонга баҳт-иқбол берадиган масканыр. Мана шу заминни севмок, қадрига етмоқ, тараққиётiga ҳисса қўшмоқ, истилочилардан тозаламоқ эса ватанпарварлиқдир. Ватанпарварлик – тарихий тараққиётнинг барча даврларида жамиятнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлган. Бу оддий туйғу әмас, балки юксак маънавият кўзгусидир.

Инсон учун Ватан ягонаidir. Ватан танланмайди, пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди ва қарзга ҳам бериlmайди. Ватан ҳар бир инсон учун муқаддас ва бетакрордир. Миллий мустақиллигимизнинг оташин курашчиси, жадид бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, «**Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир**». Ватанни энг олий неъмат билиб, шаънини улуғлаб, тупроғини кўзларимизга тўтиё қилиб, унга хизмат қилиш – фарзандлик бурчимиздир. Зоро, Ҳадиси шарифларда «**Ватанни севмок иймондандир**», – дейилган. Яъни

иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон Ватанини севади, уни ғанимлар кўзидан асрайди, унинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшади ва мустақиллиги учун курашади.

Буюк ватанпарвар Маҳмуд Торобий Ватанимиз, халқимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган сиймолардан биридир... У Ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртнинг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ўз ширин жонини ҳам аямаган миллий қаҳрамонимиздир. Мавлоно Фузулийнинг: «*Менинг битта ҳаётим бор, бордю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим*», – деган сўзлари Маҳмуд Торобий кўксидан ҳам отилиб чиққан нидодир.

Кўхна тарих саҳифаларида Маҳмуд Торобий қўзғолони номи билан довруқ қозонган, мўғул истилочиларига қарши озодлик ҳаракатининг моҳияти ниҳоятда теран. Унинг замираида ватанпарварлик, шижаот, киндиқ қони томган она Ватанни ва ўзи мансуб бўлган меҳнаткаш халқни мўғул босқинчилари ва маҳаллий амалдорлар жафоларидан халос этишдек муборак мақсад ётади. Инсоннинг фитрати (асли, моҳияти) эл-юрт бошига иш тушганда билинади. Бундай пайтларда ўз ўрнини жанг ва жасорат майдонида деб билган эр йигитларнинг номи улуғ, шаъну шарафи мангутир.

¹ Онам деганда Абдурауф Фитрат она Ватанни назарда тутади.

Оддийгина косиб хо-
надонида таваллуд топган
Махмуд Торобийнинг қалбига
истилочиларга нисбатан нафрат
туйғулари ўшлигиданоқ сингиб бор-

ган. У ўз элининг ифтихор қиласа арзигулик, шерюрак ўғли бўлиб вояга етди. Бухоронинг Тороб қишлоғида туғилиб ўстган, бешиги тебранган заминга садоқат — Маҳмуд Торобийнинг энг эзгу маслаги, энг эзгу мақсади эди. Шунинг учун ҳам у ўзини халқقا Маҳмуд Торобий дея танитди. Ватан қисмати, юртдошлар дарди, уларнинг қувончига шерик бўлиш иштиёқи Маҳмуднинг дилидаги энг олий орзу эди.

Шунинг учун ҳам М. Торобий қадим-қадимдан илму дониш маскани бўлган Буҳоро тупроғига мўғул истилочиликарининг бостириб кириши, уларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зўравонликлари, устиста-га-устак, маҳаллий амалдор зулми-ю, руҳонийларнинг бетарафлигига жим қараб турулмади. Унинг сабр косаси тўлди, пичоқ бориб суюкка қадалди. Маҳмуд Торобийнинг ҳалол меҳнатда тобланган, иймон-инсоф билан йўғрилган юраги ларзага келди. У ўзи сингари кичик хунарманалар, оддий заҳматкаш халқнинг қалбига қулоқ тутди, уларнинг дардли нидосини туйиб, ўзига тарафдорлар тўплай бошлади. Маҳмуд Торобийнинг адолат, озодлик ғояси билан йўғрилган, эрк байроғи остида сафтортган кўнгиллиларининг сони соат саийин ортиб бормоқда эди. Эркинлик ва адолат учун жангта сафарбарлик бошланди. Минг-минглаб жафокаш қалбларда макон туттан исён учқунлари чақнай бошлади. 1238 йилда шуълалари – зулмат бағрини чок-чок этган аланга – халқнинг мўғул босқинчилари, уларнинг тарафдорларига қарши халқ қўзғолони бошланди. Хуллас, табаррук она юртнинг дахлизилиги, Ватан озодлиги, халқнинг осуда ва фаровон яшаши учун кўтарилиган бу қўзғолоннинг ташкилотчиси ва раҳнамоси Маҳмуд Торобий эди...

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида тарихий давр ўзбек адабиёти олдига ўтмишида ўзбек халқининг баҳт-саодати ва мустақиллиги учун курашган халқ қаҳрамонларининг порлок образлари тасвир-

ланган асарлар яратиш вазифасини қўйди. Шунда Ҳамид Олимжон Муқанна, Мақсуд Шайхзода Жалолиддин, Ойбек эса Маҳмуд Торобийга багишланган асарлар устида иш бошлидилар. Ойбекнинг буюк ҳалқ қаҳрамонига багишланган либреттосига украин композитори Олесь Чижко куй басталади ва 1944 йил 25 декабрда «Маҳмуд Торобий» операси томошибинлар эътиборига илк бор ҳавола этилди. Ўзбек миллий операсининг асосчиларидан бири Қори Ёқубов спектаклда Маҳмуд Торобий партиясини катта маҳорат билан ижро этди. Агар Ойбек олдиди «Навоий» романини тугатиш, уруш ўйларида Тошкентдан паноҳ топган А.И. Дейч Москвага шошилинч равишда чақириб қолинмаганида Ҳамза номидаги Ўзбек драма театрида Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий», М. Горький номидаги рус драма театрида эса Ойбек ва А. Дейчининг «Ҳалқ қалқони» драмалари устидаги иш якунлашиб, саҳна нурини кўрган бўларди.

Ойбек бошлаган ташаббусни мустақиллик ишларида бошқа ўзбек шоир ва ёзувчилари катта завқ билан давом эттиридилар. Жумладан, бухоролик ёзувчи Асад Дилмурод «Махмуд Торобий» романини ёзib, китобхонлар ҳурматини қозонди.

Яратилган ва яратилажак шундай асарлар туфайли тарихда ўтган буюк аждодларимиз, жумладан, Маҳмуд Торобий номи ўзбек халқи хотирасида агадий қолади.

Биз она Ватанимизни – Широқу Тұма-
рислар, Торобиу Мангубердилар, Амир
Темур ва Темур Маликлардан – әңг азиз
хотира ва әңг буюк меросни олғанмиз.
Ватанпарварлық эса – ўз халқининг тари-
хини яхши билиш ва ундан ғуурулланиш-
дир. Мазкур китоб-альбом ҳам айнан шу
мақсадда яратылган бўлиб, у ҳикоя қи-
дувчи қалби она заминга эҳтиром туй-
ғулари билан йўғрилган жасур ўғлонлар
ва фидойи ватанпарварлар қўзғолонига
2023 йилда 785 йил тўлади. Халқимиз
озод Ватан, мусаффо осмон ва фаровон
ҳаёт учун қон тўкиб, жон нисор этган То-
робийларни яхши ном билан эслайди,
улар хотирасини муқаддас деб билади.

**Наим Каримов,
академик**

1238 ЙИЛДАГИ ТОРОБИЙ ҚҮЗҒОЛОНИ¹

Шарқ халқлари тарихи дәхқонлар ва ҳунармандлар ҳаракатлари билан қанчалик бой әканлиги шарқшунос-олимларга яхши маълум. Бу масалада биргина халифалик тарихини эслаш ўринлидир. Олд Осиёда қуллар, дәхқонлар ёки ҳунармандлар қўзғолони рўй бермаган ўн иилликларни топиш мушкул. Афсуски, бундай муҳим ҳодисалар, хусусан, VIII аср охири – IX аср бошларидағи дәхқонлар қўзғолонлари илм-фанда етарлича акс этмаган. Эрондаги² зинжлар³, карматлар⁴ қўзғолонига ижтимоий таҳлил талаблари билан ёндашсангиз, улар ҳақида жуда кам манба, маълумотлар мавжудлигига гувоҳ бўласиз.

Ўрта Осиёдаги дәхқон ва ҳунармандлар ҳаракатлари тўғрисида фақат биргина асар, яъни 1906 йилда В.В. Бартольд томонидан ёзилган «1365 йилда Самарқанддаги халқ ҳаракати»⁵ номли машҳур мақоласи маълум. Ваҳоланки,

Ўрта Осиё дәхқонлари ва ҳунармандлари иштирок этган ҳаракатлар анчагина эди. VIII аср охирида Ўрта Осиёни қамраб олган машҳур Муқанна ҳаракати ҳам шулар сирасига киради. Мазкур ҳаракатлар ёритилмаган. В.В. Бартольдинг «Мўғуллар босқини даврида Туркистон»⁶ номли асаридан бошқа деярли ҳеч нарса йўқ. Маҳмуд Торобий қўзғолони тарихи эса Муқанна ва унинг издошлари ҳаракатидан ҳам ёритилган.

В.В. Бартольд Торобий қўзғолони ҳақида қисқагина, бир неча сатр ёзган холос: «Бу даврнинг демократик ҳаракатларидан фақат биттагинаси – мўғул босқинчилари ва Бухоролик зодагонларга қарши қаратилган 1238 йилдаги Торобий қўзғолони ҳақидагина маълум», дея ёzáди. Мазкур эслатмаларнинг энг муфассали, Encyclopedie de L'Islamда, «Bukhara» мақоласида келтирилган. В.В. Бартольд Ўрта Осиё тарихига оид тадқиқотларида

¹ А. Якубовский. Восстание Тараби в 1238 году. (К истории крестьянских и ремесленных движений в Средней Азии). Доклады группы востоковедов на сессии Академии наук СССР. 20 марта 1935 г.

² Имею в виду движения, известные под именами хурремитов, мухаммира (одетые в красное), сурх алам (краснознаменщики). Среди них особенно важное значение имеет значени движение Бабека в Арране (816–838 гг.). Здесь в статье С.Huart под словом «Babek» указаны арабские источники, правда неполные.

³ См. Th Noldeke. Orientalishe Skizzen?Ein Slavenkrieg im Orient. P. 153-185. а также Encyclopedie de L'Islam Livraison T. Здесь в статье L.Massignon под словом «Zandj» (pp. 1281-1282) дана библиография (правда, неполная)

⁴ См. Encyclopedie de L'Islam 30 –me Livraison под словом «Karmates» статью L. Massignon , pp. 813-818. Здесь указана литература вопроса ЗВО, т. XVII стр. 01-019.

⁵ В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, П, стр. 203–204. Его же английский перевод-Turkestan down to the mongol invasion, pp. 198-199.

⁶ Персидский текст в изд. Schefer'a, Paris, 1892г. стр. 63–74, есть русский перевод Н. Лыкошина. Ташкент, 1897, под ред. В. В. Бартольда, стр. 84–96.

бу воқеани четлаб ўтган, деб бўлмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шахсан Бартольдга тегишли бўлган «D'Ohsson'a Histoire des Mongols»-нинг иккинчи жилдига назар ташлаш кифоя. Шунга қарамай, унинг айнан Торобий ҳаракати ҳақида алоҳида бир мақола ёзмагани ҳам ҳақиқат.

Мўғуллар босқини арафасида дехқон ва хунармандлар қўзғолонлари фақатгина Эрондагина бўлиб ўтмаган. Булар орасида, XIII аср бошларида Бухорода садр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ҳукмронлиги даврида бўлиб ўтган хунармандлар ҳаракати ҳам эътиборга лойикдир. Ўша даврдаги Бухоро воҳаси тарихи В.В. Бартольдинг «Туркистон» асарида ўз ифодасини топган.¹ Бу даврнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида маълумотлар жуда оз, шунинг учун Бартольд бер-

ган маълумотларга кам қўшимча қўшилиши мумкин. Бухорода сиёсий ҳокимият бутунлай садрлар қўлида бўлган бир шароитда шаҳарда ижтимоий зиддијатлар авж олган. Илек хонлари аслида Бухоро устидан ҳеч қандай кучга эга эмасди. Мовароуннахрдан ўлпон йиғувчи қорахитойлар узокда бўлиб, улар XIII аср бошларида фақат солиқ йиғувчиларни Бухорога юборишиган. Кейинчалик садрнинг ўзи ўлпонни қорахитой гўрхони қарроғоҳига олиб борадиган бўлган.

Ўша давр Бухорасини барча ҳокимият муайян бир турдаги диний сулола қўлида



бўлган кичик бир мустақил давлат сифатида тилга олиш мумкин. Садрлар расмий мавқеига кўра мусулмон руҳонийларининг энг олий вакиллари, дунёвий йўналишга кўра эса раис ва хатиблар бўлиб, улар аслида ўша даврдаги бой ва маданиятли шаҳарларнинг тўлақонли эгаси бўлган. Садрлар қўлида турли манбалардан ҳосил бўлган беҳисоб бойликлар йиғилган. Ана шундай садрлардан бири Умар ибн Абдулазиз ҳақида «Тарихи Муллазода» асарида: «Айтишларича, унинг ерлари ва бошқа мол-мулклардан келадиган йиллик даромади 100.000 динорга teng бўлган»², деб ёзилган. Бу даврда динор ҳали олтиндан бўлиб, садрнинг 100.000 динорлик даромад олганига ишониш қийин, бунда яққол бўрттириш сезилади. Бироқ, садрларнинг бойлиги чиндан ҳам катта бўлган. В.В. Бартольд буни бир қатор мисоллар билан жуда ишонарли кўрсатган. Демак, бу ерда садрларнинг ўз мулклари катта роль ўйнаган, бу ҳақда юқорида тилга олинган Муллазодадан ташқари муаллифлар ҳам айтиб ўтишган.³

Бухоро масжид ва мадрасалари учун вақфлардан олинадиган даромадлар катта аҳамиятга эга бўлган. Садрлар эса бу даромаднинг тўлақонли бошқарувчилари эди. Садрлар раис ва хатиб сифатида ҳам хунармандчилик ва савдодан келадиган, солиқ ва мажбуриятлардан тушадиган барча даромадларни истеъфода этгандар. Агар бунга кўчмас мулк (бозордаги дўконлар, ҳаммомлар, карvonсарой ва катта-кичик ер майдонлари)дан иборат турли мулкларини қўшсангиз, унда бойлик ҳажми янада ошади. Албатта, садрларнинг кучи ва таъсири биргина уларнинг моддий бойликларига боғлиқ бўлмаган... Улар Бухорода амал қилинадиган ҳанафий мазҳабининг ҳақиқий етакчилари бўлиб, уламолар орасида ўзларининг илмий обрўларидан фойдалана олганлар. Уларнинг кўл остида дин пешволари билан алоқада бўлган одам-

¹ Кроме того, в статье в Encyclopedie de L'Islam, под словом «Bukhara» стр 799–800.

² В данном случае лучше всего передать с «земельной собственности и других владений»

³ См. Мухаммад Ауфи Лубаб-ал-албаб, в изд., Browne, ч 2, стр 385, строки 15-23. Лондон, 1903 г.


лар күп бўлган. В.В. Бартольднинг «Туркестон» асарида таъкидланишича, садр Бурхониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ҳисобидан 600 тача¹ фақиҳлар кун кечирган.

Бир сўз билан айтганда, садрлар ўзига хос равишда: ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бой инсонлар бўлиб, сиёсий ҳокимият ҳам аслида уларнинг қўлида сақланган. Бизга яхши маълумки, XII аср охирига келибгина, Бухоро садрлари аҳоли кенг доирасидаги аввалги обрўларини йўқотгандар. Уларнинг турмуш тарзи, шахсий ҳаётидаги сарф-харажатлар, шаҳар ва қишлоқ аҳлидан кўплаб солиқларни жорий қилиш нафақат уларнинг ҳокимиятига путур етказди, балки улар атрофида нафрат муҳитини ҳам вужудга келтирди. Шу сабабли Бухорода номи юқорида қайд этилган садр Бурхониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз даврида Санжар бошлигига ҳунарманлар қўзғолони бошланиб, шаҳарнинг барча аҳоли қатлами уларни қўллаб-куватлаган. Афсуски, манбаларда ҳеч бўлмагандა қўзғолоннинг асосий босқичларини белгилаб беришга имкон берадиган маълумотлар акс этмаган. У ҳақида қуйидаги далиллар сақланиб

қолган: Кўзғолон Бухоронинг ўзида, атрофдаги қишлоқ дехқонларини қамраб олмасдан содир бўлган. Кўзғолон вақти 1206–1207 йиллар.

Ҳаракат бошида қалқон (Мажан-фурӯш) сотувчисининг ўғли, Бухорода ҳокимиятни эгаллаган давридан бошлаб Малик Санжар номи билан маълум ва машҳур киши турган. Тўнтариш Бухоро ҳунарманлари кучи билан амалга оширилган. Садрлар шаҳардан ҳайдаб чиқарилиб, мол-мулклари мусодара қилиниб, қўрғонлари сувдан маҳрум этилган ва харобага айланган.

Қорахитойлар томонга қочиб кетган садрлар Гўрхонга Малик Санжарнинг ҳокимиятни куч билан эгаллаб олгани ҳақида шикоят қилишган, ҳатто Бухорони бошқариш учун ёрлик ҳам олишган, лекин ниятларини амалга ошира олмагандар. Чунки, шаҳарни аллақачон Хоразмшоҳ Муҳаммад амалдорлари эгаллаган эди. Малик Санжар бир неча ойгина ҳокимиятни ушлаб турган, чунки Бухоро воқеаларидан хабар топган Хоразмшоҳ Муҳаммад тезда қўшин юбориб, 1207 йилда Бухорони эгаллаган.² Жувайнининг ҳикоясига қараганда, Малик



¹ В.В.Бартольд. Туркестан, стр 381

² Encyclopedie de L'Islam, Livraison 13, статья В.Бартольда под словом «Bukhara». р.800 и под словом «Burhan», р. 817.



Санжар шаҳарнинг бой ва машхур кишиларига ва баъзи йирик савдогарларга қарши қўзғолон қилган. Афсуски, Жувайнининг маълумотлари жуда оз бўлиб, бу воқеалар нималарда ифодаланганини билмаймиз, чунки Жувайний фақат шарафли инсон (мўғуллар ва уларнинг тарафдор)ларига нисбатан жабр-зулм қилинганини ёзиш билан чекланган.¹ Кўриниб турибдики, Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан Бухорони қўлга киритишдан олдин Малик Санжарнинг мавқеи кучли бўлган, зеро, у ўзи учун сарой ҳам қуришга муваффақ бўлган. Торобий ҳаракати ҳақида ҳикоя қилганда бу саройни яна тилга оламиз.² Аввало, ўзини малик деб эълон қилган, Жувайний қалқон сотувчининг ўғли деб атаган Санжар шунчаки хунарманд эмас, балки қалқон ишлаб чиқарувчи бой хунарманд эди. Нихоят, ўта муҳим томони шуки, Муҳаммад Хоразмшоҳ қўзғолонни бостириш пайтида Санжарни қатл этмай, уни Хоразмга, Урганч шаҳридаги саройига олиб борган. В.В. Бартольд таъкидлаганидек, «У сulton маҳкамасида яшади ва бошқа нуфузли ҳукмдорлар билан бирга сарой маросимларида иштирок этишга мажбур бўлди».³

Ҳаёти бозор ва қисман ташқи савдо-сотиқ ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган хунармандчилик устахоналари эгалага-

ри – мазкур ҳаракатнинг етакчи кучлари хисобланган.

Бу даврда шаклланган тартибни тубдан бузиш исёнчилар манфаатларига тўғри келмасди. Агар ҳаракат бошлиғи Бухоро зодагонларига қарши бир қатор қатъий чораларни кўришга мажбур бўлган бўлса, бу ҳам мазкур ҳаракатда иштирок этган устахона эгалари ва уларнинг шогирдларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилган. Қўшни рустоқларнинг дехқонлари ҳаракатда иштирок этмаганигини ҳам ҳисбога олиш керак. Афсуски, бу муҳим масалаларнинг барчасини ҳал этиш учун манбаларда зарур маълумотлар йўқ, шунинг учун биз эҳтимолий тахминлардан четта чиқмаяпмиз. Бу ҳаракатнинг сабабларига ҳам тўхталишга тўғри келади. Балки асосий сабаб – Бухоро ҳукмдорлари сифатида садрлар хунармандчилик саноатига улкан бож ва солиқ солишганидадир?

Бошқа муайян тарихий шароитда кенгрок ижтимоий таянч ва чуқурроқ дастурга эга бўлган Торобий ҳаракати шаклланган. Малик Санжар қўзғолонидан 10 йилдан сал ортиқроқ вақт ўтиб, Шарқда умумжаҳон аҳамиятта эга бўлган воқеалар содир бўлган. 1221 йилга келиб, бутун Ўрта Осиё мўғуллар ҳукмронлиги остида эди. Шаҳарлар талон-тарож қилиниб, ёнғинлар натижасида вайронага айланган эди.⁴

¹ Вот собственно говоря наиболее важные строки Джувейни, р 74.

² Juwayni, XVI, стр.87, а также В.В.Бартольд, Туркестан, 2 , стр. 387.


³ В.В.Бартольд, Туркестан, стр 386–387 со ссылкой на Nessewi, texte,p.21, trad.

⁴ Академик Якубовскийнинг мақоласи қисқартириб берилди.

Европа адабиётида Торобий қўзғолонига биринчи бўлиб D'Ohsson¹ ўзининг машхур «Histoire des Mongols» асарида эътибор берган, лекин у фақат Жувайний асарини батафсил такрор қилиш билан чекланган холос. У ҳаракатнинг табиати ёки унинг сабаблари ҳақида бирор бир сўз айтмаган. Ушбу саҳифалар ишнинг ўзи каби манбага фақат қайта баён этиш нуқтаи назаридан ёндашилган ва муаллиф фикрича энг муҳим саналган тарихий жабҳаларга эътибор берилган. Шунинг учун 4 жилдлик иши бир аср давомида ўз аҳамиятини йўқотган бўлса керак. Ахир унинг асосий манбаи Рашидиддин асари нафақат тўлиқ таржима қилинмаган, балки нашр ҳам этилмаган.

1238 йилдаги Торобий қўзғолонига D'Ohsson'дан кейин Defremery эътибор қаратган. «Journal Asiatique» журналининг 1852 йил январь ойи сонидаги «Histoire des Khanes mongols du Turkestan va de La Transoxiane» номли мақоласида у Хондамир (XVI асрнинг бошларидағи муаллиф)нинг асаридан парчаларни чоп этишни бошлигани.² Танланган парчалар орасида Хондамирнинг Торобий қўзғолони ҳақидаги ҳикояси ҳам бор эди. Дефреме Хондамирнинг ҳикояси Жувайнийнинг батафсил таржимаси эканлиги аниқ билган, шунинг учун бир неча ойдан сўнг у худди шу журналда илк манбани нашр қилган. Хондамир парчаларини ҳам, Жувайний ҳикоясини ҳам у француз тилига таржима қилиб чоп этган.³ Дефреме матн ва таржимани нашр қилишдан бошқа вазифаларни бажарма-

ган, шунинг учун унинг ишида баъзи сўзларнинг маъносидан ўзга маълумот топа олмаймиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, Торобий қўзғолонига рус тарихий адабиётида етарлича эътибор берилмаган ва В.В. Бартольд ўз асарларида бунга бир нечта сатрларни бағишилаган холос, гарчи Жувайнийнинг батафсил ҳикояси унинг томонидан бир неча марта ишлатилганига асослар мавжуд. Бу сафар форсчадан рус тилига таржима қилинган, илк манба бўлмиш Жувайнийнинг Торобий қўзғолони ҳақидаги ҳикояси барча тафсилотлари билан келтирилмоқда.⁴



¹ D'Ohon, histoire des Mongols, I, p. 102–108.

² Journ. Aslat., Quatrième série, L XIX, стр. 88. 1852.

³ Там же, г. Xx, 1852, стр. 376-382 (перев. текст) и 388–399.

⁴ Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушо» асаридаги М. Торобий қўзғолони билан боғлиқ бўлган боби Якубовский томонидан форсчадан рус тилига илк маротаба таржима қилинган. Китоб-альбом муаллифлари томонидан Якубовский таржимадаси рус тилидан ўзбек тилига ўтирилиб, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмоқда.

ТОРОБИЙ ҚҰЗГОЛОНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ¹

Хижрий 636 (милодий 1238) йилда Саратон (Қисқичбака) буржида (уруш рамзи бўлмиш Миррих ва Зухал) сайёralарининг бир тўғри чизиқда кесишуви рўй берди. Мунажжимлар олдиндан қўзғлон юзага келишини башорат қилишган ва бир кофирнинг исён кўтариши мумкинлигини айтишган. Бухородан уч фарсах узоқлиқда Тороб деб номланган қишлоқ жойлашган бўлиб, унда ғалвир (элак) ясовчи хунарманд Маҳмуд исмли бир киши яшаган. Айтишларича, нодонлик ва жаҳолатда унга ҳеч бир кимса teng кела олмаган. Ёлғон ва иккюзламачилик орқали у «диндорлик» фаолиятини бошлиди ва жинларнинг унга ғайбдан хабар бериб туришларини айтади. Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятларида кўп одамлар, асосан, аёллар, ўзларининг парилар, руҳлар билан алоқаси борлигини айтишади. Қайғуга ботган ва бошига мусибат тушган одамлар зиёфат уюштириб, парихонларни чақиради ва улар жазавага тушиб, жинларни ҳайдашади. Авом ҳалқ эса ёлғон ва уйдирма гапларни ҳақиқат деб билишади. Маҳмуднинг синглиси бу алаҳсирашлар ҳақида у билан гаплашганлиги сабабли, у ниҳоят акасининг издоши бўлиш учун нима қилиш кераклигини тушунган. Сурункали касаллиги бўлган ёки бошига мусибат тушган баҳтсиз одамлар Маҳмудга талпинган ва мурожаат қилган. Тасодифан, унинг издошлари доирасидан бир-икки-

таси соғайган. Аксарият ҳолатларда унга ҳам зодагонлар, ҳам оддий одамлар мурожаат қилишган.

Бухородаги ишончли одамлардан: «Бир-иккита кўзи ожизга Маҳмуд бизнинг ёнимизда итнинг нажаси қўшиб тайёрланган дорини кўзига суртди ва натижада улар шифо топди», деган гапларини эшитдим. Мен уларга шундай деб жавоб бердим: «Буни кўрганларнинг ўзи кўр бўлган ва бундан ташқари, кўрларни даволаш Биби Марямнинг ўғли Исонинг мўъжизасидир ва қолаверса, Аллоҳ Таоло унга: «Сен кўр ва моховни соғайтирдинг», – деган.² Агар мен буни ўз кўзим билан кўрсам, кўзларни даволаш билан шуғулланардим».

Бухорода ўзининг келиб чиқиши, фазилатлари ва Шамсиддин Маҳбубий деган лақаби билан машхур бўлган, таник-



¹Juwayni, Gibb memorial, vol. XVI, 1, стр. 85–90.

²Коран, V, 110.

ли уламо яшаган. Бухоро имомларига бўлган салбий муносабати туфайли у нодон Маҳмуд издошларига қўшилади. Шамсиддин Маҳбубий Маҳмуд Торобийга: «Отамнинг ривоят қилишича ва бир китобда ёзилишича, Бухоронинг Тороб қишлоғидан жаҳонни халос этувчи бир ҳукмдор чиқади. Унинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаб берилган ва бу белгилар эса сенда кўринади», – дейди. Бу фикрларнинг таъсири остида, бидъатчи Маҳмуд жуда ғурурланади. Бу миш-мислар мунажжимлар башоратига тўғри келади. Кун сайин [янги таълимот] издошлари сони ортади ва бутун Бухоро ва рустоқлар Маҳмудга қўшиладилар. Но-тинчлик ва исён аломатлари намоён бўла бошлиди. [Бухорода] бўлган амирлар ва босқоқлар тартибсизликларни тинчлантириш чора-тадбирлари тўғрисида йиғилиш ўтказиб, юз берган воқелардан хабар бериш учун Хўжандга, М.Ялавочга чопар жўнатадилар. Ўзлари эса дуо олиш ва тавоф қилиш никоби остида Торобга бордилар ва Маҳмуддан шаҳарга ҳам файз киритиш учун унинг Бухорога боришини ва ўз қароргоҳини ўша ерда қуришини илтимос қилдилар.

Улар Вазидон кўп-

ригига етгач, Маҳмуд ва унинг издошларини бирдан ўлдирмоқчи эдилар. Йўлга тушганларида Маҳмуд тўданинг ҳолатидаги ўзгаришни сезди.

Маҳмуд уларнинг ниятларини билиб қолиб, мўғуллар бошлиғи Тамшага юзланиб: «Ёмон ниятингдан воз кеч, акс ҳолда ёруғ дунёни кўриб турган кўзларингни қўл теккизмасдан туриб, ўйиб ташлашни буюраман», дейди. Бу сўзларни эшитиб, мўғуллар: «Шуниси аниқки, бизнинг режамиз ҳақида Маҳмудга ҳеч ким хабар бермаган, ҳолбуки, унинг сўзлари ҳақиқатга тўла мувофиқдир». Мўғуллар қўрқиб, Маҳмудга зарар етказмадилар, шунинг учун у Бухорога эмин-эркин етиб келиб, Малик Санжар саройида қолган.

Амирлар, шаҳарнинг обрўли кишилари ва садрлар унга иззат-хурмат кўрсатишига уриндилар, аммо қалбларида оддий ҳалқ раҳбари сифатида ғалаба қозонгани учун уни ўлдирмоқчи бўлишиди. Маҳмуд жойлашган маҳалла ва яқинидаги бозор одамлар билан шу қадар гавжум эдики, улар орасидан ҳаттоқи



мушук ҳам ўта олмасди. Оломон ҳаддан зиёд кўпайган, аммо ҳеч кимса унинг дуосини олмай туриб қайтиб кетмас, на киришнинг имкони бор эди. Охири Маҳмуд томга чиқди ва уларга оғзидан сув пуркай бошлиди, унинг бир томчisi кимгadir тегса, хурсанд ҳолда уйига қайтиб кетарди. Маҳмуд издошларидан бири уни мазкур мўғул бошлиқларининг ёвуз ниятидан огоҳ этди. Маҳмуд дарҳол шахар дарвозаларининг биридан яширинча чиқиб, дарвоза олдига боғланган отлардан бирига миниб чоптириб кетди. Бегона кишилар унинг кимлигини билишмади ва унга эътибор ҳам беришмади. Бир нафасда у Абу Ҳафс тепалигигача етиб борди ва шу



заҳотиёқ унинг атрофига одамлар тўпланди. Бир оздан сўнг шаҳарда бу бидъатчи Маҳмудни қидира бошладилар, аммо топа олмадилар. Отлиқлар уни ҳар тарафдан излашди ва ниҳоят, кутилмаганда уни ўша тепаликдан топишиди. Улар қайтиб келиб, одамлар унинг Хўжа Абу Ҳафс Кабир тепалигига учиб чиқсанлиги ҳақида ҳаяжонланиб гапиришаёттани хабарини беришиди. Ҳокимият жилови бирданига каттаю кичикнинг қўлидан кетди. Аксарият халойиқ шаҳар ташқарисида, Маҳмуд атрофида, тепалик ёнида тўпланди. Шом намози пайти Маҳмуд ўрнидан туриб халқа қаратадеди:

«Эй, ҳақиқат ҳимоячилари! Дунёни кофирлардан тозалаш учун яна нима қилиш ва нимани кутиш керак? Кимдаки қурол-аслаҳа, калтак ёки сўйил бўлса, ҳозирлаб, урушга шайлансин».

Шаҳардаги жами эркак зоти унга эргашди. Жума қуни эди. Шаҳарга кириб, Робиа саройида тўхтади ва садрлар, шаҳар акобирлари, таниқли ва ҳурматли кишиларини ҳузурига таклиф қилди. Садрлар раҳбари, давр сарвари, диннинг далили, Садри Жаҳонийлар сулоласининг зурриёди (Аҳмад ибн Мухаммад) Бурхониддин Маҳмуд Торобийга юксак ақл-заковат соҳиби ва олийнасаб бўлмасада, унга халифалик мақомини берди. Унинг ўзи, шунингдек, Шамсиддин Маҳбубийни садр этиб тайинлади.

Кўпчилик зодагонлар ва машҳур кишиларни у ҳақорат ва шарманда қилди; баъзилари ўлдирилди, бошқалари эса қочиб кетди. Оддий халқقا эса, аксинча, меҳр кўрсатиб шундай деди: «Менинг қўшиним икки қисмдан: бири Одам Ато авлоди (инсонлар), иккинчиси – ҳавода учиб юрувчи ҳамда ерда юрувчи жинлар тўдасидан иборат. Энди мен буларни сизларга кўрсатаман. Сизлар сўзимнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун осмонга ва ерга қаранг». Маҳмуднинг яқин одамлари ва издошлари осмонга қарашди. (Маҳмуд деди): «Мана фалон жойда – яшил кийимда, фалон жойда – оқ либосда жинларим учиб юрибди».


Оддий ҳалқ айтилғанларни тасдиқлади. Маҳмуд эса: «Аллоҳ Таолло бизга ғайбидан қурол-яроғ юборди», деди. Шу пайт Шероз томондан бир савдогар түрт эшакка ортилған қилич, ўқ-ёй олиб келибди. Шундан сўнг оддий ҳалқда ғалабага шубҳа қолмади. Шу жума куни Маҳмуд номига султонлик хутбаси ўқилиди. Намоз тугагач, ҳарбий йифин чақириб, чодир ва гиламларни тортиб олиш учун бойларнинг уйларига одам юборди. Маҳмуднинг қашшоқ тарафдорлари бойларнинг уйларига бориб, уларни талай бошлидилар. Кеч тушгач, Султон париваш ва қалбларни маст қилувчи гўзаллар билан ўтказадиган кечани ёқимли дам олишга бағишилади.

Тонгда қудуқдан таҳорат учун олиб келинган сувдан Маҳмуднинг издошлиари орасидаги касаллар учун шифобахш малҳам тайёрладилар. Маҳмуд талонтарож қилинган мулкни қўшин ва ўзининг атрофидагиларига тарқатди. Маҳмуднинг синглиси буларни кўргач, четга чиқиб: «Менинг иштироким билан амал-

га оширилган ишлари зарарли тус олди», дея афсусланди...

Қочиш сурасини ўқиб чиқкан амирлар ва садрлар Карманада учрашиб, атрофда бўлган барча мўғулларни тўпладилар, у ерда қўшин тузиб, Бухорога йўл олдилар. Маҳмуд, ўз навбатида, жангта тайёрланиб, кўйлак-иштон (изор) кийган бозорчилар билан душман қўшинини кутиб олиш учун чиқди. Қўшиналар икки томонда саф тортиди. Торобий Маҳбубий билан бирга қурол ва совутсиз биринчи қаторда туришар эди. Маҳмудга қарши кўтарилиган қўлларнинг ҳаммаси қурийди, деган миш-мишлар кенг тарқалганлиги сабабли, мўғуллар қўшини қурол-яроғни қўлга олишни истамасди. Мўғул жангчиларидан бири ўқ отиб, тасодифан Маҳмудни ўлдирди. Ҳудди шундай дайди ўқлардан бири Маҳбубийга ҳам тегди.

Бу воқеа ҳақида на Маҳмуд қўшинида, на мўғуллар қўшинида ҳеч ким





билимас эди, лекин бирдан кучли шамол кўтарилиди ва шу орада шунчалик чанг кўтарилиди, одамлар бир-бирларини кўрмай қолди. Душманлар буларнинг ҳаммасини Торобийнинг мўъжизалари деб ўйлашди, уларнинг кайфияти тушди ва оқибатда қочиб кетишиди. Маҳмуд қўшини уларнинг ортидан қувди. Атрофдаги рустоқлар аҳолиси ўз қишлоқларини тарқ этишиди ва улар билан белкурак ва болта олиб, Маҳмуд издошларига қўшилишиди ва мўғул қўшинларини, хусусан, солиқ йиғувчилар ва бойларни қатл этдилар. Шу тарзда қувиб бориб, улар Карманагача етишиди. 10 мингга яқин одам ўлдирилди. Торобий издошлари Бухорога қайтгач, Маҳмудни топа олмадилар ва: «Хўжа кўринмас бўлиб қолди, унинг пайдо бўлишига қадар ўрнини икки укаси Муҳаммад ва Али эгалласин», дейишиди. Бу икки бидъатчилар Торобийнинг иши ва тактикасини давом эттира бошлади. Оддий одамлар ва дайдилар уларнинг издошларига айланишиди ва шу заҳотиёқ тинимсиз талон-тарож қила бошладилар. Бир ҳафта ўтгач, Элдиз Нўён ва Чекен Қўрчи катта мўғул қўшини билан келишиди. Бу бидъатчилар эса ўз издошлари билан даштга чиқиб, қуролсиз ҳолда жангга тизилдилар. Жанг бошланиши биланоқ ҳар икки адашган ака-ука ҳалок бўлган. Бу жангда мўғуллар 20,000 га яқин кишини ўлдирилар. Эртаси куни мўғуллар асиirlар – аёл ва эркакларни даштга қараб ҳайдашди. Мўғуллар бир-бирларига: «Яна бир бор қўлларимизни ишга берайлик, ўз хоҳишмизни бажарайлик, одамларни оғат ўчогининг ёқилғисига айлантирамиз. Уларнинг мол-мулки ва болаларини ўлжа қилиб оламиз», дейишиди...

Бироқ, Яратганинг илоҳий меҳри ва марҳамати туфайли тартибсизликларга чек қўйилди ва Бухоро шаҳрининг баҳт юлдузи яна чарақлади. Маҳмуд Ялавоч Бухорога келганида мўғулларга ўлдириш ва талон-тарож қилишни таъқиқлади. У шундай деди: «Қандай қилиб бир неча

исёнчи туфайли минглаб одамларни ўлдириш ва қандай қилиб битта бидъатчи туфайли, шунча куч сарфланган, гуллаб-яшнаган шаҳарни йўқ қилиш мумкин?» Ишонтириш, уриниш ва жанжалдан сўнг Маҳмуд Ялавоч ҳамда мўғул саркардалари буюк хонга нима бўлганини хабар беришга ва унинг буйруғига биноан иш тутишга қарор қилишиди. Маҳмуд Ялавоч шу заҳотиёқ элчиларини юбориб, хонга шундай таъсир ўтказдики, у кечирилмайдиган айни кечирди ва Бухоро аҳлини афв қилди. Маҳмуд Ялавочнинг бу саъй-ҳаракатлари натижалари мақтов ва миннатдорчиликка сазовордир».

Юқорида айтиб ўтилган ҳикояда, баландпарвоз гапларига қарамасдан, ҳаракат ва унинг раҳбари Маҳмуд Торобийга, умуман, ҳалқ ҳаракати қатнашчиларига нисбатан аниқ душманчилик муносабатида бўлиш, шунингдек, ҳокимиятга, айниқса, ҳукмдорнинг вакили Маҳмуд Ялавочга нисбатан очиқдан-очиқ хайриҳоҳлик кўзга ташланади. Ҳикояда акс этган ҳолат – муаллиф Жувайнийнинг кўзғолончиларга нисбатан душманлик нуқтаи назарига тўхталиш керак. Ҳукмрон табақа тарихшунослиги вакили бўлган Жувайнин учун ҳунарманд Маҳмуд Торобий – авом ҳалқнинг босқинчилик қилишига ёрдам берувчи алдоқчи ва бузуқ шахсdir. Шу тариқа ҳаракатнинг ўзи ва унинг раҳбарлари ҳақида мутлақо бузуқ тасаввурни ҳосил қилиш ҳукмрон табақа тарихшуносларига хос хислатдир.


Масалан, VI асрнинг 70–80-йилларидаги Муқанна (Хошим ибн Ҳаким) кўзғолони ҳақидаги Наршахийнинг машҳур ҳикоясини эслайлик. Наршахий ҳалқ оммасининг кўзғолони ҳақида Жувайниндан ҳам ўтказиб ғазабли оҳангда ёzáди. У ўз ҳикояларида ҳаракат раҳбари Муқаннага лаънатлар айтади.¹

Бироқ, Жувайнин исёнга ва унинг раҳбарига душманлик муносабатидан қатъи

¹ Указ. соч., стр. 65 и дальше.

назар, унинг ижтимоий маъносини пасайтиришга ҳаракат қилса ҳам, у томонидан келтирилган фактлар ва барча қўшимчалар воқеалар тасвирини яратишга имкон беради. Аввало, бир характерли тафсилотни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Жувайнин нафрат билан Маҳмудни имонсиз, жинлар билан алоқадор одам сифатида тасвирлайди, издошлари ҳақида эса, улар махсус таомлар ва рақслар уюштириб, парихонни таклиф қилишини айтади. Улар худди Маҳмуд каби, ҳар хил «даволаш ишлари» билан шуғулланишади ва ниҳоят, бу учрашувларнинг барчасида аёллар алоҳида ўрин эгаллайди, деб кўрсатади. Бу ҳам етмагандай, Жувайнин мӯғуллар даври бошларида бу каби ҳолатлар бутун Ўрта Осиё (Мовароуннахр ва Туркистон) да кенг тарқалгинини таъкидлайди...

Эсда тутиш керакки, бу даврда мусулмон руҳонийлари томонидан халқقا



«подшоҳлик Аллоҳники» ва «султон – Аллоҳнинг ер юзидағи сояси» деган иккита ақида сингдирилган. Мусулмон Шарқида барча инқилобий ҳаракатлар бидъатчилик ёки ҳатто исломга қарши исён сифатида баҳоланганди. Маълумки, VII аср охиридаги Муқанна ҳаракати маздакийлик ғоялари билан йўғрилган эди¹.

XIII асрга келиб маздакийлик энди халқ оммасини эски шаклда қониқтира олмади, чунки замон ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар бошқача тус олган эди. Бироқ, унинг зулмга қарши курашиш ... ғояси халқ оммасининг онгида қолди. Ҳунарманд Маҳмуд ва унинг издошлари исломий Ўрта Осиёнинг қоқ марказида, бутун мусулмон оламида мадрасалари, уламолари ва илоҳиётшунослари билан машҳур бўлган Бухорода гўёки ўз «куфлари» ёки «бидъатлари»ни тарғиб қилдилар²...

Жувайнин асарида ҳунарманлар ва айниқса, дехқонларнинг жамиятдаги хукмрон қатламларга нисбатан нафрати қанчалик юқори бўлганлиги жуда яхши тасвирланган.

Жувайнин асарида Торобий ҳаракатида маздакий ғоялар ўз аксини топғанлиги бўйича бевосита ишоралар мавжуд эмас. Бироқ халқ Маздак номи ва образини унтурмаган эди. Эрон ва Мовароуннахрнинг энг буюк ижод намунаси – «Шоҳнома» бу даврда, айниқса, шаҳар ахолиси орасида кенг тарқалган, бинобарин, Фирдавсий ўзининг ажойиб байтларини бағишиланган Маздак образи ҳам жуда машҳур бўлган (Mohl, VI, 142–154). Қолаверса, Маздак ғоялари билан йўғрилган, асрлар оша етиб келган ҳунарманд ва дехқонлар ҳаракатининг шиори ўз-ўзидан гумдан бўлиши ҳам мумкин эмасди.

¹ См. Бируни. Хронология, араб. текст, стр. 21.

² Jawayni, Gibb memorial, vol. XVI, I, стр. 84–85



Жувайний ҳикояси ҳаракат кучлари ҳақида бизга ёрқин тасаввур беради. Ҳаракат раҳбари – ҳунарманд, элакчи; қўзғолоннинг фаол кучлари – ҳунарманд ва дехқонлар. Бунга ҳикояда тўғридан-тўғри ишоралар мавжуд. Жувайний доимо авом – оддий одамлар¹ атамасини қўллайди. Ҳарбий тўқнашув пайти келгандা, Жувайнийнинг сўзларига қўра, «Маҳмуд жангга ҳозирланиб, кўйлак ва изор (шим) кийган бозорчилар билан душман қўшинини қарши олади»². Бу «бозорчилар» аслида Бухоро ҳунармандлари эканига шубҳа йўқ.³ Маълумки, Шарқий ўрта аср шаҳарларда бозор аҳли ҳунармандлардан ажralмаган... Юқорида Жувайнийдан бир парча келтирилдиким, унда айтилишича, атрофдаги рустоқлар дехқонлари Бухородан Карманагача Маҳмуд Торобий ҳаракатига

қўшилишган.⁴ Албатта, қўзғолончиларга қарши лагер ҳам шакланган. Бу ерда биз маҳаллий зодагонлар (дунёвий ва диний) вакилларининг мўғул қўмондонлиги ва босқоқлар вакиллари билан яқинлашганини кўрамиз. «[Бухорода] бўлган амирлар ва босқоқлар тартибсизликларни бостириш чора-тадбирлари тўғрисида йиғилиш уюштиридилар...». «Амирлар, шаҳарнинг таниқли кишилари ва садрлар Маҳмуд Торобийга илтифот ва хурмат кўрсатаётгандек кўринишса-да, юракларида уни ўлдириш ниятида эдилар»⁵. Ниҳоят амирлар ва садрлар Карманада учрашиб, атрофда бўлган барча мўғулларни тўпладилар, у ерда қўшин тузиб, Бухорога йўл олдилар»⁶.

Жувайний катта эътибор билан ҳаракат етакчисининг шахсиятига тўхталади. Биринчи сатрларданоқ у Маҳмудга нисбатан

¹ Указ. соч., стр. 85 и след.

² Указ. соч., стр. 89.

³ Указ. соч., стр. 89.

⁴ Указ. соч., стр. 86.

⁵ Указ. соч., стр. 87.

⁶ Juwayni, Gibb memorial, vol. XVI, I, стр. 89.



дushmanlik муносабатини яширмайди. Жувайний фикрича, Маҳмуднинг барча хатти-ҳаракатларининг асосий мотиви шундаки, у шахсий манфаатлари учун ҳокимиятга интилмоқда. Жувайний уни ҳокимият тепасига келиш ва талон-тарож қилинган мол-мулкнинг катта қисмини қўлга киритиш учун оломоннинг йиртқич инстинктларига ёрдам берувчи демагог сифатида кўрсатишга тайёр...

Жувайний воқеаларнинг шундай тафсилотларини етказадики, унда, Маҳмуд Торобий халқни мустамлакачи мӯғуллар, хукмдорлар ва бойлар зулмидан озод қилиш ғоясига содик одам сифатида намоён бўлади. «Икки томондан қўшинлар сафи тизилганида», «Маҳмуд Торобий Шамсиддин Маҳбубий билан бирга, қурол ва совутсиз олдинги сафда эди»¹. Жувайний Маҳмудни бепарволикда, ҳаракат раҳбари сифатида ўз шахсиятининг аҳамияти

тига етарлича баҳо бермаслиқда айблайди, чунки у «биринчи жангдаёқ исёнкор халқнинг биринчи қаторида туриб, ҳалок бўлади»... Шунга қарамасдан, Маҳмуд Торобий мазкур халқ ҳаракатида тасодифий одам эмаслигини, у ўз даврининг инқиlobий сиёсий тафаккур чўққисига чиқа олганини Жувайний келтирган маълумотлар тасдиқлаб турибди.

У омма томонидан тан олинган раҳнамо, нима деса барча тинглайдиган, ҳамма сўзсиз бўйсунадиган моҳир тарғиботчи. Асадаги икки ҳолатни исбот сифатида келтирамиз: бири – бозорда, Малик Санжар саройининг томидан халқ билан гаплашаётганида бўлса², иккинчиси – Абу Ҳафс тепалигида, халқни қуролли қўзғолонга чорлаб, ҳокимиятни босиб олишга чақирганида. Ҳар икки ҳолатда одамлар унинг ҳар бир сўзига қулоқ тутишади.³ Нафақат унинг шахсиятини, балки исён-

¹ Указ. соч., стр. 89.

²Juwaini, Gibb memorial, vol. XVI, I, ctp. 87.

³Juwayni, Gibb memorial, vol. XVI, I, ctp. 87.



чилар (хунармандлар ва дехқонлар)нинг сиёсий онги даражасини тавсифлаш учун ажойиб омилни келтириш керак. Маҳмуд катта дехқонлар ва хунармандлар ҳамроҳлигига Торобдан Бухорога келганида, биринчи қилган иши Малик Санжар саройига боради.¹ Бу тасодифий ҳолат эмас, чунки, Малик Санжар саройи шунчаки бошпана эмас, балки юқорида айтиб ўтганимиздек, қалқон сотувчининг ўғли, Торобий қўзғолонидан йигирма бир йил аввал Бухорода бўлиб ўтган садрларга қарши ҳалқ ҳаракатининг бошлиғи Санжар томонидан қурилган сарой эди!

Ўшанда қалқон сотувчининг ўғли Санжар қисқа вақт ичида қаср қуришга муваффақ бўлган эди. Қўзғолончилар ва уларнинг раҳбари Маҳмуд Торобий учун саройни босиб олиш, уни қўзғолон штабига айлантириш чуқур ўйланган сиёсий қадам бўлиб, бундан кўзланган мақсад – ўз ҳаракатларининг олдинги ҳалқ озодлик ҳаракатининг мантиқий давоми эканлигини таъкидлаш бўлган. Бухоро хунармандлари ўз Санжарларини унтишмаган ва у қурдирган сарой улар учун ҳалқ ҳокимиятининг рамзи бўлган. Сарой билан боғлиқ бу детал бир саволга ойдинлик киритади: Бухорода Санжар ҳаракатининг хотираси кучли эди. Бошқа фактлар ҳам Маҳмуд Торобийнинг сиёсий онг даражаси (албатта, ўз даври шароитида) ҳақида бизга хабар беради. Маҳмуд ҳалқ учун нафақат ҳокимиятни

ўз қўлига олиш, балки унинг ҳукмронлигига қонуний тус бериш муҳимлигини тушунди...

Бундан келиб чиқадики, унда Бурхониддин хонадонидаги руҳонийлар бошлиғидан халифалик унвонини олиш истаги пайдо бўлади. Жувайний Маҳмуд Торобий жума куни шаҳарда ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг, Робиа саройига садрларни, «шаҳарнинг зодагонлари ва таниқли одамлари»ни қандай чақиргани ва садрлар бошлиғини уни халифа этиб эълон қилишга ва сафдоши Шамсиддин Маҳбубийга садр унвонини ҳам топширишга мажбурлаганлиги ҳақида ажойиб ҳикоя қиласи.²

Кейинчалик Маҳмуд исёнкор ҳалкнинг иродаси ва садрлар бошлиғи томонидан унга қонуний равишда берилган ваколатга кўра, халифа ва султон вазифасини бажаради.³ Шундан кейингина у Бухоро шаҳрини уламолар, бойлар, зодагонлардан тозалаш чораларини кўришни бошлайди...⁴ Шунингдек, Маҳмуд шахсий бепарволигига қарамай, моҳир стратег сифатида ҳаракат қиласи. Феодалларга қарши очиқ қуролли қўзғолонга сабаб бўлган воқеалар ривожининг ўзи ҳам Маҳмуд ўз кучларини шаҳарнинг тор кўчаларида эмас, балки шаҳар ташқарисида тўплагани нечоғлик тўғри иш эканини кўрсатади. Чунки у ерда манёвр қилиш имконияти бўлган. Ҳақиқатан ҳам, агар у Абу Ҳафс тепалигига қўшин тўплашни бошламаганида, Бухоронинг бир неча маҳаллаларини танлаганида, мўғул қўмондонлари ўз отрядлари ёрдамида тезда уни мағлуб қилишарди. Бу ерга эса, яъни очиқ жойга, нафақат шаҳар аҳолиси, балки атрофдаги қишлоқлар ҳам тўпландилар. Бу ҳолатни алоҳида таъкидлаш керак. Маҳмуд ўз қўшинининг асосий захираси – Бухоронинг қўшни рустоқлар дехқонлари эканини

¹ Juwayni, Gibb memorial, vol. XVI, I, стр. 87.

² Указ. соч., стр. 87 и 88.

³ Указ. соч., стр. 88.

⁴ Jawayni, Gibb memorial, tol. XVI, 1, стр. 88.

яхши биларди. Шу нүқтai назардан, шаҳар ташқари- сидаги Абу Ҳафс Кабир тепа- лигидаги катта ҳарбий лагер – сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, 1238 йилги ҳаракатнинг энг муваффақият- ли онларидан бири бўлди.¹

1220 йилда Бухорони эгаллашда мў- ғуллар томонидан олиб борилган улкан вайронагарчиликларга қарамай, шаҳар тезда тикланди ва Маҳмуд Торобий қўзғолони даврида феодал мусулмон Шарқидаги энг йирик шаҳарлардан би- рига айланди. Тўғри, бизда 1238 йилдаги Бухоро шаҳрининг тавсифи йўқ. Бироқ, ихтиёrimизда бир-биридан мутлақо мустақил ва умуман XIII асрнинг ўрталарига тегишли иккита маълумот мавжуд. Улар- дан бири машҳур саёҳатчи Марко Поло- га тегишли бўлиб, у Николай ва Матвей Пололарнинг сўзларига асосланиб, шундай ёзади: «Улар сахродан ўтиб, Бухорога ке- лишди. Шаҳар катта, улуғвор... Бухоро бу-

тун Ажам халқлари орасидаги энг яхши шаҳардир»². Ака-ука Пололар Эроннинг кўплаб шаҳарларини кўрганликларини ҳисобга олсан, уларнинг фикри нақадар тўғри эканига шубҳа йўқ, қолаверса, улар Бухорода (В.В. Бартольднинг ёзишича) уч йил, яъни тахминан 1262–1265 йилларда яшаганлар»³.

1260 йилда ўз асарини яратган Жувай- ний шу мавзуда ҳам ёзган. Унинг таъкид- лашича, ўз даврида ислом мамлакат- лари орасида аҳолиси, бойлиги, олиму уламолар миқдори кўплиги жиҳатидан Бухорога teng келадиган бошқа шаҳар бўлмаган. Шунингдек, Маҳмуд Ялавоч- нинг ўғли Масъудбек ҳукмронлиги дав- рида Бухорода иккита ажойиб мадраса қурилгани, уларнинг бири – Хония, ик- кинчиси Масъудийя деб аталганини кўр- сатади, уларнинг ҳар бирида ҳар куни 1000 та талаба ўқиган. Ҳажми ва беза- ги билан иккала бино ҳам Бухоронинг фахри бўлган.⁴



¹ Jawayni, Gibb memorial, tol. XVI, 1, стр. 88.

² И.П. Минаев. Путешествие Марко Поло. Под ред. В. В. Бартольда, стр. 6.

³ В.В. Бартольд, Мир-Али-Шир, стр. 105.

⁴ Juwayni, Gibb memorial, vol. XVI, I, стр. 84–85.

Хуллас, Бухорода бошланган Маҳмуд Торобий қўзғолони Мовароуннаҳр бўйлаб кўтарилиган халқ ҳаракатларининг сиёсий маънодаги энг муҳим нуқтаси бўлди. Бухорода ҳокимиятнинг эгаллаб олиниши, Кармана яқинидаги қўлга киритилган илк муваффакиятлар, мўғуллар отрядининг мағлубиятга учраши ва дехқонларнинг ҳаракатта фаол қўшилишлари – қўзғолоннинг ёрқин истиқболларини намоён қилган эди. Мовароуннаҳрдаги ўша пайтдаги кескин шароитни ҳисобга олсақ, халқ ҳаракати Зарафшон водийси бўйлаб кенгайиши мумкин эди. Бироқ, ҳаракат раҳбарлари Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубийнинг биринчи жангдаёқ ўлдирилгани ва акалари ишини давом эттиришга интилган Торобийнинг икки укаси – Муҳаммад ва Алиниңг кейинги йирик жангда ҳалок бўлишгани учун ҳам бу натижа содир бўлмади.

Жувайниний тўғри таъкидлаганидек, исёнчи ҳунарманд ва дехқонларнинг етарлича қурол-яроғлари ёки зарур ҳарбий тайёргарликлари йўқлиги ҳам бунга сабаб бўлганди.² Бу ҳолатлар алоҳида таъкидланиши керак, чунки бошқа барча шароитлар ҳаракат учун қулай бўлган. Мен (Якубовский) асосан дехқонларнинг фаол куч сифатида ҳаракат қилишга тўлиқ тайёрлигини назарда тутяпман. Маҳмуд ва Маҳбубийнинг ўлими билан боғлиқ фожеа, етакчидан маҳрум бўлиш омма орасида тушқунлик ва тартибсизликка олиб келди, ҳукмрон табақа ва мўғулларга вақт бериб, Бухорога катта кучларни жалб қилишга имкон яратди. Бир ҳафтагина ўтгач, «Элдиз Нўён ва Чекен Қўрчи катта мўғул қўшини билан келишди»¹.

Кучлар teng эмасди, шунинг учун очик жангда Торобий ҳаракати мағлубиятга учради, Бухоро ва унинг атрофида қўзғо-



лончи аҳолига қарши қатағонлар бошлиди. Зўравонлик, қотиллик, аҳолини талон-тарож қилиш шунчалик кўпайиб кетдики, Мовароуннаҳр ҳукмдори Маҳмуд Ялавоч Бухорони яна буткул вайрон бўлишдан қутқариш учун аралашишга мажбур бўлди. Жувайниний ўша пайтдаги қудратли солиқчи ва ҳукмдорнинг «доно» ва «муросали» сиёсатини улуғлаш учун бўёқларини ҳеч аямайди.

Маҳмуд Ялавочнинг сулҳпарварлиги, муросасозлиги ҳақидаги сўзлар ҳақиқатга тўғри келиши ва у буюк хон Ўгадойга мурожаат қилиб, Бухорони вайронагарчиликдан қутқарган бўлиши мумкин; аммо унинг бундай йўл тутишининг асл сабаблари бошқача бўлган. У Мовароуннаҳрдан олинадиган барча ўлпонларнинг тўпловчиси сифатида Бухоро ва унинг атрофида иқтисодий ҳаётнинг қисқаришига ёки бутунлай қулашига бефарқ қарай олмасди. Зоро, мўғул хони ўзига келиб тушиши лозим бўлган солиқларнинг ҳаттоқи кичик қисмини ҳам Мовароуннаҳрдан олиб ташламаган бўларди. Бухоронинг хароба бўлиши, албатта, Маҳмуд Ялавочнинг ҳам даромадига таъсир қиласди. Унинг нуқтаи назаридан кейинги қатағонлар кераксиз эди, чунки ҳаракат аллақачон бостирилганди.

¹Jawayni, Gibb meborial, tol. XVI, 1, стр. 87, 88, 89, 90.

² Указ. соч., стр. 89–90.

ЖУВАЙНИЙ ВА УНИНГ «ТАРИХИ ЖАҲОНГУШОЙ» АСАРИ¹

Хурсонлик муаррих ва йирик давлат арбоби Алайддин Атомалик Жувайний (623/1226–681/1283) қаламига мансуб «Тарихи жаҳонгушой» («Жаҳон Фотихи тарихи») асари қатор Шарқ мамлакатларининг XII–XIII асрлардаги тарихини ўрганишда энг ишончли ва мукаммал манбалардан саналади. У 1252–1260 йиллар орасида таълиф этилган бўлиб, уч жилдан иборат. Биринчи жилда мўғуллар тарихи ва уларнинг зафарли юришлари, иккинчи жилда хоразмшоҳлар давлати (1097–1231) тарихи ва ниҳоят, учинчи жилда Исмоилийлар давлати (1090–1257) тарихи ҳамда Ҳулогуҳон (1256–1265) нинг Элхонлар салтанатига асос солиш тафсилотлари нақл қилинади.

Асар узок йиллардан бўён кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келаётир. Шунга қарамай, унда ҳалигача етарли даражада ёритилмаган масалалар, олимлар ўртасида тури мунозараларга сабаб бўлаётган ҳамда айrim ҳолларда англашилмовчиликларга олиб келаётган ўринлар кўп. Қуидида ана шундай аниқлик киритишини тақозо этувчи учта масалага қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. АЛОУДДИН ЖУВАЙНИЙНИНГ МЎҒУЛЛАРГА МУНОСАБАТИ

Мўғуллар даври тарихнавислиги ҳақида сўз борганда (хурсонлик муаррих) Жувайний мўғул истилочиларига хайриҳоҳ «мўғулпараст» муаллифлар қато-

рида санаб ўтилади. Француз тарихчиси Д'Оссон уни ҳатто «ихтиёрий равища» босқинчилар маддоҳига айланганликда айблайди.² Маълумки, Жувайний тахминан 20 ёшларида мўғуллар хизматига кириб, умрининг сўнгти 20 йили мобайнида Чингизхоннинг набираси Ҳулогуҳон томонидан тузилган Элхонлар давлатида Бағдод ҳокими лавозимида фаолият кўрсатади. У ўз асарини ҳам сарой тарихчиси сифатида таълиф этган. Бундай шароитда унинг тўла эркинлик билан қалам юргизиб, ўз ҳис-туйғуларини очик-ойдин баён қила олмаслиги табиий эди. Аммо, асарни диққат билан ўқиб чиқкан киши кутилмаган манзарага дуч келади.

Жувайнийнинг мўғуллар уюштирган қатли ом ва ялпи вайронтарчиликлари ҳақида батафсил ҳамда ошкора ҳикоя қилганлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган.³ Қолаверса, буни мўғулларнинг ўзлари ҳам яширмаган ва ҳатто бундан фахрланган ҳам.

Асада Жувайнийнинг тарих саҳнасидан туширилган хоразмшоҳлар сулоласига эътиқоди баландлиги яққол сезилиб туради. Унинг вакилларини тилга олар экан, муаллиф бот-бот «олийхиммат», «жасур», «доно», «одил» каби сўзларга мурожаат қиласи. Жувайнийнинг, айниқса, охирги хоразмшоҳ **Жалолиддин Мангуберди** (1220–1231)га муҳаббати ўзгача. Муаллиф уни турли бўёқларда қўкларга

¹ Тошев Н. Жувайний ва унинг «Тарихи жаҳонгушой» асари // «Шарқшунослик». – 1995. – № 6. – Б. (Ушбу мақола китоб-альбом муаллифлари томонидан қисқартириб берилди).

² Д'Оссон К. История монголов. Т. 1. – Иркутск, 1937, – С. 8.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. М., 1963, – С. 88; Петрушевский И.П. Рашид-ад-Дин и его исторический труд, Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1, М-Л., 1952, – С. 31.



кўтариб мақтайди, Темур Малик билан икковини «Шоҳнома» қаҳрамонларидан ҳам устун қўяди.

Жувайнийнинг Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1220)га бўлган муносабати алоҳида эътиборга лойиқ. Мусаниф унинг қорахитойлар давлатини йўқ қилганини афсус билан эслайди. Унинг фикрича, Муҳаммад Хоразмшоҳ бу билан ўз давлатини мўғуллардан тўсиб турувчи кучни йўқотди (1 жилд, 52-бет). Бу фикрнинг нечоғлиқ тўғри эканлиги бугунги кунда яхши маълум.

Жувайний Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун ва унинг тарафдорларини ҳам қаттиқ қоралаб, давлатнинг қулашибига айнан шулар сабабчи бўлди, деган хulosага келади. Муаллиф бу аёлнинг Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокатга юз тутишида асосий сабаблардан бири бўлган ёвуз ҳаракати – саройда гаров сифатида ушлаб турилган кўплаб қарарм ҳукмдорларнинг ўғилларини дарёга улоқтирганини ҳам нафрат билан қайд қилиб ўтади (II жилд, 198-бет). Хуллас, Жувайний бу давлатнинг барҳам топишини ҳасрат билан ёд қилади ва бунинг рўй бермаслиги учун нималар қилиш лозим бўлгани ҳақида гарчи кеч бўлса-да, мулоҳаза юритади. Бундай мисолларнинг рўйхатини анча кенгайтириш мумкин. Бироқ, зикр қилиб ўтилганларнинг ўзи-

ёқ Жувайнийнинг асл кайфиятини уқиб олишга имкон беради...

Биз учун энг асосийси шуки, у ёки бу масалага муносабат билдириш асл воқеликни бузиб кўрсатиш ҳисобига қилинмайди. Маҳмуд Торобий қўзғолони ҳақидаги бобни ҳисобга олмаганда, асарнинг бирор жойида ҳам муаллиф воқеалар баёнини ўз измига бўйсундириб, ўқувчига ўз фикрини зўрлаб ўтказишга ҳаракат қилмайди. Дарвоқе, Торобий қўзғолони мисолида мусанифнинг бу ишни қай даражада удалай олиши ва бунинг нималарга олиб келиши мумкинлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Аммо, бу умуман бошқа мавзу ва унга алоҳида тўхталиш тақозо этилади.

2. «ТАРИХИ ЖАҲОНГУШОЙ» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Алоуддин Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой» асари ўзининг бетакрор тил ва услугуб хусусиятлари туфайли форс адабиёти тарихида алоҳида саҳифани ташкил этувчи ёзма ёдгорликлардан биридир. Асар муаллифи ўша давларда ёқ ўз замондошларининг яқдил эътирофига сазовор бўла олган. Хусусан, унинг давомчиси, «биринчи даражали ёзувчи, муаррих Вассоф «Тарихи жаҳонгушой» нинг услуги ва тарихий қадр-қиммати олдида мислсиз эҳтиром билдиради»¹.

¹Д'Оссон К. История монголов. Т. – Иркутск, 1937, 11-б.

Асарни инглиз тилига таржима қилган олим Ж. Бойл таъкидлаганидек, Жувайний форс насрый адабиёти анъанавий услугбининг устаси эди.¹ Асар форс тилида битилган бўлса-да, матн арабий иборалар, шеърлар, мақол ва маталлар, Қуръон ояtlари ва ҳадисларга бой. Баъзан гап форс тилида бошланиб, арабча тугалланади. Арабий парчалардан ташқари форс мумтоз адабиёти вакилларининг мисралари, айниқса, «Шохнома» байтлари ҳам учраб туради. Улар орасида мусаннифнинг ўз қаламига мансуб шеърлар ҳам бор.

«Жаҳон Фотихи тарихи» муболага, ташбих, тажнис (сўз ўйини), қочиримлар ва бошқа кўплаб риторик шаклларга жуда бой. Муаллиф синонимик қатор, яъни бир неча маънодош сўзларга тез-тез мурожаат қиласи. Баъзан эса шаклан ўхшаш, оҳангдош сўзларнинг тўрт-бештаси кетма-кет келади. Буларнинг барчаси асарни ўқиб тушунишни, айниқса, уни таржима қилишни нихоятда қи-

йинлаштиради. Аммо,adolat юзасидан шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, муаллифнинг дабдабали услуби асарнинг тарихий манба сифатида қимматига путур етказмайди. Воқеалар баёнига ўтар экан, Жувайний ҳашамдор услубдан воз кечиб, оддий, қуруқ тил билан ва изчил ҳикоя қилишга ҳаракат қиласи.

Асарнинг тили ҳақида тапирганда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Муаллиф Рашидиддин ва кейинги бошқа муаррихлардан фарқли, турк-мўғул сўзларидан камдан-кам ҳолларда истифода этади. Ҳатто келиб чиқиши туркий бўлган ўнлик, юзлик, минглик сўзлари ўрнига ҳам форсча даҳа, сада, ҳазора сўзлари, қўшин қисмларини ифодалаш учун арабий майсара, маймана, қалб ва бошқа сўзлар қўлланган. Хуроса қилиб айтганда «Тарихи жаҳонгушой» асари ўзининг бадиий қадр-қиммати ва беназир хусусиятлари орқасида нафақат тарихий, балки адабий манба сифатида ўрганишга ҳам муносибдир.²



¹ Жувайний. Жаҳон фотихи тарихи. Таржимон Ж.Бойл сўзбошиси. 1 жилд. Манчестер, 1958, 28-б. (инглиз тилида).

² Қаранг: Алоуддин Жувайний. Торобий қўзғолони зикри // Бухоро мавжлари. – 2007. – № 2. – Б.11–13. Уибу мақолада Н. Тошев Жувайнининг мазкур асаридан парчани форс тилидан ўзбек таржима қиласи.

МИРЗО УЛУГБЕК



ТҮРТ УЛУС ТАРИХИ¹

Ўша замонда рўй берган ғаройиб воқеалар ва ажойиб ишлардан Маҳмуд Торобий хуружи эдики, у туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 630 йилда Фохира шаҳар – Бухородан уч фарсаҳ (масофа)да жойлашган Тороб кишилоғида рўй берди. Назм (мазмуни):

*Кўк сўф кияр эди ушибу сохта шер,
Иккюзламачи ҳам айёр эди бул эр.
Ул - фирибгар, тутун тарқатган олчоқ,
Ибодати – рўза бирла салавот.²*

Макру ҳийла билан зуҳду ибодат тариқини тутди. Жинлар менинг атрофимга йигилган ва менинг амру-фармонимдан чиқмайди, – деб даъво қилди. Бу сўзлар омма оғзига тушди-ю, тузалмас қўянчиқ ва бошқа касаллари бўлганлар унинг хузурига кела бошладилар. Тасодиф бўлиб бир-икки (касал)га Тангри Таоло шифо ҳам берди. Бошқа кўп сабаблар бўлиб, унинг шуҳрати ортди. Шу туфайли жуда кўп халойик унга интилиб, атрофига кўп халқ йигилди ва унинг мулизимига айландилар. Кундан-кун унинг жамоаси зиёда бўла борди. Бундан ўша атрофда яшайдиган доруга, амирлар, ҳокимлари хавфга тушиб қолдилар. Ов қуши билан Маҳмудбек ибн Соҳиб Ялавоч хузурига хабар йўлладилар.

Ўзлари эса (Маҳмуд Торобийга) ихлос ва эътиқод қўйганлар суратига кириб, Шайх Маҳмуд Торобийни кўриш учун йўлга тушдилар ва илтимос қилдилар.

ки, «зора шайх қадамларининг баракоти шаҳарга ҳам етса, шаҳарнинг нотавон, ожиз ҳалқи ҳам шайх қадамлари саодатидан баҳраманд бўлса».

Шу баҳона билан Маҳмудни Торобдан олиб чиқдилар ва Бухоро шаҳри сари йўналдилар. Йўлларидағи Сарипулга (кўприкка) етганларидан кейин уни бирёклик қилмоқ ниятида эдилар ва шу билан ундан хотиржам бўлмоқчи эдилар. Торобий фаросати билан уларнинг бу шум ниятларини пайқади ва ўша кўприкка яқинлашишлари билан у доругага деди: «Ботил нияtingни хаёлингдан чиқариб ташла, акс ҳолда орамиздаги бир одам сенинг кўзларингни ўйиб олиш пайида-дир». Доруга ва амирлар хотирларидағи сүиқасдни бирорга айтмаган эдилар. Шу туфайли бу сўзларни эшишиб, қўрқиб кетдилар ва ниятларини амалга оширомадилар. Шайх Маҳмуд Торобий шаҳарга соғ-саломат етди ва бир ҳовлига кирди. Халойик шу даражада унинг манзилига ёпирилиб кела бошладики, бирор ҳузурига кирган киши дарвозадан чиқиши мушкул бўлиб қолди. Издиҳом ҳаддидан ошавергандан кейин, одамлар ул табаррук зотни кўрмай қайтиб кетмадилар. Шайх ўз муҳлислари кўнглига тасалли бермоқ учун ҳар замонда (в. 166 б.) томга чиқиб, оғзига сув олиб, (яъни дам солиб) уларга қаратса пуркарди. Кимга ундан (бу сувдан) бирор қатра келиб тегса, хурсанд ва хушдил бўлиб қайтиб кетарди.

¹ Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994 йил, 299–303-бетлар.

² Шеърий таржима муаллифи Мавлуда Раҳмонова.

Доруға ва амирлар фурсат топиб, уни бирёзлиқ қилиб, ўртадан йўқотмоққа қанчалик уринмасинлар, авомнинг кўплиги ва издиҳом билан атроф теваракдан одамларнинг оқиб келиб тўпланиши, шу маҳаллада уни ўраб олганликларидан ҳеч бир ниятларига мұяссар бўла олмадилар. Шайх Торобий амирларнинг унинг жонига қасд қилмоқчи бўлганикларидан хабар топиб, бир ўзи яширинча бошқа эшикдан чиқиб, у ерда турган отга мина солиб, жиловини бўш қўйиб чоптириб кетди. Келиб, бир баланд тепалик устига чиқиб, кутиб турди. Халқ шайхнинг шаҳарда йўқлигидан хабар топди. Авом халқ шовқин кўтариб, шайх парвоз қилиб уйдан чиқиб кетган, дедилар. Халқнинг кутишга тоқатлари бўлмай, шаҳарнинг бутун аҳолиси ташқарига отилиб чиқиб,

унинг атрофига жам бўлдилар. Шомға яқин у йиғилган жамоатчиликка деди: «Эй ҳақ толиблари, қачонгача кутамиз ва интизорлик тортамиз. Рўйи заминни Тангридан қўрқмайдиганлар (яъни кофирлар)дан пок қилмоқ лозим. Кимнинг қандай қуролга қурби етса, қиличми, ўқ-ёими, калтакми, қўлга олсин. Қўлидан келганча Тангридан қўрқмайдиганлар (яъни кофирлар)дан бирортасини ҳам қўймаслик лозим. Шундан сўнг халқ қуролланиб ва мукаммал бўлиб, шайхни шаҳарга олиб келдилар. Доруға ва амирлар қочиб кетдилар. Кейинги жума куни Шайх Маҳмуд Торобий номига хутба ўқитдилар. Имомлар ва Бухоро акобирларининг барчаси шунда хозир қилинди. Шайх уларнинг баъзиларини ўлдирди, баъзиларини эса сазойи қилди. Ринд ва авбошларнинг барчасини катта эҳтиром билан қабул қилди, уларга деди: «Сиз-



лар учун ғайбдан қурол-яроғ топишга мұяссар бўлдим!» Ўша күнларда Шероз томондан бир карвон келди ва тўрт харвор (4 та эшакда) шамшир олиб келишиди. Бу ҳам (унга ихлос қилган) одамлар сонининг кўпайиши ва эътиқодига сабаб бўлди. Маҳмуд Торобий уларга амирларнинг чодирлари ва асбоб-ускуналаридан келтиришни буюрди. Бутун салатанатни дабдабаю ҳашам билан унинг олдига келтирилар. Бутун ҳашамат билан уни ўтқаздилар. Йиғилганлардан тўла лашкар тартиб берилди. Бебош одамлар ва авом (в. 167 а.) халқ бойларнинг ҳовлиларига кириб олдилар. Хоҳлаганларга у ерлардан нарса олиб, Шайх Маҳмуд Торобий хузурига кўтариб келдилар. У бўлса (келтирилган молларни) лашкарга бўлиб берди.

Доруға ва амирлар борган жойларидан мўғул фирмаларидан катта қўшин



тўплаб, шаҳарга қараб юрдилар. Шайх Маҳмуд Торобий ҳам ўз тобеълари ва одамларини жангга бошлади, шаҳар ташқарисига олиб чиқди. Ҳар икки лашкар икки томонда саф тортиб саваш бозори қизиганда, Шайх Маҳмуд Торобийнинг бошдан-оёқ такаббурлик ва алдовдан иборат бўлган кароматлари овозасидан жиддий жанг қилмадилар. Аммо ногоҳ қазо камондори дастидан жон оловчи ўқ – қадар (тақдир) найзаси Шайх Маҳмуд Торобий қатли учун келиб тегди. У йиқилиб, жон берди. Унинг ўлимидан ҳеч ким воқиф бўлмади. Зоро, ўша жангтоҳда қаттиқ шамол қўзғолиб, улкан тўзон пайдо бўлди. Чунончи, одамлар бир-бировини ҳеч бир кўрмай қолдилар. Мўғул лашкари буни Шайхнинг кароматига йўйиб, жанг қилишдан юз ўғирдилар; Торобий одамлари уларнинг пайидан тушдилар. Тангри халқи (бандалари)дан қарийб ўн минг киши ўлдирилди. Қўзғолончилар қатл этиш ва талон-тарождан қўл тортганларида, ўз Шайхларидан ному-нишон топмадилар. «Шайхимиз ғойиб бўлибдилар. Биз одамларнинг қўзидан ғойиб бўлмоқни истабдилар. Шайх қайтиб келгунларича у кишининг иниларини Шайх ўрнига қойим-мақом қилурмиз, деб Мухаммад ва Али деган (укалари)ни Шайхнинг ўрнига тайин қилдилар. Барча авом ва бебош одамлар ул кишига тобеълик камарини жонлари белига боғладилар ва (дуога) қўл кўтардилар. Сўнг кўнгилларига нима келса, қила бошладилар, не айтгилари келса, айтдилар. Бунинг хабарини Бухоро амирлари Ҳўжандда турган Маҳмудбек ибн Соҳиби Ялавоч Бухорийга жўнатган эдилар. Хабар Ҳўжандга етди. Маҳмудбек ибн Соҳиби Ялавоч Бухорий бўлган гапларни Қорача нўёнта етказди. Унинг фармонига биноан Элдиз нўён ва Чаган қўрчи ҳисобсиз лашкар билан бу фитнани даф қилмоққа азм этдилар ва йўлга тушдилар. Ул гумроҳлар (яъни Шайх Маҳмуд издошлари) ҳокимиётни қўлга олганларидан бир ҳафта ўтгандан ва фасод қўлларини ишга сол-

ганларидан кейин мўғул лашкари (в. 167б.) Бухоро шаҳрига яқинлашди. Шайх

Торобийнинг укалари барча тобелари ва яқинларини яна илгаригидек шаҳардан ташқарига олиб чиқдилар, жантга шайланиб турдилар. Жасорат билан жантга ташландилар. Ҳар икки томондан йигирма бир минг киши шаҳид бўлди. Торобийнинг укалари ҳам нобуд бўлдилар. Битта-яримта тирик қолганлари пана жойларга қочиб беркиндилар. Ўша қиёмат-қойим уруш пайсал топди. Лекин мўғул лашкари Бухоро халқини ғорат қилишга тамаътишини қайраб олган эди. Бухоро аҳлига янгидан қўл чўзмоқчи бўлдилар. Тангри лутфи (Бухоро аҳли) додига етиб, бир тўда Бухоро бузурглари хизматга бел боғлаб, турли нозу неъмат ва (олтинлар) ни нисор этиш учун чиқиб келдилар ва (мўғул) сипоҳининг катта амалдорлари бўлмиш Элдиз нўён ва Чаган қўрчи ёнига келиб, улардан сўрайдиларки «Бу даражадаги қатлу ғоратни тўхтатинглар. Бўлган воқеаларнинг аҳволини Амир Қорачор нўён

(бошқа адабиётларда Қўрчи нўён – A.X., M.P.)га етказурмиз. Қандай фармон бериладиган бўлса, лашкарлар шунга амал қилишсин!» Барча амирлар бу гапга рози бўлдилар. Воқеа мазмунини бир ялавоч (чопар) орқали жўнатдилар. Амирлар ва лашкар аҳли албатта жавоб тўрага муовфик бўлишига умид боғлаб, хизматларига кетдилар ва (Бухорони) хароб қилишдан қўлларини тийдилар.

Арзнома мазкур марҳаматли нўёнга етгандан кейин Бухоро аҳолисининг жарима саҳифасига афв рақамини чекди ва Чигатайхоннинг ёрлигини жўнатди. Унда лашкар аҳлининг қайтиб кетиши, Бухоро шаҳри аҳолисининг қатла, талон-тарож қилинишига асло ва қатъян кириш масликлари лозим. Тош, сув ва яғмодан қўлларини тийишлари лозим, дейилганди.

Ул номдор нўённинг кифоятли саодати ва ҳимоятидан Бухоро ҳамда унинг ноҳиялари аҳолиси, зиёлилари, авомуйўқсуллари ҳам Торобийлар исёнидан, ҳам мўғул лашкарининг қатлу торожидан халос бўлдилар.





НАИМ КАРИМОВ,
академик

ОЙБЕККА ИЛҲОМ БЕРГАН СИЙМО¹

Буюк мутафаккир адид Ойбек ижодида Бухоро мавзуи етакчи ўринлардан бирини эгаллади. У умрининг сўнгги кунларида Бухорога бориб, XX аср бошларида рўй берган тарихий воқеаларни ўрганиш учун воқеаларнинг барҳаёт гувоҳлари билан учрашган, улардан амир ва амирлик ҳақидаги нохуш хотираларни эшитган. Биз яқин-яқингача адиднинг рафиқаси Зарифа Сайдносирова кундаликларига асосланиб, Ойбек Бухоро инқилоби ҳақида роман ёзмоқчи бўлган, деб келган эдик. Аммо бугун ўйлаб қарасак, адид Бухоро инқилоби эмас, балки ўз олдига амирлик тузумини ислоҳ қилиш вазифасини қўйган Ёш бухороликлар ҳаракати тўғрисида роман ёзмоқчи бўлган кўринади. Бинобарин, уни Фрунзелар эмас, Фитратлар, Файзула Хўжевларнинг хурриятпарварлик фаолияти кўпроқ қизиқтирган.

Ойбек ана шу бадиий ният ижросига киришишдан 17 йил аввал Бухоронинг бошқа бир халоскори – Маҳмуд Торобий бошчилигидаги ҳалқ қўзғолонига бағишлиланган асар ёзган эди. Бу асар уруш даврининг талаби билан тез ёзилиши ва саҳна юзини кўриб, томошабинларни душманга қарши мардона курашга рафбатлантириши лозим бўлгани учун адиднинг Бухорога бориб, тарихий жойларни ўрганишга эҳтиёж бўлмади. У Тошкент кутубхоналаридаги тарихий манбалар

асосида муғул истилочиларига қарши кўтарилиган ҳалқ қўзғолонини ҳаққоний тасвирашга эришди.

Республиканинг ўша вақтдаги раҳбарияти топшириғи билан 1941 йилнинг 15 сентябрида бошланган «Маҳмуд Торобий» опера-либреттоси устидаги иш ўша йилнинг 10 октябрида якунланди. Ойбек 25 кунда 6 пардали опера-либретто (кеинчалик драматик достон тарзида эълон қилинган асар)ни ёзиб тутатди. Ойбек ижодини диққат-эътибор билан кузатган киши унинг ҳалқни мустақиллик, маданий ва маърифий тараққиёт сари етакловчи тарихий шахсларга катта ҳурмат билан муносабатда бўлгани ва уларни ўз асарларига қаҳрамон этиб танлаганини кўради. Маҳмуд Торобий ҳам Ойбек учун шундай сиймолардан бири бўлибгина қолмай, Ватан ва ҳалқ тақдирни ҳал этилаётган бир вақтда ўз зиммасига шу ҳалқни миллий озодлик кураши байроғи остида бирлаштиришдек тарихий вазифани олган улуғ раҳнамо эди. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон Муқанна, Мақсуд Шайхзода Жалолиддин Мангуберди раҳбарлигидаги ҳалқ қўзғолонлари ҳақида саҳна асарини ёзишга киришганларида, у Маҳмуд Торобий мавзуини танлади. Унинг назарида, Маҳмуд Торобий номи афсоналар билан қуршалган Муқанна ва Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддиндан ҳам кучлироқ, том матьнодаги ҳалқ

¹ Н.Каримов. Ойбек гулшанида қолган ғунчалар. – Т.: «Фан» нашриёти, 1985, 50–61-бетлар.

қаҳрамони эди. Оддий бир ғалвирчининг муғул қўшиларини титратган ҳалқ қўзғолонига бошчилик қилишиши да у ҳалқнинг тарих ижодкори сифатидаги кучини кўрди. Маҳмуд Торобий сингари кучли шахсларнинг тарих олдидағи бурчини шараф билан ўташини тасвирилашга алоҳида эътибор берди.

Ҳамид Олимжон ва Шайхзода ўз асарларини Ҳамза номидаги ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри учун ёзганлари ҳолда Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий»ни опера ва балет театри учун ёзгани кимгadir ғайритабиий туюлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, уруш йилларида Москва ва бошқа шаҳарлардан Тошкентга кўчиб келган асар зиёлилар Пушкин кўчасидаги 84-уйга жойлашган эдилар. Атоқли шарқшунос олим Е.Э. Бертельс ҳам шу уйда яшаган. У Ойбек билан тез-тез учрашиб, у орқали мазкур уйда истиқомат қилган режиссёр С. Михоэльс, композитор О. Чишко, пианиночи А. Гольденвейзер, адабиётшунос ва ёзувчи А. Дейч сингари сиймолар билан танишган Ойбек уларнинг таклифи билан ўз асарини опера театри учун ёзишга жазм қиласди. Ўша

йилларда Тошкент театрларининг бошлиғи бўлиб ишлаган С. Михоэльс операни сахнага қўйишини ўз зиммасига олади.

Ойбек опера-либреттони ёзибгина қолмай, дастлаб унинг сценарийси устида ҳам жиддий ишлаган. Унинг архивида шу асарга оид талайгина қўлёзмалар бор. Қизиги шундаки, мазкур асар ҳали опера театри сахнасига чиқмасдан туриб, унинг асосида Ҳамза номидаги ўзбек ва шу йилларда Тошкентда ўз фаолиятини давом эттираётган С. Михоэльснинг бевосита раҳбарлигидаги Яхудий драма театлари учун ҳам асар ёзиш режаси туғилади. Ойбек С. Михоэльснинг таклифи билан Ҳамза театри учун ўзбек тилида «Ғалвирчи», Яхудий театри учун эса А. Дейч билан ҳамкорликда рус тилида «Ҳалқ қалқони» пьесаларини ёзишга киришади.

Александр Дейч «Ўзбекистон қалби» номли мақоласида мазкур ижодий жараён тўғрисида бундай маълумотни берган: «Торобий ҳақиқат учун жасорат билан курашувчи инсон ва давлат арбобига хос руҳлантирувчилик туйғуси билан дехқонлар, ҳунармандларни бирлаштиради, уларни душманга қарши жанг майдонига олиб чиқишига мұяссар бўла-




ди. Мўғулларнинг тажрибали лашкарлари ҳам бу ҳалқ қўшинига дош беролмай, Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ўшанда Маҳмуд Торобий доно бошқарувчи, эзилган, хўрланган деҳқон ва хунармандларнинг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Ойбек томонидан ёзилган либреттонинг марказий қаҳрамони шундай шахс эди. Тарихий аниқлик, ҳаққонийлик билан туйғулар гўзалиги, салмоқлилиги билан ажralиб турадиган бу асар композиторга яхши материал берди. Михоэльс ва Ойбек бу ишга мени ҳам жалб этишди. Бизда Ойбек билан ҳамкорликда худди шу материал асосида «Халқ қалқони» («Щит народа») драмасини ёзиш нияти шу тарзда пайдо бўлди».

А.Дейч орадан бир қанча йил ўтгач, гарчанд бу асарни ёзиш иштиёқи Михоэльснинг иштирокисиз бўлганини айтган эса-да, аслида бу ташабbus машҳур режиссердан чиқкан. Шунинг учун ҳам у ҳар бир саҳнанинг улар томонидан тузилишини мунтазам равишда тузатиб, уларга йўл-йўриқлар бериб турган. А.Дейч шу ҳақда давом этиб, бундай ёзган: «Михоэльс ҳар кечака бизникига келиб, Ойбек иккаламиз «дарс»ни қандай бажараётганимиз билан қизиқар эди. Бу ерда у жуда антиқа усулини қўлларди. Агар қандайдир сюжет йўналишини тезда топса, уни дарҳол яроқсизга чиқарарди. Ҳеч қандай далил-исбот, ҳатто томошабиннинг драматик воқеаларни у каби тушунмаслиги ҳақидаги сўзлар ҳам кор қилмасди. Мени доно деб ҳисоблаганларнингиз учун раҳмат, лекин томошабинни ҳеч қандай асоссиз аҳмоқ деб билмаслик керак», дерди».

Ана шу тарзда Ойбек айни бир вақтда рус тилида Дейч билан ҳамкорликда «Халқ қалқони» ва ўзбек тилида «Ғалвирчи» пьесалари устида завқ билан ишлади. Аммо, афсуски, ҳар иккала асар устида иш қизғин кечаётган бир пайтда дастлаб Дейч, кўп ўтмай Михоэльс ҳам душман ситиб чиқарилган Москвага кўчиб кетдилар. Бу ҳар иккала асар тақдирни билан қизиқувчи кишининг йўқлиги уларнинг тугалланмай қолишига сабаб бўлди.

Мен анчагина саҳифалари ёзилган «Ғалвирчи» драмасини, шунингдек, айрим саҳналаригина қоғозга тушган «Халқ қалқони» пьесасини ўқиганимда катта маҳорат билан ёзила бошлаган бу асарларнинг чала қолганидан ғоятда афсусланаман. Агарда улар тугалланиб, бири ўзбек, иккинчиси эса рус (ёки яҳудий) драма театрларида С.Михоэльс томонидан саҳналаштирилганида, Бухоро аҳлини мўғул истилочиларига қарши жанг майдонига етаклаган чинакам ҳалқ қаҳрамони Маҳмуд Торобийнинг улуғвор образи бошқа кўплаб театр-



**Ойбекнинг «Ғалвирчи» асиридан парча.
Дастхат. Ойбек уй-музейидан.**

лар саҳнасида ҳам яшаб келган бўларди. Сўнгти саҳифасига 1941 йил 10 октябрь санаси қўйилган «Маҳмуд Торобий» либреттосини Ойбек Торобийнинг қуидаги сўзлари билан тутатган эди:

*Енгди эл, енгди боз ҳақиқат ва ҳалқ,
Душмандан озодмиз, ҳур бизнинг тупроқ,
Мангу пойдор бўлсин эл тутган байроқ!*

Торобийнинг бу сўзлари бугун янгила-наётган мустақил Ўзбекистонда янги маъно жилвалари билан товланиб туради.







Мусо Тошмұхаммад ўғли
ОЙБЕК

МАХМУД ТОРОБИЙ

Драматик достон

I

Тонг пайти. Дарахтзор бир манзил. Қаршида дөвөр орқасида бог. Дөвөр устидан ҳар хил гулларнинг новдалари ергача осилиб түшіган. Дөвөр орқали омборчадан шарқираб сув отилиб туради. Жамила құлда сопол күза күтариб пайдо бўлади.

Жамила:

Севги достонин ўқибдир ёш баҳор,
Гул очилиб булбули шайдога зор.
Дилда чайқалмас эса ишқ түлқини,
Қайноқ, аччиқ ёш тўқурми кўзи хумор?
Ер кўкариб, қут кирав қўйса ёғин,
Офтоб рангта бўяр гул япрогин,
Ишқ чаманзор айлагай қўнгил боғин.
Дилда дардинг бўлмаса инграрми тор?

Бир тўда қизлар сувга келишади. Улар бир-бирларини туртишиб пичинг билан кулишади.

Жамила:

Кўйинг ундей пичир-пичирни.
Дилингизда бўлган ҳар сирни
Мен биламан...

Биринчи қиз:

Ким истайди ёр?

Иккинчи қиз:

Тўғри, сира инграамайди тор –

Учинчи қиз:

Агар дилда бир дард бўлмаса...



Б и р и н ч и қ и з:

Түғри, дили ишқа тұлмаса,
Дарди борлар айтади қүшиқ.
Ким дейдикі күзимиз юмуқ,
Жамилахон, барин биламиз.

Т ү р т и н ч и қ и з:

Хаммангиз ҳам ёр қидирасиз.
Нима бўпти? Севмак, севилмак
Ҳар бир қизда энг ширин тилак.

Ж а м и л а:

Юракдаги сириңгиз маълум,
Чарх йигириб йиғлайсиз юм-юм.
Сочингизни тараф кечқурун,
Пана жойни кўзлайсиз ҳар кун.

(Биринчи қизга)

Сиз қишлоқнинг гўё Лайлоси!

Б е ш и н ч и қ и з:

Мажнунларнинг йўқдир ҳисоби!

Қизлар қулишиб, идишиларига сув тўлдира
бошлийдилар.

Қ и з л а р:

Чархим қиласи ғув-ғув,
Кумрилар сайрап ҳув-ҳув.
Ёрлар йўлларга чиқмас
Оқшом бўлиб қолди-ку.
Кўкка чиқди тўлин ой,
Юборибди бир бўз той,
Ёр манзилига ўзим
Отлиқмас, яёв борай.

Қизлар кета бошлийдилар. Ёдгор пайдо бўлади.

Ё д г о р:

(Жамиланинг орқасидан етиб)

Тўхта бир зум,
Жамилам, бир зум,
Эшииттим-да, елдай югурдим.

Ж а м и л а:

Юргранга ҳеч ўхшамайсиз.

Ё д г о р:

(Юрагини кўрсатиб)

Ушлаб қара, сўз уқмовчи қиз!



Ж а м и л а:

Үйнаб кетар менинг юрагим –
Бир йигитни кўрсам, ҳаттоким,
Уни бир дам эсимга олсан...

Ё д г о р:

Қай йигит у? Билайлик биз ҳам.

Ж а м и л а:

Уми? Рости, мана шу, Ёдгор!

Ё д г о р:

Сен бирла кўнгил чаманда ҳар чоғ,
Бахтимга ўғоним солмагай ҳеч доғ,
Бечора йигит, шикаста дилга
Сен бирла жаҳон кўринди гулбоғ.
Ёдинг била ҳар замон хаёлим,
Ҳар онда кўриш, ўпиш муродим.
Сенсиз менга бу ҳаёт на даркор,
Сенсиз бу юрак тепарми, жоним?

Бирга

Бахт нури тошар ёноғимизда,
Ишқ сўзи учар дудогимизда.
Бир карра кўнгилни боғладик биз,
Бирмиз баҳтда-ю, фироқимизда.

Ж а м и л а:

Ишларингиз кўпми шу қадар,
Кўринмайсиз баъзан ҳафталар?

Ё д г о р:

Баҳор келса хўқизга йўқ дам,
Биз бирровга қарамли одам.
Бир бурда ноң, бир қошиқ ёвғон
Учун бойга ишлаймиз ҳамон.
Қўлим ишда, эс сенда лекин.
Ўзинг қалай, сўзла, тинглайнин.

Ж а м и л а:

Тирикчилик... Ҳали чарх йигир,
Ҳали бўёқ, танда қур, ҳеч бир –
Тиним йўқдир менда ҳам, аммо
Юракка куч беради савдо...

Ё д г о р:

Ёруғлика чиқармиз бир кун.
Соф бўлайлик, нолиш беўрин.

Маҳмуд Торобий кириб келади.

Т о р о б и й:

Салом, азиз әлатлар!

Ё д г о р:

Салом.

Т о р о б и й:

Ишқ әртаги айтишмакдасиз?

Ё д г о р:

Ундан-мундан ҳасратлашамиз.

Ж а м и л а:

Бошимизда қанча машаққат!

Т о р о б и й:

Үксинишга, ёшлар, йўқ ҳожат!
Сиз кўз очиб жаҳонда ёлғиз
Минг хил азоб, кулфат кўрдингиз.
Юртни босди олов бўрони,
Оқди лак-лак одамлар қони.
Кул бўлди кўп қишлоқ ва шаҳар,
Ободликдан қолмади асар.
Мўғул отларининг тақаси –
Остидадир эл қовурғаси.
Тўйди, молдор бўлди оч мўғул.

Ё д г о р:

Биз ҳаммамиз мўғулларга қул.

Ж а м и л а:

Оғиздан ош, қўлдан шилар пул.

Ё д г о р:

Юрт учун бир мард овоз даркор.

Т о р о б и й:

Бир кун бизга толе бўлур ёр.
Аммо дилда сўнмасин тилак.
Ёшлик завқин унумтманг андак.
Создир ота-бобо одати,
Севишингиз, ишқ саодати –
Юракларни нурга тўлдирап,
Ғам-андухни ичда ўлдирап.
Ишққа доир гапингиз агар
Битган бўлса, сен юр, бир хабар
Айтай сенга...

Ё д г о р:

Ўзим ҳам сизга
Бормоқчийдим...





Жамила

Оқшом кир бизга!

Торобий ва Ёдгор кетадилар.

Ж а м и л а:

(Уларнинг орқасидан)

Уста Маҳмуд ёқимли киши,
Халқ ғамидан ўзга йўқ иши.
Уни севмас беклар, боёнлар,
Ёғдиришар унга бўхтонлар.

Қизларнинг овози эшитилади.

Ж а м и л а:

Ўртоқларим билан жўнармен.

Тўсинбой пайдо бўлади. Қизга тикилади.

Т ў с и н б о й:

Кўкси анор бўлибди,
Кўзи хумор бўлибди-ю,
Хусни тўлишибди-ю,
Ўзи ўжар бўлибди.
Майли, ўжар бўлса ҳам,
Бадани латиф, кўркам.
Кўлга ром қилиб бўлар
Тоғдаги охуни ҳам.
Эсизки, бу нозанин
Ёдгор деган бетайин
Қаролга кўнгил қўйган.
Бунга чидамоқ қишин!

Жамила Тўсинбойни кўриб қочмоқчи бўлади.

Шошма, ширин попук, қанд!

Ж а м и л а:

Ёшингга боқ номуссиз!

Т ў с и н б о й:

Кўлга тушарсан бир кун!

Кетади. Қизлар киришади.

Б и р и н ч и қ и з:

Сен шундами?

И к к и н ч и қ и з:

Ҳа, қани Ёдгор?

Ж а м и л а:

Мен барчангта тилай шундай ёр.

Қизлар күлишиб, бир-бирларига сув сепа бошлайди-
лар. Қишлоқ күчаси. Муюлишида Маҳмуд Торобийнинг
дўконхонаси. Қарши ёқда дукчи ва чилангар дўконхо-
наси. Торобий галвир тўқиши билан машгул. Унинг ёни-
да икки-уч бекорчи сұхбатлашиб ўтиради.

Т о р о б и й:

(Ишдан қўл узмай)

Томчилайди кўзларимдан дамба-дам кўнгил қони,
Изғириналар эсди-ю, бўлди хазон гуллар кони.
Фам-аламли сийналар-чун офтоб бегонадир,
Атир сочган боғчаларда қарғаларнинг йўқ сони.
Сийналарга ўт туташди, устихонлар чўғ бўлур,
Ҳар куни минг гўшада минглаб қаро кўзлар сўнур.
Дилнинг оҳин кўк эшиитмас, кўк азалдан кўр ва кар,
Он-ма он баҳти қаро дилларга ғам тоши чўкур.

Б и р и н ч и с у ҳ б а т д о ш:

Уста Маҳмуд, дуруст, балосиз.

И к к и н ч и с у ҳ б а т д о ш:

Ҳам табиб, ҳам куйда танҳосиз.

Т о р о б и й:

Дил ярасин қўшиқ давоси,
Жонга тегди фалак жафоси.
Ғалвиримдай толелар тешик,
Аччик дуддир юртнинг самоси.

Узоқдан куй эшиитилади. Ҳамма беихтиёр қулоқ
солади. Дарвиш қуйлаб киради.

Д а р в и ш:

Юраклар тах-батаҳ қондир
Туғиб ўсган диёrimда.
Назарлар барча нолондир
Қаён боқсанг жуворимда.
Кезармен дарбадар, танҳо,
Чалинмас кўзга қилча нур.
Қани дўсту, қани ошно?
Ажал, илдам мени ҳам сур!

Т о р о б и й:

Хўб тўқибди ғазални девона.
Ҳар сўзидан учар олов нола.
Элимиз, юртимиз қасидаси бу.

Ч и л а н г а р:

Ҳар ғарибнинг юрак ақидаси бу.



Д а р в и ш:

Хунар аҳли қилинг пича хайри эҳсон.
Йўлим узок, босмоқ керак чўл, биёбон.

Т о р о б и й:

(Пул берга туриб)

Кўзларимга жуда илиқ кўринасиз,
Бухоролик эмасмисиз?

Д а р в и ш:

Шу ерликман, Бухороданман.

Т о р о б и й:

Сиз эмасми элга таниқ зўр санъаткор,
Рантлар билан биноларни қилган гулзор?

Д а р в и ш:

Балли, мен у. Кўзларингиз экан туйғун.
Энг яқинлар танимаган эди бугун.

Д у қ ч и:

Эй бояқищ, шўрлик наққош!

Ч и л а н г а р:

Ҳолингта сен шукр эт, йўлдош!

Б и р и н ч и с у ҳ б а т д о ш:

Наққошлиқда ягона дея,
Эшитгандик исмини бир чоғ.
Ҳар кўзда ғам, ҳар дилда бир доғ!

Т о р о б и й:

Қандай мусибат, бало
Сизга ёпишди, бобо?
Гарчи кўп сирлар аён
Бўлса-да, қилинг баён.
Кўп юрган кўп биладир,
Қадами тажрибадир.
Фикрингиз комил эди,
Ҳар кўрган қойил эди
Санъатингизга... Нечун
Энди сиз бундай юпун?

Д а р в и ш:

Мингларнинг бошини чулғаган илон
Захрини менга ҳам солмиш беомон.

Т о р о б и й:

Шубҳасиз, бу аниқ, пайқаймиз буни,
Лекин ҳар тақдирнинг ўзга мазмуни
Бўлади, сўраймиз шуни биз сиздан.

Ч и л а н г а р:

Дардли дил эм олар аламингиздан...

Д а р в и ш:

Қай тил билан дардимни қилайин баён.
Юрагимда дардлар бир улуғ уммон!
Хаммадан оғирдир фарзандлар доғи.
Уч ўғил, икки қиз мұғул яроғи
Билан күз олдимда қўйдай сўйилди.
Хотиним юз тирнаб, сочини юлди.
Буни ҳам қўймади ажал ўроғи.
Мен қолдим, мен бадбахт...
Мен қолдим танҳо,
Бошга йиқилса-да, бир кўхи бало!
Мени ўз элига сурди Чингизхон,
Қолмади ғурбатда кўрмаган жафо.
Чўл аждаҳолари учун ишладим.
Ёстиғим, тўшагим қор ва ёки қум.
Ёлғиз ғам кўрдим-у, ғамни тишладим.
Чақирдим, чорладим – келмади ўлим.
Йиллар ўтди, қайтдим, юрт харобадир.
Ўз юртимда ўзим ғариб, мусофир.
Етим-есир билан тўлибди ўлка.
Яна мұғул қиличи қонлар сачратар.
Мен солган бинолар ер билан яксон,
Бутун қолгани ҳам итларга макон.
Чидам битди, кетай узоқ элларга,
Тинч ер топиб ўлай, мана бу – армон.

Т о р о б и й:

Бобо, зулмдан қочма, зулмни қайир,
Золимларга баланд овоз-ла ҳайқир!

Д а р в и ш:

Ерда юриб бўлмас, ер туташ олов.
Мангу тарқ этаман юртни...

Т о р о б и й:

Хўш, хайр!

Дарвииш кетади.

Д у к ч и, ч и л а н г а р:

Балоларни яксон қил, Оллоҳу,
Мушкулларни осон қил, Оллоҳу.
Бизлар ғариб, бечора,
Инсоғ бергил золимга,
Дала-тошга тошди қон,
Жўжи-бўжи беомон,
Бўри мисол Чигатойхон.
Балоларни яксон қил, Оллоҳу.
Мушкулларни осон қил, Оллоҳу.





Дүкчи күз ёшларини артади.

Т о р о б и й:

Азиз биродарларим, нима учун йиғлайсиз?
Золимни гум қилолмас күз ёш түфона асло.

Ч и л а н г а р:

Тангридан тилаш керак раҳму
шафқатни ёлғиз.

Д у к ч и:

Уста Маҳмуд, күз ёши дилларга берур жило.
Бошқа иложи борми? Йўқ. Оху воҳ
насибамиз.
Тангри лойиқ кўрибди бизга йиғини ҳадсиз,

Т о р о б и й:

Йиғлашмас, зулмни ағдариш керак,
Илдизи-ла уни қўпориш керак.
Тиғларнинг дамини тиғлар қайирур.
Зулмга қарши элни қўтариш керак.
Ҳақиқат қўёшин булат ўраса,
Гўзал самомизни қоронғиласа,
Бўрон бўлиб уни тўзгитмоқ лозим.
Кутулемоқ истасанг пўлат тиф яса!
Тупроққа қоришли адолат юзи.
Қўттарсак ва артсак чақнар юлдузи.
Ҳақиқат олтиндек чиrimас, зангламас.
Кечага айланар мўғул кундузи.

Д у к ч и:

Дуруст, уста Маҳмуд, бегу хон қани?
Мўғулни қувгали эр ўғлон қани?

Ч и л а н г а р:

Дард қўп-у, дармон йўқ. Ана бу чатоқ.

Т о р о б и й:

Халқ ўзи бажарар, халқ кучнинг кони!

Чилангар ва дүкчининг шубҳасини бартараф қилмоқ учун Торобий пўстак остидан бир мактуб чиқаради.

Биродарлар, кўринг буни.
Бухоролик доно олим,
Яъни Шамсиiddин Маҳбубий
Менга ёзмиш ва мазмуни
Хикмат билан тўла-чуқур.
Олим тинмай китоб кўрур –
У дейдики, Чифатойхон

Малайлари бўлур яксон,
Сен юзингни халқа ўгур,
Ва дадил бўл, деб буюур.

Мактубни дарров яшириб қўяди-да, ишга ўтиради.

Ч и л а н г а р: (*Дукчига*)

Бу одамда гап кўп, уста.

Д у к ч и:

Фалвирчимиз нодир нусха.

Ч и л а н г а р:

Унда сир кўп, бирон нима
Тайёрлайди у жимгина.
Тунда ғойиб бўлар баъзан.
Ўйлаб-ўйлаб мен тахминан,
Келиб қолдим шу фикрга:
Мўғулларни пойлар қирда.
Хар ерда бор унга ҳамдам.

Д у к ч и:

Фалвирчимиз пишиқ одам.

Жамила қўлида бир сават қалава ип кўтарган ҳолда кўчада пайдо бўлади. Ёдгор уни бир томонга имлайди.

Ё д г о р:

Оҳ ким бу ўзи, мен на деяй, навбаҳорми бу?
Кўз нури-ю, жоним кўзи, нозли ёрми бу?
Кел, қўй саватни, сўзлашайлик, эрка Жамилам.
Қалбимда кулур жонли чаман, гулузорми бу?
Қизларнинг гули, юлдузларнинг офтобисан.
Йўқсил йигитта ёлғиз ўзинг баҳт китобисан.
Кел, қўй саватни, сўзлашайлик, эрка Жамилам,
Шундай соғиндим, ҳар ерда сен кўнгил ёдисан!

Ж а м и л а:

Кўзларим йўлга тикилди, арслоним,
Кундузи қуёшим, тунда сен ойим.
Ёдгоримга айт, дедим, келсин, сабо,
Эртадан то кечгача йўл пойладим.
Шунча бепарво бўлурми киши ҳам?
Далада шунча қолур севган акам.
Юмушим кўп, хайр ҳозир, жонгинам.

Ё д г о р:

Биз иккимиз бир қишлоқнинг боласи.
Гўё бир дарахтнинг икки новдаси.





Шошма, бир дам, ҳой тиллага арзир қиз,
Очила қолсин дилларинг соф ғунчаси.

Б и р г а

Биз иккимиз бир қүшнинг жуфт қаноти,
Ажралишга дилнинг бир зум йўқ тоқати.
Ёрлақаса агар улуғ ўғоним,
Юракларни қучар ишқ саодати.

*Жамила кетади. Торобий Ёдгорга кўзи тушиб,
унинг олдига келади.*

Т о р о б и й:

Хўш, йигитча, ишимиз қалай?

Ё д г о р:

Тунда ўтди мўғул бир талай.
Тонгга яқин биз учтасини
Тутиб олдик.

Т о р о б и й:

Сўнг?

Ё д г о р:

Сўйдик сўқимдай...

Торобий Ёдгорни олиб чиқиб кетади. Бир оздан сўнг шовқин-сурон эшитилади. Кўчада одамлар ҳар ёқса қочган, болалар, аёллар йиглаган. Эшиклар тарақ-туруқ беркилади.

Т о р о б и й:

Не воқеа бўлди, ажаб?

Д у к ч и:

Билмадикки, ўзи нима гап?

Ч и л а н г а р:

Ёв босдими, не бало?
Ўзинг асра, ё Олло!

Бир неча мўғул бошлиқлари ва бир тўда қуролли навкар кириб келади. Уларни Тўсинбой қаршилиайди.

Т ў с и н б о й:

Келинг, беклар, нўёнлар,
Соғмилар, улуғ хонлар?
Мана бу бизнинг қишлоқ,
Соядай сизга иноқ,
Раъйингизга мунтазир,
Не истасангиз ҳозир!

Б ў р и н ў ё н:

Ким бўласиз?

Т ў с и н б о й:

Номим Тўсинбой.
От, тева, қўй бир талай.
Хон учун соф кўнгилман.

Б ў р и н ў ё н:

Бизга кичик юмуш қилинг.

Т ў с и н б о й:

Мени сиз қул деб билинг.

Б ў р и н ў ё н:

Хоқон, ибн Хоқон
Яъни Чигатойхон
Учун керакдир савғо.
Ўрин йўқ қон, оловга.
Беринг беш-үн ҳунарманд.
Ҳунарда укуви баланд,
Шоҳи тўқувчи, заргар,
Аслаҳачи ва мистар.
Яна уста бинокор,
Бариси хонга даркор.

Тўпланган халқ газаб ва ҳаяжонда. Йиги-сиги, садолар: «Ўзинг раҳм эт Оллоҳ!», «Қандай кунларга қолдик!», «Эй пешана қургур!»

Т ў с и н б о й:

Атиги шу?

Б ў р и н ў ё н:

Яна хонга бир неча қиз.
Сулув бўлсин, сулув ёлғиз.

Т ў с и н б о й:

Ҳаммаси бор, ҳаммаси тайёр.

Б ў р и н ў ё н:

Йўл бошланг дарҳол!

Тўсинбой таъзим қилиб, навкарларни бошлиб кетади. Бўри нўён зугум билан халқни тинчитишга тиришади.

Т о р о б и й:

Бек, сиз чандон зулм этманг бизга,
Тиф қадалди нақ бўғзимизга.
Зулмингиздан эл хонавайрон.





Кўпларни элтдингиз Мўгулистанга,
Чидайдилар чўл-биёбонда.
Зулм ошса-оқибат ёмон.
Қилганингиз оз бўлса агар,
Ёқинг, ийқинг, қишлоқ ва шаҳар –
Ер юзидан бутунлай кўчсин,
Ерда ҳаёт нафаси ўчсин!

Бўри нўёни:

Менга ақл ўргатма чандон.
Керак эмас бизга ғалвирчи.
Суюнсанг-чи бунга, эй нодон!

Ёдгор: (Торобийга)

Уста, олинг тезда ханжарни,
Бу хўрликка чидаб бўлмайди.

Торобий:

Ховлиқма, ҳай йигитча асло!

Тўсинбой ва навкарлар бир қанча ҳунарманд ҳам
қизларни уриб-суреб келтирадилар.

Тўсишибой:

Мана тақсир, шунча моҳир ҳунарманд,
Кизларнинг лабидан тўкилур гулқанд.

Бўри нўёни:

Жуда яхши.

(Навкарларга)

Эҳтиёт қилинг.

(Котибга)

Отларин битинг.

Ёдгор: (Жамилани кўриб қолиб)

Оҳ, Жамилам,
Кошки кўр бўласам!

Тўсишибой: (Бўри нўёнга)

Бу ўзи муттаҳам!

Ёдгор: (Торобийга)

Тоқат йўқ бир зум. Ё ҳак, ё ўлим!

(Ханжарини сугуриб мўгулларга отилади).
Навкарлар уни улоқтириб ташлайдилар.

Торобий: (Ёдгорни ушлаб)

Ўзингни қилма нобуд.

Зулм тахтига ўт ёқиши керак,
Сенда ёлғиз дуд...

Ж а м и л а:

Мени ўлдиринглар, ифлос махлуклар,
Вижданы күр, қалби бузуқлар!

Жамилани мұғұллар жеркиб ташлайдилар.
(Матьюс күйлайди.)

Күп жафолар тортдиг-у, бундай жафони күрмадим.
Бошга тушди күп бало, бундай балони күрмадим.
Эй фалак, мунча менинг баҳтим сиёҳ эттан эдинг,
Айрилиқдан ўзга бир хуррам замонни күрмадим.
Эрлари құл, қыздар чўри бўлибдир юртимнинг,
Ҳамма кўнгилда жароҳат, эрк нишони күрмадим.
Севги, уммид ёрларнинг кўксидаги бўлмиш хазон,
Хушхабар берса баҳордан, бир сабони күрмадим.

Т о р о б и й, Ё д г о р:

Саболар келур, баҳорлар келур,
Ўйнаб, қувониб ёрлар келур.
Юрт қайта бошдан хуррам бўлғуси,
Эл ишига чин саркорлар келур.
Золимлар қўли кесилур бир кун,
Уларга дунё албат тор келур.
Инғламант, дўстлар, сўнгти зулм бу,
Золимларга кўп жазолар келур.

Жамиланинг кекса бобоси Оташ ота пайдо бўлади.
Ўзини Бўри нўённинг оёги остига ташлайди.

О т а ш о т а:

Раҳм эт, нўён, шафқат эт, нўён.
Мен бир ожиз, нотавон.
Жамилам, ёлғиз, етим набирам...
Ёлворамен, нўён!

Б ў р и н ў ё н: (чолни итариб)

Қизинг баҳтли экан, хонга боради!


Т о р о б и й: (чолга)

Кутманг улардан шафқат,
Улар бир тўда калхат.

О т а ш о т а:

Бу қандай зулм, бу қандай жабр!
Йўқ, тугади сабр!

Жамиланинг онаси Марғуба киради.
Бўри нўён қаршиисига бориб қичқиради.



М а р ғ у б а:

Бер қизимни, саҳройи мүғул!
Токайтагча биз сенларга қул!
Уйимиз ийқ, парчала таним,
Бер қизимни, бу жигарбандим!

И к к и н ч и ә ё л:

Үлдириб кет, ё қизимиз бер.
Бу турмушдан яхши қаро ер!

Ж а м и л а: (онасига)

Ялинма ҳеч буларга, она,
Шафқат йўқдир буларда қатра!

М а р ғ у б а:

Кўзлар булоғи қуримас бир умур,
Фаминг билан дунё жаҳаннам бўлур.
Тирқиллаб қонади юрак яраси,
Жамилам-сен эдинг кўзимдаги нур.
Мен нетай нотавон, ожиз муштипар,
Саҳро елларидан сўраб бир хабар
Еганим, ичганим бўлғуси заҳар.
Мунча ҳам шўр экан пешанам қурғур!

Бўри нўён асиirlарни кўздан кечириб, боғлаб
олиб жўнамоқчи бўлади.

О т а ш օ т а:

Аввал мени ўлдири, сўнgra ол.

М а ҳ а м а д շ а р и ф:

Бунча зўрлик, бу қандай аҳвол!

О т а ш օ т а:

Чидамайман хўрликка, малъун!

Ҳасса билан Бўри нўённи ура бошлиайди. Ёдгор
қичқириб ханжари билан навкарларга отилади.

Ё д г о р:

Севгим учун тўқасиз кўп хун!

Ғазаби маррага етган оломон бирдан чайқалади.
Ўйлаб, иккиланиб ўтирмасдан мўгулларга ёпишади:
«Бас бу хўрлик!», «Ур жаллодларни!»

Т о р օ բ и й: (ўз-ўзига)

Ана холос! Халқ бир дарёдир
Бир тощдими, ҳеч куч тўсолмас.
Хар тўсиқни ийқар, қўпорур.

(Халқقا)

Қондан күркма, ўлдир, ур, йик, бос!

Мұғул навкарлари қилич ялангочлаб оломон
билин уришади. Ҳар иккى ёқдан ўлган ва
ярадор бўлганлар бор.

Б ў р и н ў ё н: (навкарларга)

Боғланг чолнинг оёқ-қўлини,
Софинибди ўз мозорини.

О т а ш о т а: (Маргубага)

Куйма, қизим билан биргаман.

Тўсинбой Торобийни шора қилиб Бўри нўёнга ши-
вирлайди.

Б ў р и н ў ё н: (Торобийга)

Халойиқни қутуртирган – сен.
Сўзлашамиз бошқача... кейин.

Т о р о б и й: (мардона вазиятда)

Шундай кунни мен кутаман чин.

Бўри нўён ҳунармандлар ва қизларни олиб
жўнайди. Халқ фарзандлари билан қучоқлашиб,
йиглашиб қолади.

Т о р о б и й:

Халойик, ҳушиングни йиғ, яхши ўйла...
Ичингдаги дардларингни очиқ сўйла.
Яраларнинг шифосига малҳам борми,
Ёки мангуда азоб-қайғу бизга ёрми?
Машойихлар сўзи борки, ҳақ ўлмайди,
Зулм тифидан эрк илдизи ҳеч сўлмайди.
Эл бошида қағиллайди бир туп қузғун.
Оч бўрилар халқ бағрини тилар бутун.
Мана ҳозир дилларимиз парчаларин
Узиди кетди, не ҳол бўлур эрта-индин!
Юрагимда ярқираган имоним бор,
Элим учун курашаман то жоним бор.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Эл боласи юртни ёвга олдирмайди,
Суягини сахроларда қолдирмайди.
Эл ўғлисан, элнинг ботир сардори бўл,
Ғарибларнинг бошин силар донгдори бўл.

Ё д г о р:

Овозингни баралла қўй, элга танит,
Қўлтиқлайди юртда сени ҳар бир йигит.
Зулмга қарши қиличларни чархлаш чоғи.





Д у к ч и: (Халкқа)

Жон берурмиз йўл бошласа дўст Торобий.
Халқ қичқиради: «Қора калтак бўламиз!»,
«Мўгулларни қувамиз ё ўламиз!»

Т о р о б и й:

Эркак мисан ё аёл,
Баринг қўлга қурол ол!
Ҳар ишда яктан-яқдил,
Ёвга қарши бўлинг дадил.
Золимларга омон йўқ,
Биз учун бегу хон йўқ!
Халқни тездан қўзғатайлик,
Мўгулларни қақшатайлик.
Шиоримиз эрк, ҳақиқат.

Ҳ а л қ:

Золимларга омон йўқ!

Халқ ҳаракат қиласкан, мўгулларнинг қишилоққа
ўт қўйиб кетгани билинади. Узоқда тутун ва олов.
Халқ ўзини оловга уради.

II

Бухорода маҳаллий ҳоким саройи. Ҳоким, қозиқалон, шайхулислом, мўгул амалдорлари, ҳарбийлари ва маҳаллий зодагонлар. Шароб базми.

Ҳ о к и м:

Ичинг, дўстлар, Чигатой хонимиз-чун.
Унга узоқ умр берсин ўғоним.
Ҳай, ботирлар, сипқаринглар
шонимиз-чун.
Киличимиз қинга кирмай кессин доим!

Б о ш қ а л а р:

Сипқарамиз хонимиз-чун, шонимиз-чун!

Ш а й х у л и с л о м:

Қабул қилинг, улуғ ҳоким, узрим бор.

Ҳ о к и м:

Шариатдан юқоридир бизнинг ёсоқ:
Бари мумкин: чағир ичинг, ўйнанг қимор!

Қ о з и қ а л о н:

Тақсир, ҳоким раъии фарздир,
иchinг шу он,
Элдан пинҳон қўп ичасиз – менга аён.

Ичадилар.

Ҳ о к и м:

Мен бу юртда зерикдим жуда,
Бу безаклар бари беҳуда.

Қ о з и қ а л о н:

Табиий ҳол, сизлар баҳодир.
Сизларга от-қилич ярашур.

Ҳ о к и м: (чагир ичиб)

Тулпор отни уриб сурсак майдонга,
Чанг ва тўзон кўтарила осмонга.
Қилич, қалқон, садоқларни ишлатсак,
Сузиб юрсак эрта-ю кеч ол қонда,
Шаҳар боссак ағдарилса қўргонлар
Парчаланиб ер тишласа кўп жонлар.
Кўкни ёқса ёнғинларнинг олови,
Тугамаса сурон билан толонлар.
Чўкиб қолдик, нима турмуш? Ботирлар
Безакларга чулғанишиб ётирлар.
Арслонларнинг тиши ўтмас бўлибди,
Куйинг-қуйинг, дардни боссин чағирлар!

(Ичади.) Матъмур киради

М а Ҷ м у р:

Жаноб ҳоким, арзим бор, сўзлай.

Ҳ о к и м:

Биткичими? Айт, эшитай.
Сўйла улус аҳволидан.

М а Ҷ м у р:

Эл бузмоқда Ёсони,
Бизга қарар ёв каби
Солиқларни тўлар базўр,
Бизга тилар тангридан гўр.

Ҳ о к и м:

Бу ерда улус нонкўр.
Аяма ҳеч, ўйнат қамчи
Ва бўйнига ил арғамчи.
Бу етмаса қилич суғур.
Ёшу қари бошин учур!

М а Ҷ м у р:

Бажону дил, улуг ҳоким!

Ҳ о к и м: (қози ва шайхулисломга)

Сизлар юртнинг оталари,
Тартиб қани, тузук қани?





Қ о з и қ а л о н:

Сизда, ҳоким, бор ихтиёр.
Қандай ёрлик чиқса сиздан,
Шаксиз, сўзсиз мен тарафдор.

Ш а й х у л и с л о м:

Сиёсат-чун лозим таёқ.
Қон тўқмангиз лекин ноҳақ.

Ҳ о к и м:

Кўзингизни очинг катта.
Сиёсатда бўлманг латта!
Чингиз бобом арвоҳи-чун!

(Ичади)

*Бўри нўён ва Тўсинбой бир тўп навкарлар
билин кирадилар.*

Б ў р и н ў ё н:

Ёрлиқ бажо, улуғ ҳоким.
Чиғатойхон учун лозим —
Барча совға бўлди тайёр.

Ҳ о к и м:

Қани сўйла, нималар бор?
Арзийдими хонга совға?

Б ў р и н ў ё н:

Юз туялик катта карвон.
Ҳаммаси ҳам зўр ясовда,
Олтин-кумуш туман-туман.
Яна юзлаб ҳар хил гилам.
Шоҳи, адрес ва мўйналар,
Етти сулув қизки — ўйнар.
Манзур бўлур бариси ҳам.
Яна ҳар хил моҳир хунарманд,
Ишлари дир холарга монанд...

Ҳ о к и м:

Хўб, қизларни келтири, кўрай.

Т ў с и н б о й:

Тақсир, қизлар гулдай, хурдай.

Ҳ о к и м: (нўёнга)

Бу киши ким?

Б ў р и н ў ё н:

Машхур Тўсинбой
Бизга хизмат қилди талай.

Тұс ин бօй:

Хонга – сизга содиқ бир қул.

Қози қалон:

Тұсінбай күп әлга таниқ,
Танти бойдир, очиқ құнгил.

Қызларни олиб кирадилар. Ҳоким бир-бир
күздан кечиради.

Хоким:

Дуруст, аммо ранглари ўчиқ.

Бүріншүён:

Хозир бари дард билан сұлиқ.

Қози қалон:

Дард йүқолғач, ҳусни ярқирап:
Булат ювган юлдуз барқ урар.

Хоким: (қызларга)

Кулиб, ўйнаб, хурсандлик қилинг.
Бахтингизни түлин ой билинг.

Кизлар:

Жонлар куядир, дил уий вайронада бўлибдири,
Ғам бирла йиги бизлар учун чора бўлибдири.
Элдан узилиб биз кетамиз ўзга диёрга,
Инсофу адолат бари афсона бўлибдири.
Бизларда гуноҳ заррача йўқ, оҳ бу на ҳолат?
Қай ерда ва қай юртда бўлур мунча қабоҳат?
Ҳеч ерда кўринмас бу каби зулму асорат,
Юрт қызларига ўз эли ғамхона бўлибдири.
Бизлар нега бу дунёда кўз очдик, ўғоним,
Қисматларимиз қаттиқ экан мунча, илоҳим!
Ҳар кун солади бошга туман жабрни золим,
Қулларга ҳаёт нашъаси бегона бўлибдири.

Хоким:

Бу не йиғи?

Қози қалон:

Қызлар қилиғи: Хоҳ шодлик,
хоҳ мотам, албатта кўз ёш!

Шайхалислом:

Сизга керак сабр ва бардош.
Билинг, сабр таги раҳмондир.

Бўри нўён қызларни олиб чиқшига буюради.





Ҳ о к и м: (навкарлар орасидаги ярадорларга күзи түшиб)

Хүш, сенларни қандай ит қопди?

Б ў р и н ў ё н:

Э, эсимдан чиқаёзибди.

Биз қишлоқдан йигаркан совға,

Дуч келишдик оломон-ёвга.

Бир зумгина бўлди қирғин-жанг.

Оломоннинг ҳоли бўлди танг.

Ҳ о к и м:

Аввал буни арз этиб, кейин

Айтиш керак эди ўзгасин.

Б ў р и н ў ё н:

Ташвишланманг, қучлари ночор...

Ҳ о к и м:

Ҳар бир ишнинг бир томири бор.

Илон бошин тез янчиш керак.

Қўшинларга тез беринг дарак.

Ҳарбийлар сафарга тайёрланиши учун
чиқиб кетадилар.

Ҳ о к и м: (қози ва шайхулисломга)

Сиз латтадай юмшоқ одамсиз.

Сиёsatда ўлгудай хомсиз.

Ағдармайсиз халқни биз томон,

Чингиз ери нуқул тўполнон.

Қ о з и қ а л о н:

Сўзлайвериб қирилди томоқ.

Сўздан кўра иш берар таёк.

Ш айх улислом:

Ўзни ўтга ураг ҳалойик.

Тангри берур жазосин лойик.

Ҳ о к и м:

Қилич билан олдик ўлкани,

Қилич билан сақлаймиз ани.

Б ў р и н ў ё н:

Тўсинбойнинг кичик арзи бор.

У бўлибди бир қизга хуштор.

Ҳ о к и м:

Қайси қизга?

Б ў р и н ў ё н:

Энг сулувига.

Тұс и н б о й:

Жамиладир, ул – кумуш сийна.

Х о к и м:

А! Қандай гап? Хонга совға-ку.

Б ў р и н ў ё н:

Үрнин олар бошқа бир сууув.
Бой күрсатар хизматни қат-қат.
Сизга пешкаш қилди тулпор от.
Елдай учар қамчи тегизмай,
От учун мен унга қул бўлай.

Тұс и н б о й:

Ёвингизга мен ёв бўламан.
Хонга ўнлаб қиз юбораман.

Хоким иккиланади.

Қ о з и к а л о н:

Тўсинбойнинг сўзи ўлмасин,
Майли, меҳмон хафа бўлмасин.

Х о к и м:

Яхши одам кўринади бу,
Лекин олсин бошқа бир сууув.

Тұс и н б о й: (ўз-ўзига)

Ундақасин қайдин топасиз!
Йўқ, албатта уни оламиз.

Чопар киради.

Ч о п а р:

Далада бор ғалаён.
Қандайдир беимон
Улусни қўзғатибди.

Х о к и м:

Қандай боши бузуклар
Бизга тиф кўтарибди?

Ч о п а р:

Мўғулларга зўр ёвмиш.
Мисоли сув, оловмиш.

Ш а й х у л и с л о м:

Жаноб ҳоким, бу қандай офат?

Х о к и м:

Ким деган у, нонқўр, касофат?





Ч о п а р:

Бир ғалвирчи Маҳмуд Торобий!

Қ о з и қ а л о н:

Бўлолмайди чумчук лочин,
Фалвирчига ўлим тайин.

Ҳ о к и м:

Чиқиб халққа насиҳат қилинг,
Фитначини динсиз деб айтинг.

Қ о з и қ а л о н:

Мадҳингизга ҳозирман ҳар дам.
Ваъз этмақдир элга вазифам.

(Шайхулислом билан бирга чиқиб кетади.)

Б ў р и һ ў ё н:

Тайёр бўлди сафар жабдуғи.

Ҳ о к и м:

Фалвирчинииг қолмас тухуми!

Ҳаммалари чиқиб кетадилар. Тангиқул киради.

Т а н г р и қ у л:

Арзимаган унинг хатоси
Учун босди ўлим тақимга.
Мен-ку унинг ўғлимани, бир кун
Ўлдиради ҳоким мени ҳам.
Яхшиларга бунда йўқ ўрин.
Кундан-кунга кўксим қоплар ғам.

Пауза

Яна халқнииг қайнади шўри,
Минг бир бало бошига ёғар.
Кўп маъсумнинг очилди гўри,
Қишлоқларни ҳоким ёндирад.

Тўсинбой Жамилани судраб киради. Тангиқул
аста кетади.

Т ў с и н б о й:

Хурсанд бўлингиз, бойвуччам,
Кўз ёшин артинг, битди ғам.
Хусн офтобингиз куулур,
Бахтингиз очилди бу дам.
Ҳарна десангиз бизда бор.
Хоналаримиз тиллакор.
Хизматга қуллар интизор.
Хурсанд бўлингиз, бойвуччам.

Ж а м и л а: (жеркиб ташлаб)

Хеч ким мендек жаҳонда зор-нолон бўлмасин,
Суйганидин айрилиб, овора ҳайрон бўлмасин.
Лочиним учди қўлимдан, қайдан сўрайман уни?
Мен гаридек хеч ким йўлларда сарсон бўлмасин.
Кел, ажал, олгил мени, ваҳшат диёрин тарк этай,
Соф муҳаббатни қучиб, соф руҳ ила илдам кетай,
Қарғанинг ошиёнида мен орзу-армонни нетай?
Хеч асира мен каби оташда бийрон бўлмасин!

Т ў с и н б о й:

Яхшиликни билмайсан, нодон,
Юр, бу ердан кетайлик шу он,
Ҳоким келса, айнаши мумкин.

Ж а м и л а:

Ҳокиминг-ла қуриб кет бутун.
Ўлимимга розиман, шайтон!

Оташ ота киради.

О т а ш о т а:

Инсоф, тавфиқ билмаган ҳайвон!
Сен қизимни сургайсан қайга?

Т ў с и н б о й: (ўз-ўзига)

Кизинг тегди мендек бир бойга,
Соқол узун, ақлинг йўқ қитдай.

О т а ш о т а:

Сен сўқимни дўпослай итдай!

Т ў с и н б о й: (ўз-ўзига)

Бошлаб келиб бир-икки навкар,
Кизни олиб қочаман бадар.

(чиқиб кетади)

О т а ш о т а:

Сен, оппоғим, йиғлама, куйма.
Жоним сенда, ёлғизлик туйма.

Ж а м и л а:

Мен билсам эди қайғу бўлур менга насиба,
Ийд кунлари ҳам қўймас эдим қўлга ҳинони.
Мен билсам эди ўтда куяр мангубу сийна,
Ёшлиқ чоғи тарқ айлар эдим ерни, самони.
Билсайдим агар севгига заҳр солгай илонлар,
Жаннат эса ҳам бормас эдим севги диёри.
Қисмат бўрони орзу гулин узди, совурди,





Кимларга етар хаста, ғарип оху фифони?
Қайларда кезар күз ёш-ла дардли баҳодир,
Эй күхна фалак, ҳеч аяма энди балони!

Тангриқул кириб, қизга термұлади.

Т а н г р и қ у л:

Қиз бечора бой учун чўри!

О т а ш օ т а:

Мулқорлардир одамнинг зўри.

Ж а м и л а:

Одам эмас, оғзи қон бўри.

Т а н г р и қ у л:

Қочинг бундан, фурсат ғанимат.

О т а ш օ т а:

Қандай қилиб? Кимда бор шафқат?

Ж а м и л а:

Мумкин бўлса қишлоғимизга
Учар эдик, қанот йўқ бизда.

Т а н г р и қ у л:

Мен сизларга топаман қанот.
Толмас қанот, яъни яхши от.

Ж а м и л а:

Инсонмисиз, ёки фаришта?

О т а ш օ т а:

Тангри кўмак берур ҳар ишда.

Т а н г р и қ у л: (чолга)

От-эшикда. Юриши-шамол.
Қизингни ҳам мингашибириб ол.
От бошини қишлоққа бурма,
Ўз уйингга энди юз урма.
Яна тутиб булар қийнайди,
Ачинишни булар билмайди.
Узоқларга жўнанг, кенг жаҳон,
Тоғни, ғорни қилинглар макон.

О т а ш օ т а:

Маъқул гап бу. Тинч ер топилур.

Ж а м и л а:

Ёдгор? Фамда қолурму арслон?

О т а ш о т а:

Бир кун келиб баҳтинг очилур.

Т а н г р и қ у л:

Севги дилда муқаддас олов.
Эҳтиёт бўл, сўндиրмасин ёв!

Оташ ота Тангриқулни қучоқлайди. Ҳаммалари чиқадилар. Тўсинбой навкарлар билан киради.

Т ў с и н б о й: (у ёқ-бу ёқни қидиради)

Ҳай, қайдасан, попук қиз, тез чиқ!
Жўнамасак бўлмайди, вақт зиқ.

Н а в қ а р:

Туш кўрдингиз шекилли-я, бой?

Т ў с и н б о й:

Тушмиш! Кўрсанг, мисли тўлин ой!

Т а н г р и қ у л:

Юргурганга қиз тегмас, малъун!
Буюргани қучади бир кун.

Тўсинбой муштумини кўтаради. Тангриқул совуққонлик билан ханжарини сугуради.

III

Кеч пайти. Дала. Бир чеккада кичкина чодир. Тена устида Ёдгор кузатувчилик қилиб туради. Қилич тақсан, шамишир, наиза, калтак, болта кўтарган қурاما халқ.

Ё д г о р:

Ёр асир бўлди, нетайким, лим тўла қондир
кўнгил,
Офтобидан жудо-ю зор-нолондир кўнгил.
Жону тан бўлсин фидо бир тола сочинг-чун, гўзал,
Сенга кўз тиккан бўлак тиф паррондир, гўзал.

Зулм тифин синдиришга барча шайландик бу дам,
Зулм қўргонин бузишга барчамиз ичдик қасам.
Битгусидир кўксимизни қоплаган доғи ситам,
Қайда бўлсанг йиғлама, йўлингда мардондир
кўнгил.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Ана халойик-у, мана халойик.
Сен ҳам шундамисан, элат, Мирхолик?

(Бир киши билан кўришади.)





Эсу хушдан түсатдан айрилдим.
Не сўрарсен, қанотдан айрилдим.
Келмагай эрдим кошки дунёга,
Нуридийдам – ҳаётдан айрилдим.
Ул асира, уйим макон этмас,
Хеч ғам дилни мунча қон этмас.
Сўзласанг тил ани баён этмас,
Гуласалдан – ҳаётдан айрилдим.

М и р х о л и қ:

Сабр-бардош қилинг, юрт қутулур,
Душманнинг кўзларин бу қўллар ўюр!

Д у қ ч и:

Ана, тагин келмақда эл гурра-гурра.

Ч и л а н г а р:

Диллардан кўтарди Торобий андух.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Эл мисоли олов, ўйнашмоқ маҳол.
Эл агар пуфласа, эсар зўр шамол.

Б и р д е ҳ қ о н:

Агар ерни тепса зилзила бўлур.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Мўғул суюгидан ер бағри тўлур.

*Бир тўда халқ кириб келади. Улар орасидан
Холтош чиқади.*

Х о л т о ш:

Шунда экан қадрдонлар,
Фам тошида чақилганлар,
Эски қалпоқ, жулдур чопон,
Оши ёвғон – хор оломон.
Мен қул эдим, сизга келдим.
Арғумоқда чўлда елдим.
Хирилловди мўғул тўра,
Уни ютди эски ўра.
Қани бизнинг Торобиймиз?

Д у қ ч и:

Чиқиб қолар сардоримиз,
Сўқаверинг ҳангамани.

Х о л т о ш:

Ҳай, чиқ буён юрт гўзали!
Бир ёрим бор, чўри Холпош,

(Бир аёлни судраб ўртага олиб чиқади.)

Каминанинг исми Ҳолтош.
Ёшинг бир кам етмиш эрур, ўзим қурбон.
Эрк кунида севгинг билан бўл меҳрибон.

Х о л п о ш:

Ўн гулимдан биттаси ҳам очилмаган.
Хусн гулидан бир барти ҳам сочилмаган.

Х о л т о ш:

Юзинг бужур Торобийнииг ғалвиридай,
Қўзинг эса худди сийқа бир миридай.

Х о л п о ш:

Боши кал деб қарамасдим қиё боқиб,
«Войдод!» дердинг сен чаккангта гуллар тақиб.

Х о л т о ш:

Ёғоч оёқ минган каби бўйинг бордир.
Бурнинг кўва, оғзинг эса мисли ғордир.

Х о л п о ш:

Сарви қомат, писта даҳан, дердинг мани.
Мен на қиласай сендек калу паканани?

Х о л т о ш:

Сирни очма, иккимиз оқ ва қизил гул,
Кел, уйин туш эрклик куни, тўйимиз шул.

*Икковлари турли ҳалқ ўйинларини бажарадилар.
Ҳалқ куйлаб, чапак чалади.*

Ё д г о р:

Кўринади бир қора.

Д у к ч и:

Ернинг киндиги шу ер.
Ҳаммаларинг келавер!

Ё д г о р: (диққат билан тикилиб)

Йўқ, бошқача...

(югурди). Ҳалқнинг бир қисми ўша томонга
қарайди.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Ҳамма қашшок,
Терувчи мошоқ,
Бу ерга юз уради,
Бизларга қўшилади.

Х о л т о ш:

Торобийга ошиқ беҳисоб,
Ботмай турибди офтоб.





Торобийнинг сафарини
Олқишлиб ботар кейин.

Ч и л а н г а р:

Буни уқиб ол қўлдош,
Торобийга тангри йўлдош!

Ёдгор билан бир тўда ҳалқ киради. Олдинда Барат.
У боғланган икки савдогарнинг орқасида туради.

Ё д ғ о р: (ҳалққа)

Эшаклардан олинг юкни!

Т о р о б и й: (чодирдан чиқиб)

Хўш, яхшилар, қаердансиз?

Б а р а т:

Номингизни эшитган ҳамон,
Юрагимиз қайнаб ногаҳон
Йўлга тушдик, тинмасдан юрдик,
Шукур, мана сизни ҳам кўрдик.

Т о р о б и й:

Рахмат, рахмат, кўп қуллуқ сизга.
Юк кимники?

Б и р и н ч и с а в д о г а р:

Қарашли бизга.

Х о л т о ш:

Ҳар эшакка бир фил юки
Ортибсизлар, харга жабр!

Б а р а т:

Йўқ, бу юклар бизнинг совғамиз!

Б о ш қ а б и р қ и ш и:

Олдирмаймиз буни ёвга биз!

Т о р о б и й:

Очиб боқинг юкларни илдам!

Ҳалқ юкларни очади. Қиличлар чиқади.

Х о л т о ш:

Кул тагидан чиқди олов!

Ё д ғ о р:

Қани энди учрасин ёв!

Т о р о б и й:

Чўлда қолган ташналар-чун
Сув қандай эса, бизга ҳам яроғ
Шунча зарур.

Маҳамадшариф:

Белимиз шу чоғ
Маҳкам бўлди.

Иккинчи савдогар: (Торобийга)

Бизнинг мол, охун!

Биринчи савдогар:

Жабр қилманг бизга ноўрин.

Барат:

Бу тиғларни биз ясаганмиз
Кулдан бадтар биз яшаганмиз.
Савдогарлар тиғни яширин
Элтмакчилар душманга секин.
Буни сездик, ҳаммамиз иноқ
Бўлиб дедик: «Биз эмас аҳмоқ!»
Мўғулларга биз тиғ ясайлик,
У тиғ билан қон буланайлик!
Қайси абллаҳ жаллодлар учун
Ўзи дор қиб чўзади бўйин!
Биз буларнинг йўлин поиладик.
Оёқ-қўлин роса бойладик.
Мана сизга келтирдик, тақсир.

Торобий: (Савдогарларга)

Менга аён бўлди барча сир.
Жўнангиз, жўралар, юклар бизники!

Биринчи савдогар:


Хўш, нега сизники?

Иккинчи савдогар:

Адолат, инсоф? Кимсиз?
Шу халқ билан урасизми лоғ?
Биз савдогар, берманг зиён.
Юк бироннинг омонати.
Биз қўрқамиз зулмдан, қондан.
Тикилмаймиз пашибага ҳам.
Юкни беринг, бизлар тинч одам.

Торобий:

Мўғулга тиғ бериб, унинг тишини
Қайрамоқ яхшими? Бу тиғ билан биз
Адолат-инсофни барпо этамиз,
Мўғулдан олурмиз юртнииг ишини!
Асло олмас эдим бўлса сийму зар,
У нарсага ўчдир ҳар бир баччағар.
Мазлумнинг қўлида қилич муқаддас.
Қилич тутган мазлум гўё яшин даст.
Зулматни кесади тиғ билан мазлум.





Эл тифида қүёш қилур табассум.
Халойик, қилични тақиб ол дарров!

Одамлар қиличларга ёпишадилар.

Х о л т о ш:

Мўғулларнинг бахти ҳозирдан тумов!

Х о л п о ш:

Яхшилаб урушгин, йўқса, айнайман.

Х о л т о ш:

Душманлар бўғзида буни қайрайман.

М а х а м а д ш а р и ф:

Менга ҳам берларинг, жангда қайнайман.

Х а л қ:

Солғумиз ёвга энди биз ғавго,
Ҳакқимиз, қонимиз қилиб даъво!
Бошла, Торобий, жангта бизни жадал,
Кўтарилисинг бу элдан жабру жафо!
Талади мол-мулк мўғул хони.
Кул ва ёнғин ичинда эл жони.
Йўқ чидам, энди бизда йўқ бардош.
Келди мазлумга кин-ғазаб чоги.

Шамсиiddин Махбубий киради.

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Салом, улус!

(Торобийга.)

Салом, биродар!
Йўлингизга кўзлар мунтазир.

Т о р о б и й: (кўришиб)

Фикрим сизда эди, азизим, ҳозир.
Сиздан эшиттаймиз шояд хушхабар.
Бу ерда халойик жангта шайланган.
Лекин не тадбирлар кўрмакда душман?

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Биродар, ғафлатда ётар Бухоро,
Беклар, ҳокимларда май, айш-сафо.
Ҳар қадамда учрас масти-аласт мўғул.
Аммо зулм ишида ҳушёрлар буткул.
Ҳар кун чиқаришар анвоъи бож-хирож.
Ҳар кечада неча уй талон ва торож.

Т о р о б и й: (Ўйлаб)

Бизнинг амалдорлар авзойи қалай?

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Улар мүғуллар-ла нақ туғиши гандай.

(Янги қиличларга назар солиб.)

Ёху! Бу мукаммал лашкар-ку!

Т о р о б и й:

Лашкар!

Йўқни йўндирамиз, муҳтарам олим.

Д у к ч и:

Эл билан ўйнашар энг аҳмоқ золим.

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Дилларни ёритур илмнинг нури:

Килич билан ўсар элнинг ғурури.

Т о р о б и й:

Азиз биродарим, чиқдик сафарга.

(халққа)

Юринглар зулматдан олтин саҳарга!

Халқ ҳаяжонга келади.

Биз халқмиз, бу ернинг дурдонасимиз.

Ҳақнинг, ҳақиқатнинг мардонасимиз.

Биздадир ҳаётнинг сири, ҳикмати.

Биздадир қул бўлган юртнинг қисмати.

Бошимизни қулдек эгмайлик асло,

Ўлсак-да, мардларча ўлайлик аммо.

Талангандан, ўртангандан мамлакат учун,

Чекилган хўрлик ва уқубат учун,

Мўғулдан ҳаққоний сўрайлилк ҳисоб.

Қонли, кир зулматни бўғсин офтоб.

Халқ, ўзингта ишон, кучингта ишон.

Халқ ернинг гулидир, халқ чин қаҳрамон!

Қ о р о в у л:

Ҳой, тўхтанглар, Торобий қани?

Т о р о б и й:

Ҳовлиқишининг недир сабаби?

Қ о р о в у л:

Бўри нўён келмоқда ҳозир.

Орқасида юзлаб навкари.

Найзабардор отлик, пиёда...

Т о р о б и й: (узоққа қараб)

Қалин тўзон бурқса самога

Ёқаландик бизлар ногаҳон.

Дадил бўлинг, чекинманг бир он.





Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Қайдан пайдо бўлди қонхўрлар,
Ёмон вақтда урушга зўрлар.
Мумкин бўлса биз учрашмасак,
Чап берсак-да, пана ер топсак...

Т о р о б и й:

Бизда эмас энди ихтиёр.
Душман товуши қулоқда янграп.

Ё д г о р:

Ижозат бер, Торобий, бизга!

Т о р о б и й:

Аҳил бўлинг бир-бирингизга.
Душман учун ҳар қайсинг арслон!

Ёдгор бир гурӯҳ хилқни бошлиб кетади.

Жангда енгар жасур, қайноқ эр,
Йигит бўлсанг жангда кўкрак кер!

(Хаяжон билан узоққа қарайди.)

Кизиб кетди... Балли, шундай ур!
Бизникилар бўш келмас ёвкур.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Ёв йигити иш кўрган моҳир.

Т о р о б и й:

Бу жанг бизга бир тажрибадир.
Жанг... Оломон йўқолди кўздан.

(Тўлқинланади. Ҳаракатларида жанг оқибатидан
ташибишилангани, дардлангани сезилади. Қилични
ялангочлаб бир урмоқчи бўлади.)

Бир зарба яхшидир мингларча сўздан!

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Ҳар бир ишда ақл ва мантиқ
Рахбарингиз бўлсин, эй рафиқ.
Юбормайман сизни майдонга.

Т о р о б и й:

Ғазаб ханжар қадайди жонга.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Барчамизнинг таянчимизсан.
Минг қўшчига бир бошчи, деган
Эл сўзини унутма асло!

Т о р о б и й: (ўйлаб)

Кўксимда дардлар чайқалур,
Қалбимга девлар чанг солур.

Эл ҳаққа интилган қуни
Золим қаро машъал ёқур.
Танлар ёнар, чўғдир суюқ,
Лекин йўқолмайди тилак.
Бошингга тушсин минг бало,
Дилда умид ҳар вақт чечак...

(Шамсиддин Махбубийга.)

Жангда чиниқамиз ёш, қари – ботир.
Озодликнииг йўли тиканли, оғир.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Куч тўплаб чиқамиз тундан қуёшга.

Т о р о б и й:

Узамиз юз бошни ёвдан, бир бошга!

Чопар киради.

Ч о п а р:

Душман кўпдир, бари найзадор.
Яна одам тилади Ёдгор.

Т о р о б и й:

Бизникилар?

Ч о п а р:

Ҳар бири шердай.
Тик бормоқда сира бўш келмай.

Б а р а т: (Торобийга)

Боринг, лекин бўлинг қаҳрамон!

(Бир тўда кишилар ўша ёққа югурлади.)

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Иншоолло, биздадир зафар.
Элнинг жангга ҳаваси қайнар.

Т о р о б и й:

Чунки элга эзгу бу уруш.
У истайди ёруғ, ҳур турмуш.

(Баландликдан жангни кузатиб туради.)

Биродарим, дилда кўп армон.
Бухорони қутқарган замон
Халққа фойда ишлар қилурмиз,
Халқ фойдасин қонун билурмиз.
Мўғулларнинг ва боёнларнинг
Аямасдан пўстин шилурмиз.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Тарихларда қолур шонингиз,
Халқ ҳурмат-ла ёдлар номингиз.





Т о р о б и й:

Эх-е! Душман ўнгдан урмоқчи.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Бўри нўён бизни сурмоқчи.

Олдиндаги оқ отлиқ удир.

Т о р о б и й:

У ботирга зарб бермоқ зарур.
Дўстим, бундан силжиманг фақат.
Мен борайин, менда йўқ тоқат.

Одамлар билан жўнайди.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Бу жанглардан қуёш туғилур.
Нур ярқираб, зулмат бўғилур.
Мен ҳам борай дўстим ёнига,
Тигим ботсин душман жонига!

*Ёнидан кичкина ханжарини чиқариб югурди.
Холтош билан бир киши ярадор Ёдгорни қўлтиқлаб киради.*

Х о л т о ш:

Ёдгор, отанг бўлганми хўroz?
Роса уруш қилдинг-да шоввоз!

Ё д г о р:

Сен қайдасан, эй гўзал Жамилам!
Кўзлар сенга интизор дамо-дам.
Мен қайси сабога арзим айтай?
Бир кўрсам-у, майли сўнгра ўлсам.
Жанг чоги ёнимда кўрсам эрди,
Бармоқ-ла сочингни ўрсам эрди.
Қайсисини ўрай деб сўрсам эрди.
Сен қайдасан, эй гўзал Жамилам?

(Атрофга боқиб, сергакланади.)

Айтинг, қани, қани Торобий?

М а ҳ а м а д ш а р и ф: (ярадор)

У қиздирди жанг майдонини.

Ё д г о р: (жўнайди)

У майдонда! Мен бунда нетай?
Тезда бориб, мен ёрдам этай.

М а ҳ а м а д ш а р и ф:

Торобийга бу яхши ҳамкор.
Торобийнинг бунда қалби бор.

Одамлар асиirlарни ва ўлжаларни олиб келадилар.
Асиirlар орасида мўгул беклари ва ҳоким ҳам бор.
Энг кейин Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий, Ёдгор
кирадилар.

Т о р о б и й: (асиirlарга)

Ўн минглаб қўшин сурган,
Кучли хонларни урган,
Ҳай беклар, баҳодирлар,
Қонларда сузган эрлар,
Қаранг, халқнинг иши бу!
Аҳволингиз жуда ҳам чатоқ
Халқ кечирмас сизларни ҳеч чоқ.

Ш а м с и д д и н М а ҳ б у б и й:

Золимларга бу бўлур сабоқ

(Ҳукмнома ўқийди.) «Тангри таолонииг инояти бирлан музaffer эл ва улус номидан сўзимиз: элимизнинг бошига анвоғи кулфатлар солиб, зулм ва тааддий бобинда Заҳҳоки замон бўлмиш малъун ҳоким ва аниг бек ва саркардалари ва жамики гаддорларнинг бошлари, ҳақ ваadolat дастурига биноан, танларидан жудо қилинсин. Навкарларнинг гуноҳлари тафтиш этилиб, ҳар қайсиларининг қилмишлиарига мувофиқ жазо ва жаримага тортилсин. Қози қалон зинданга ташланиб, Шайхулисломни мансаби олийсидин азл этилсин. Кўлим қўйдим: Маҳмуд Торобий.»

Т о р о б и й: (халқقا)

Сизлар раъингизни қилингиз баён:
Маъқулми?

Х а л қ:

Маъқул, маъқул!
Золимларга йўқ омон.

Ҳ о к и м:

Чин сўзми бу?

Т о р о б и й:

Чин сўз.

Ҳ о к и м:

Бўлма пушаймон!

Т о р о б и й:

Сизларни ғарқ этди эллар кўз ёши.
Кўлимида бўлса жаҳоннинг тоши
Барини сизларга ағдарар эдик!





Халққа

Бизникидир энди Бухоро.
Хон, адолат қилурмиз барпо.
Барча йүқсил, қул, чўри — озод.

Х а л қ:

Кишанлар узилсин, зинданлар барбод!

IV

Чигатойнинг саройи. Мұғұл саройлари тарзида безалган: Тұрда тахт. Эшикларда ясовуллар. Овдан қайтган Чигатой құлуга бургут құндырган ҳолда үз яқинлари билан кириб, тахтга ўтиради. Бургутни құшчига беради. Навкарлар, қызлар хоннинг қайтиши шарафига күйлайдилар.

Х о р:

Мангу яша, улуғ хон,
Күёш бўлсин сенга ёр.
Қут ёғдирсинг улуғ кўк,
Тахтингда бўл барқарор.
Кўриқлайсан ёсони,
Ота ўғли қаҳрамон.
Чингиз ерин тираги,
Элизимизга сен посбон.
Қаҳрингдан титрар арслон.
Овлағил қулуң, қулон.
Чексиз эллар хонисан,
Сенга қарамдир тўрт ён.
Мангу яша Чигатой,
Күёш бўлсин сенга ёр.
Қут ёғдирсинг улуғ кўк.
Тахтингда бўл барқарор.

Малика — Чигатойнинг хотини киради. Ҳамма қуллук килади. У эрининг ўнг ёнига ўтиради.

Ч иғ а т о й: (Бош вазирга)

Аҳвол қалай, бир-бир сўзлагил,
Улус недир, қўшин не қилур?

Б о ш в а з и р:

Улуғ хоним, тангрига шукур,
Юрт ичида асло йўқ чигил.
Обод ва тинч салтанатингиз,
Елдай учар чопарлар ҳар кун.
Узоқ, яқин эллар — бир бутун.
Тифингиз ва адлингиз эгиз.
Жангга шайдир қўшин ҳамиша.

Хеч хонда йўқ бундай ботирлар.
Уларда йўқ бошқа андиша –
Юришларга ҳар вақт ҳозирлар.
Хазинада олтин-кумуш мўл.
Минглаб тева ҳар кун ташир мол.
Совға берар шаҳар, қишлоқ, чўл,
Давлатингиз кўрмасин завол!

М а л и к а: (*Чигатойга*)

Тунда кўрдим жуда ёмон туш.
Яхшиликка буюрсин ўғлон.

Ч и ф а т о й:

Менинг тушим ҳам анча ёмон.

Б о ш в а з и р:

Мен тушимда кўрдим кумуш қуш-
Бошингизга қўнди-яхши фол.

(Четга.)

Ёлғон сўз-ла кўнгилларин ол!

(Мулозимлардан бирига ишора қиласди) Мулозим
бир қути келтиради. Бош вазир қимматбаҳо
тошлиар, безаклар билан тўла қутини очиб хонга
тақдим этади.

Уйгурулардан совғадир сизга,

*Малика тошлиарни ҳовучлаб, томоша қилиб, яна
қутига ташлайди.*

Ч и ф а т о й:

Ваъда этган отлар не бўлди?

Б о ш в а з и р:

Отлар билан далалар тўлди.

Ч и ф а т о й: (*қутини узатиб*)

Олиб элting хазинамизга.
Энди чағир берсинглар бизга.

*Гуруҳ-гуруҳ қизлар чиқиб мўгулча, хитойча, эрон-
ча рақсларни ижро этадилар. Энг кейинги гуруҳ
қўшиқ айтиб рақсга тушади.*

Қ и з л а р:

Ғам билмаган чоғлар қани,
Қиши ўпмаган боғлар қани,
Ёшлиқда бизлар яйраган
Оҳу тўла тоғлар қани?
Кор тушди, қайрилди бодом,
Дил қонидан қўйган хинам.





Турналар учар биз томон,
Элларга, ёрларга салом!
Күзларда ёшлар қайнашар,
Юз гулига жим-жим тошар,
Келма яқин қызларга, бек,
Ёрлар олисда қарғашар.
Ғам билмаган чоғлар қани,
Қиши үпмаган боғлар қани,
Ёшлиқда бизлар яйраган
Оху тұла тоғлар қани?

Ә ш и к օ ф а с и:

Неча улуғлар кирмак тилайди.

Ч иғ а т о й:

Кирсиналар, майли.

*Бўри нўён бошлиқ бир қанча мугул аскарлар ва
Тўсинбой киради.*

Не арз билан келдинг биз томон?

Б ў р и н ў ё н:

Улуғ хоним, ишимиз мушкул.
Не тил билан сўйлар ожиз қул?

Ч иғ а т о й:

Ха, сўйлайвер дардингни, нўён!

Б ў р и н ў ё н:

Бухорони босиб олди ёв.
Кўп муғулни қирди беомон,
Мол-мулкимиз қилди у талов,
Бошга тушган кунлар кўп ёмон.

Ч иғ а т о й:

Қандай зўр хон, қандай баҳодир
Менга қарши тиф кўтарадир?

Б ў р и н ў ё н:

Хон ҳам эмас, ботир ҳам эмас.
Бир ғалвирчи, аҳмоқ, таги паст.

*Чигатой қўёлидаги қадаҳни ерга уриб ўрнидан
туриб кетади. (бақириб)*

Бўри нўён эмас, қуёнсан, қуён!
Фалвирчидан қочиб келдинг қошимга?
Доғ солдингми менинг улуғ тожимга?
Чингиз кирган шаҳар итларга макон!

(Боишқа қочқинларга дўқ қиласди.)

Сенлар нега қочдинг, разил ботирлар,
Нега суюкларинг қолмади унда?

Уятсиз махлуклар, умзи яғирлар,
Ерим бердиларинг ожиз маймунга?

М а л и к а:

Тунда күрган тушнинг чин маъноси бу,
Кўйма, ҳар қандай ёв ер тишилар мангур.
Яхшиси, сен тездан қўшинлар юбор.

Ч иғ а т о й:

Тўхта, мен буларни жазолай, аввал,

Т ў с и н б о й: (*четга*)

Вой ҳайдамиш мени бу ерга ажал!

Ч иғ а т о й: (*ясовулларга*)

Олиб чиқиб барин узинг калласин!

Ясовуллар маҳкумларни бир-бир олиб чиқадилар:
Гал Тўсинбойга келади.

Т ў с и н б о й: (*Чигатойнинг оёгига йиқилиб*)

Улуғ хоним, кечиринг мени.
Мен эмасман навкар, амалдор,
Сизга чексиз муҳаббатим бор.
Келишимнинг ёлғиз сабаби –
Сизга хабар бермакди илдам.
Фалвирчиидир катта душманим,
Юртда қолсам оларди жоним.
Менинг отам отангизга ҳам
Жуда катта хизматлар қилган.
Мен юртимнинг катта бойиман.
Барча молим хонимга совға.
Қўшин беринг, солайин ёвга!

Ч иғ а т о й:

Кечдим сени, ўз элингга кет.

(*Бош вазирга*)

Қани менга ўз фикрингни айт.

Б о ш в а з и р:

Бу ишга мос – Қораҷар нўён,
У синалган, эски қаҳрамон.

Ч иғ а т о й:

Чақирингиз қошимга илдам.

Қораҷар нўён киради.

Қ о р а ч а р н ў ё н:

Хизматларга ҳозирман ҳар дам.

Ч иғ а т о й:

Тез қўшин туз, Бухорога юр.
Фитначилар гурухини ур.





Каллалардан минора яса.
Кейин бутун шаҳарни тала,
Унутилмас бир сабоқ бўлсин!

Қ о р а ч а р н ў ё н: (*Чиқиб кета туриб*)

Бажараман Тангри хоҳласа.

Бирпасда орқада кўп навкарлар тўпланади.
Қорачар нўён қайтиб киради.

Қ о р а ч а р н ў ё н: (*Чигатойга*)

Жўнаш мумкин, туғ кўтарилисин.

Навкарлар мўгул одати бўйича танманали равишда
туғ кўтариши маросимини бажарадилар.

Н а в к а р л а р:

Жанг қиласиз, улуғ хон,
Бизларга инон.
Бошлиғимиздир Қорачар нўён.
Отларимиз шамолдир.
Ҳар навкар Қоратолдир,
Ерга қоришар ёвлар,
Кўкни тутар оловлар,
Сурон билан кирамиз,
Душманларни қирамиз.
Бошлиғимиз катта талон.
Бошлиғимиздир Қорачар нўён.

V

*Дала. Қуролли халқ мўгул ҳужумини кутмоқда
ва тайёрланмоқда. Қилич-қалқонли
Жамила югурив киради.*

Ж а м и л а: (*Ёдгорга*)

Узоқда чанг кўзимга илғар.
Кел, сен қара, чапда тепадан.

Ё д г о р: (*қараб*)

Саф тортмоққа киришди душман.

Ж а м и л а:

Чип маҳкамми, қараб чиқ бир-бир!

Ё д г о р:

Маҳкам. Лекин, гап одамларда.

О т а ш о т а:

Таваккал-да, болам, таваккал.
Ўлим ширин шундай дамларда.

Ж а м и л а:

«Тил» тутишга кетганлар ҳали
Қайтмадими?

Ё д г о р:

Кутиб турибмиз.

Т о р о б и й:

Билиш керак нима душман режаси –
Шунга қараб ёвни урамиз.

Бир тұда одам Торобийни құршаиди.

Ч и л а н г а р:

Фотиҳани берингиз, пиrim!

Д у к ч и:

Рухсат этинг, битар сабр-бардош!

Х о л т о ш:

Отлиқ қилинг мени, тақсиrim,
Отда учиб күпроқ узай бош!

Т о р о б и й: (кулимсираb)

Пиёда юр, отлиқдай жанг қил!

(Бошқаларга)

Жанг ишига қараманг енгил,
Тадбирсизлик әлтар балога.

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Халқ келмоқда, йүқдир нихоя.
Кузатайлик ёв ҳаракатин,
Отилиши мумкин он-баон.

Т о р о б и й: (Ёдгорга)

Йигитларга бошлиқ бўл, лекин,
Зарбаларни кўттар совуққон.
Ёв сафлари бузилгач, дарҳол
Отиласиз арслонлар каби.

Ё д г о р:

Бажараман, сардор, барини.

Торобий кетади.

Ж а м и л а:

Биз биргамиз – яхши билиб ол!

Ё д г о р: (Жамилага самимий – ошиқона тикилиб)

Сиз бирла юрак бир неча арслон кучин олгай,
Гўёки денгиз мавжларини сийнага соглай.
Юртимни вабо сингари босган шу мўғуллар
Албатта буқун зарбамиз остида савалгай.
Оҳ, Тангри сени мунча гўзал, тоза яратди,
Хуснингта сенинг мунча баҳодирликни у қотди.
Сен эзгу қуёш, сен абадий порла жаҳонда,
Руҳинг менга бир он ичида аср яшатди.





Ж а м и л а:

Соянг каби мен бирга бўлай, севгили Ёдгор,
Илҳоминг илиа юрт ёвини қақшатайин, ёр.
Қалқон бўлажак сийнам агар сенга ўқ учса,
Бу эзгу, улуғ жанг куни ишқ бизга мададкор.

Б и р г а:

Сен бирла юрак бир неча арслон кучин олган,
Гўёки дентиз мавжларини сийнага соглан.
Юртимни вабо сингари босган шу мўғуллар
Албатта букун зарбамиз остида савалгай.

*Холтош халқдан икки ҳамроҳи билан
Тўсинбойни олиб келади.*

Х о л т о ш:

Чақиринг ишбошини.
Деган эди, тутиб кел «тил».
Мен келтирдим сўлоқмон фил.
Чақиринглар ишбошини!

О д а м л а р: (Тўсинбойга)

Ҳолинг қалай?
Мўғулларга малай бой!
Нима берди Чифатой?

Х о л т о ш:

Бир тепанинг орқасида
Икки навкар билан сира
Қимир этмай ётибди у,
Булар экан ички тузоқ.
Мен тўсатдан тап босдим-у,
Ановлари қочди узок –
Бу қочарди.

(Корнига ишорат қилиб)

Зўр бордони –
Бир улуснинг оши, нони –
Берди унга кўп халақит.
Қаршисида мен бир чигит.
Юраги йўқ экан буни,
Мушт кўтарсан титрар дир-дир.
Дуо ўқир пицир-пицир.

Одамлар кулишади.

Т о р о б и й: (Тўсинбойга яқинлашиб)

Аҳа, Тўсинбой қадрдон...
Бошлиқларинг қай нўён,
Қанча отлик, пиёда,
Босмоқчилар қай замон?

Тұс и н б о й:

Махмуд, бас қил сүзингни,
Үядилар күзингни.
Әлга бўлибсан кулги,
Хангамангни йиғ, тулки!

Ёдғор:

Хумпарда зарда ҳам бор!

Ж а м и л а:

Қўрқоқ, номуссиз, беор!

Т о р о б и й:

Яхшиликча айт, маккор!

Тұс и н б о й:

Минг оқ от ва минг кўк от,
Минг қора от! Айла дод!
Таслим бўлларинг бутун,
Не қиласир бир тўп маймун?

Т о р о б и й:

Тилингни тий, ифлос, шум,
Бойкүшдан баттар машъум!
Булар эл, улус, одам.
Булар олтин, сенлар қум.
Бу тупроқлар бизники,
Бу ўтлоқлар бизники,
Бунда оталар қони,
Бунда боболар шони.
Бу ер – баҳтимиз қони.
Биз бермасмиз ҳеч қачон
Сенга, мӯғулга макон.

Тұс и н б о й: (*паузадан кейин*)

Мени қўйвор!

Т о р о б и й:

Ҳаққим йўқ.

Тұс и н б о й:

Пул бераман, қўй мени.

Т о р о б и й: (*захарханда билан*)

Гўё мен пул бандаси!
Ҳеч ниманг йўқ, сен гадо!

Тұс и н б о й:

Нима?

Ш а м с и д д и н М а х б у б и й:

Халқдан сўра,
Сен халқقا, халқ сенга ёв.





Ч и л а н г а р: (Таёқ билан бошига уради.)

Менинг жазоим манов!

Бошқалар ҳам дүппослаб-дүппослаб, бир томонга улоқтирадилар. Бүрөн күтарилиб, ёмғир ёгади, чақмоқлар чақнайди.

Т о р о б и й:

Эхтиёт шарт!

Ё д ғ о р:

Хазир бўл!

О т а ш օ т а:

Ё пирай, бу не бўрон?
Яхшиликка буюрсин!

Т о р о б и й:

Шамол бизнинг томондан.
Яхши. Яна қутурсин.

(Катта тошга ўтиради, ўй суради.)

Менда иўқ ўзга севги: юрт-эл бор,
Этаман ўзга ёрни мен инкор.
Ҳар ҳақиқатдан менга бу эзгу.
Бу саодат кўнгилда – шукри ҳазор.
Куважакман булатни осмондан-
Куважакман аламни ҳар жондан.
Қолмасин ер юзида ғаддорлар
Торобий, Ҳақ йўлинда қонинг тўк!

(Тепаликка чиқиб, узоққа қарайди.
Бўронга диққат билан қулоқ солади.)

Итлар, ҳурур, ҳазир бўл.

(Қиличини ялангочлайди.)

Ё д ғ о р н и н г օ в о з и:

От солдилар ўнг ва сўл,
Қалин ўқ, яхши қалқон.

Ж а м и л а н и н г օ в о з и:

Итларга тор бу майдон!

Т о р о б и й:

Кўрсатинг, мардлар, букун
Ким қортол-у, ким қузғун!

Бўрон пасаяди. Жанг сурони эса авжга минади. «Ур!
Қўйма!» «Ўқни қалин ёгдир!», «Отини ур, эгасини
йиқ!», «Сўл ёқ қочди, ўнг ёқ кўзгалмай қолди!»,
«Яна, яна!»

Т о р о б и й н и н г օ վ օ զ ի:

Фурсат берма, құвла, бос!

Бир оздан кейин голиб халқ жуда күп ўлжалар ва асирлар билан қайтиб, сағнани тұлдиради. Ҳаво очилади. Шодиёна чалинади. Душман түглари ерда.

Ж а м и л а:

Күзларда нуқул қайнади ёш, әзді фироқлар.
Куч берди, умид берди менга хаёлинг,
Хар лаҳзада юз ох-фигон чекди дудоқлар
Дилларни яна бир-бирига боғлар узоқлар.

Ё д ғ о р, Ж а м и л а:

Соф ишқа жило берди фироқ,
қайғули ҳижрон,
Күзлардаги ёш ишқ сирини қылмади пинхон.
Хар кунги сабо бўш келароқ дер эди: «Ён! Ён!»
Бахт юлдузимиз ёнди букун, мангутарақлар.

Т о р о б и й: (Халқ байрогини күтариб)

Енгди эл, енгди Ҳақиқат ва Ҳақ,
Душмандан озодмиз, ҳур бизнинг тупроқ.
Мангутарақлар бўлсин эл тутган байроқ!
Душманга омон йўқ, золимга кун йўқ.
Асло йиқилмайди эл тутган байроқ!


1941 йил 15 сентябрь – 10 октябрь



М. Торобий операсидан лавҳа.
1944 йил.











М. Торобий операсидан лавҳа. Жамила ролида Ш. Раҳимова.
А. Навоий опера ва балет театри архивидан. 1944 йил.



М. Торобий операсидан лавҳа. Дарвиш ролида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист М.Воҳидов. А. Навоий опера ва балет театри архивидан. 1944 йил.



М. Торобий операсидан лавҳа. М. Торобий ролида Ўзбекистон халқ артисти Қори Ёқубов. А. Навоий опера ва балет театри архивидан. 1944 йил.



М. Торобий операсидан лавҳа. Жанг саҳнаси. Т.Рахимов, М. Воҳидов, Д.Низомходжаев. А. Навоий опера ва балет театри архивидан. 1944 йил.



М. Торобий операсидан лавҳа. Дарвиш, Қозикалон ва Қоражон саҳнаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Давидов, Д.Низомходжаев ва Аҳмаджонов. 1944 йил.



М. Торобий операсидан лавҳа. Тўсинбой Жамила ва бошқа қизларни мўғул хонига олиб кетиш саҳнаси. А. Навоий опера ва балет театри архивидан. 1944 йил.



М. Торобий ролида Ўзбекистон халқ артисти
Қори Ёқубов. А. Навоий опера ва балет
театри архивидан. 1944 йил.



оп. „Махшуд Широди“
Солист оп. Р. Садыков – Кози Калон



оп. „Махшуд Широди“
Солист оп. З. Салимжаров – Бури-Нисон



оп. „Махшуд Широди“
Заслуж. артист Уз.ССР Р.Шердукханов – Махшид




en. "Махшуд Шероди"
Наредн. српният Ч. С. р. в. слав. Омадински превод
Тимур Сауфуллаев



en. "Махшуд Шероди"
Совместно с А. А. Абдулжанов - Шерифидой



en. "Махшуд Шероди"
Совместно с З. Саламандиров - Бары-Нурс



**КИЙИМЛАР ЭСКИЗЛАРИ
ДИЗАЙНЕРИ – Н. ЦИТЕЛОВ. 1944 ЙИЛ.
(АЛИШЕР НАВОЙ ТЕАТРИ АРХИВИДАН)**



Аскар ролига чизилган эскиз



Жамила ролига чизилган эскиз



Шайхулислом ролига чизилган эскиз



Түсінбай ролига чизилган эскиз



Мүғул аскари ролига чизилгандай эскиз



Мүғул маликаси ролига чизилгандай эскиз



Жанг бошланишини хабар берувчи бурғучи ролига чизилгандай эсказ



Мұғұл аскари Қоражон ролига чизилгандықтан



Жамила ролига чизилган эскиз







М. Торобий ролига чизилган эскиз






Холпош ролига чизилган эскиз




Дарвиш ролига чизилган эскиз



**М. Торобий достони учун Ойбек дастхатларида лавҳалар.
Ойбек вий-музейидан.**



М. Торобий достони учун Ойбек дастхатларидан лавҳалар.
Ойбек уй-музейидан.



29 Andante

Тараби Жон а-сир бўлмиш


Ф-п.

133

М. Торобий достони учун ёзилган мусиқа ноталари.

ҒАЛВИРЧИ¹

Ойбек ижодида икки тарихий сиймо кенг ўрин эгаллайди. Булардан бири, Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Маҳмуд Торобийдир. Агар буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий сиймоси Ойбекнинг нафақат адабий, балки илмий фаолиятида ҳам бениҳоя катта мавқе касб этса, XIII асрда мўғул истилочиликага қарши Бухорода бўлиб ўтган ҳалқ қўзғолонининг саркардаси Маҳмуд Торобий образи адиднинг шу номдаги опера либреттосидагина эмас, шунингдек икки тугалланмаган саҳна асарида ҳам ўзининг бадиий тажассумини топган. Шулардан бири Ҳамза номидаги



Ўзбек Давлат драма театри учун ёзила бошлаган «Ғалвирчи» номли тўрт пардали драмадир.


II Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳуқумати адабиёт ва санъат ходимларига ҳалқни кураш ва ғалабага илхомлантирувчи асарлар ёзишга йўналтириб турган. Бунга жавобан, Ҳ. Олимжон Муқаннага, С.Абдулла Алпомишига, М.Шайхзода Ж.Мангубердига бағишиланган пьесаларни ёзганлар. Ойбек 1941 йил 10 октябрда – 25 кун ичида «Маҳмуд Торобий» либреттосини ёзиб тугатган. Аммо ушбу либретто асосидаги операнинг ёзилиши ва унинг саҳнага қўйилиши учун узоқ йиллар талаб этилгани² сабаб бўлса керак, Ойбек 1942–1944 йиллар орасида «Ғалвирчи» деб номланган драматик театр спецификасини тўла ҳисобга олиб ёзилган пьесани ёзган.

Пьесани ёзиш нияти гарчанд 1942–1943 йилларда, яъни С.М. Михоэльс Тошкентда яшаган даврда туғилган бўлса-да, асар устидаги қизғин ижодий иш шундай кезларга тўғри келдики, бу даврда душман ҳайдаб чиқарилаётган ва шаҳарлар озод этилаётган эди. Ойбек чамаси ана шундай тарихий шароитда ҳалқни ва жангчиларни босқинчи душмандан кўрқмасликка чақирмоқчи бўлган.

Юқорида баён этилган мулоҳазага асосланиб, «Ғалвирчи» пьесаси 1944 йилда ёзила бошлаган деган хulosага келиш мумкин. Агар бу хulosamiz ҳақиқатга яқин бўлса, у ҳолда асарнинг тугаллан-

¹Наим Каримов. Ойбек гулшанида қолган ғунчалар. – Т.: «Фан» нашриёти, 1985, 50–61-бетлар.

²Украин композитори Олесь Чишко басталаган «Маҳмуд Торобий» операси 1944 йил 24 декабрдагина Ўзбек Давлат опера ва балет театрида саҳна юзини кўрган.



май қолганлигининг сабларидан бири ҳам ойдин бўлади. Бизнингча, муаллиф II Жаҳон уруши якунида яқинлашиб қолган ғалаба шабадасини туйган ва ўз асарига ортиқча эҳтиёж сезмаган бўлса керак. Акс ҳолда, Ойбекнинг тугалланмаган асарлари орасида бадиий жиҳатдан аниқ ғоявий-бадиий структурасига, қаҳрамонларига, сюжет чизигига, жумладан, ниҳоясига эга бўлган бу пьеса, назаримизда, чала қолмаган бўларди.

Адид архивида ушбу пьесанинг ғоявий мундарижасини ифодалаган бир режа бор. «Жуда умумий чизиқлар» деб аталган бу планга кўра, пьесанинг ғоявий мундарижаси қуиидаги сахналарни ўз ичига қамраб олиши лозим эди:

I. Торобий ўз хунари билан машғул. Хотини. Қўни-қўшнилар. Ҳокимлардан, зўрлардан шикоят. Мўғулларнинг халқقا жабри. Ерли бойлар, амалдорлар билан бирга. Торобийда исён фикрлари алангалана бошлайди.

II. Дехқонлар қишлоқда катта солиқни қандай тўлашни музокара қиласилар. Ҳаммаси асабий, ҳаммаси жондан безган бир ҳолатда. Торобий ўзига эргашган исёнчи халқ билан келиб қўшилади.

III. Мўғул бекларининг қароргоҳи. Махаллий аслзодалар улардан ёрдам сўрайдилар. Мўғулларнинг зулмини тасвирловчи характерли воқеалардан бир нечаси гавдалантирилади. Мўғул хони исён-

чиларга қарши қўшин юборади.

IV. Торобий бошлиқ исёнчилар шаҳарда – Бухоро. Бойлар, мулкдорлар, амалдорларнинг моллари торож килиниб, камбағалларга улашиш. Мўғул қўшинининг етиб келгани хабари. Курашга ҳозирлик.

V. Исёнчилар билан мўғул қўшинининг тўқнашуви. Торобий мардлик, олижаноблик, халқ ишига чукур садоқат ва севги кўрсатади. Жангда вафоти. Хотима.

Ойбек асарнинг «биринчи ва хомаки варианти»ини ёзиш жараёнида бу режага, айрим истиснолардан қатъи назар, тўла амал килган. Ўз ғоявий ниятини бадиий мужассамлантириш мақсадида асар тўқимасига турли-туман персонажларни киритган. Шу нарса эътиборга сазоворки «умумий чизгилар»да зикр этилган. Торобийнинг хотини образи пьесанинг хомаки вариантида учрамайди. Учинчи парданинг иккинчи қўринишида эса, кутилмаганда Торобийнинг синглиси Зулайҳо образи пайдо бўлади. Башпорат-

чилиги билан халқ ишончи ва эътиқодини қозонган

Зулайхо образи гарчанд пьесада эпизодик персонаж сифатида харакат этса-да, у асарда рўй берган воқеаларнинг драматизмини оширишга хизмат қиласди.



Ойбек ўз асари билан ёш-қари – ҳаммани II Жаҳон уруши йилларида душманга қарши яктан бўлиб курашишга, немис фашистлари устида бўрони азим кўтаришга чақирмоқчи, акс ҳолда, совет кишиларини ана шу қулнинг аянчли тақдиди кутиши мумкинлигини таъкидла-моқчи эди.

Пьесада тасвирланган воқеалар, гарчанд, XIII асрда бўлиб ўтган бўлса-да, улар XX асрда – фан ва маданият туркираб ўсаётган асрда рўй берган, рўй беражак ваҳшийликлар билан ҳамоҳангдир. Умуман, тарихий асарнинг аҳамияти шундаки, унда ҳозирги замон билан уйғун бўлган ғоялар тараннум этилади, ҳозирги даврда рўй беражак ваҳшийликларга тарих сабоқларидан келиб чиқсан ҳолда баҳо берилади. Ҳар бир давр ўз қаҳрамонини яратади. Аниқроғи, тарихий давр

ва шароит тақозоси билан шу даврнинг қаҳрамонлари майдонга келадилар.

XIII асрда ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган ва мўғул истилочилари қаршисида таслим бўлган халқни уюшган омма деб, ўз юртини душмандан ҳимоя қилишга қодир куч, деб бўлмайди. Зоро, бу халқни идора қилган маҳаллий амалдорларнинг ўзлари ҳам золимликда мўғуллардан кам эмас эдилар. Бинобарин, Оташ ота мўғуллар ва маҳаллий амалдорлар тўғрисида сўз боргандা, уларнинг «ҳаммаси бир гўр» эканлигини айтади. Торобий эса маҳаллий амалдорларнинг янада аниқ характеристикасини беради: «Юрт бошлиқлари фуқаронинг, элнинг қонидан симиради, улус уйининг алансасида исинади», — дейди. Шунинг учун ҳам жабрдийда халқнинг мўгул босқинчиларига қарши онгли ва уюшган ҳолда курашиши учун XIII асрда зарур шароит йўқ эди.

Ана шундай тарихий шароитда Махмуд Торобийнинг вулқон сингари отилиб чиқиши ва халқни ўз байроби атрофига тўплаши мислсиз ҳодиса эди. Буни пьеса қаҳрамонларидан бири тупроқдан



бўлса ҳам уни ёзиб тугатмади. Учинчи парданинг иккинчи кўриниши чала ҳолда қолди, тўртинчи пардага умуман қалам урмади. Ўйлаймизки, муаллиф сўнгги парданинг икки кўринишида қўзғолончиларнинг мўтул қўшинларига қарши кураши саҳналари ни гавдалантириш ва Маҳмуд Торобийнинг тарихий ғалабасини катта пафос билан тасвирилаш ниятида бўлган.

Ойбек, давр талабига кўра, опера-либреттосини қўзғолончиларнинг ғалабага эришувлари билан тугатган эди. Эҳтимол, ана шундай баҳтли хотима «Ғалвирчи» пьесасида ҳам ўз кучини сақлаб қолган бўларди. Лекин бу асар қаҳрамонининг ўлими ёхуд қўзғолончиларнинг тантанаси билан тугаш-тугамаслигидан қатъи назар, унда Маҳмуд Торобий қўзғолони ҳақидаги ҳақиқат, бу қўзғолоннинг ибратли ва заиф жиҳатлари операдагига нисбатан, сўзсиз, ўзининг кенг ва ҳаққоний тажассумини топган бўлар эди.

Пьесанинг мавжуд чала варианти, юқорида қайд этилганидек, хомаки ҳолда. Муаллиф асарни тугаттагач, унга сайқал бериш, айрим эпизодларни, қаҳрамонлар характеристикасини бойитиш ниятида бўлган. Буни пьесадаги муаллиф эскартмалари ҳам кўрсатиб туради. Ушбу тугалланмаган асар билан дастлабки танишув шундан далолат берадики, Ойбек бу пьеса ёзила бошлаган даврда драматургия жанрининг специфик хусусиятларини тўла эгаллаган эди. Борди-ю, бу тарихий драма устидаги иш ўз даврида ниҳояланган бўлса, ўзбек театри ва драматургияси Ойбекнинг катта истеъдодидан, сўзсиз, баҳраманд бўлган, ўзида бу истеъдод нурларини акс эттирган ажойиб саҳна асари билан бойиган бўларди. Эҳтимол, бу асарнинг баҳтли тақдирни адабни янги-янги ижодий ниятларга илҳомлантирган ва шу тарзда Ойбек ижодида янги жанр – драматургия ҳам ўз меваларини етиштирган бўларди.¹

олтин ясашдек кутилмаган ва нореал ҳодисага қиёс қиласди. «Тупроқдан олтин ясаш мумкинлигини, – дейди Шамсиддин Маҳбубий, – китобларда арбоби илми фунун айтиб ўтган эди. Замон бир ғалвирчидан қаҳрамон яратди! Тарихнинг ажойиб, фавқулодда ҳодисаси! Кечагина ҳаёт ва ҳашаматнинг олий поясида кибр эсиртирган жаноблар бу-кун қочгали жой топмайди. Эй, кўр золимлар! Зулмни авжга миндирдингиз. Билмадингизки, бўрон булатни қувиб, офтобни очгани сингари, ҳақ ваadolat зулмни поймол қиласди... Мана, ҳақиқат бир ғалвирчининг кўксидан бонг урди, ҳалқ бу садони тинглади ва зулм қалъасини ағдарди..» (133-134-бетлар).

Маҳмуд Торобийнинг доно маслаҳатчиси Шамсиддин Маҳбубийнинг бу сўзлари нафақат олис ўтмишга, балки фашист газандаларига қарши курашган ҳалққа ҳам қаратилган. Зоро, унинг ҳалқ бўрони зулм ва разолат булатини қувиб, ҳақиқат ваadolat офтобини очганилиги тўғрисидаги ҳикматли сўzlари оддий инсонларни ҳам душманга қарши қаҳрамонона курашга даъват этар эди.

Ойбек, гарчанд, ушбу пьесанинг барча сюжет нуқталарини аниқ тасавур этган

¹ Караҳан: Ойбек МАТ, 18 том. Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1981 йил. Б. 105-137.

ХАЛҚ ҚАЛҚОНИ

(ЩИТ НАРОДА)

Ҳамкорликда ёзилган асар¹

М.Т. Ойбек, А.И. Дейч

Ушбу пьесанинг ижодий тарихига оид маълумотлар на ўзбек адабиёти тарихига бағишиланган тадқиқотларда ва на Ойбекнинг адабий меросида учрамайди. Асар ҳақидаги бирдан-бир маълумотни адибнинг москвалик дўсти, таниқли рус ёзувчиси ва адабиётшуноси Ал. Дейч

ўзининг «Ўзбекистон қалби» деб аталган мақоласида берган. Бу мақолада айтилишича, Ал. Дейч 1941 йил ноябрда вақтинча яшаш учун Ўзбекистонга кўчиб келгач, Ойбек билан яқиндан танишади ва дўстлашади. Бу йилларда Ойбек машҳур театр режиссёри С.М. Михоэлс



Дейч хонадонида тушилган сурат.

Ўтирганлар: Л. Бать, З.Сайдносирова (Ойбекнинг рафиқаси), Халқ артисти С.Эшонтўраева, А.И.Дейч, Ойбек, Е.К.Дейч. Турғанлар: В.Звягеницкva, С. Мотолянский, А. Бегичева. 1955 йил.

¹ Ойбек ва А. Дейчнинг ҳамкорлиқда, рус тилида ёзган асарлари – «Халқ қалқони» драмасида 1238 йилда Махмуд Торобий бошчилигида мӯғул истилочиларига қарши олиб борилган халқ кўзғолони ҳақида ҳикоя қиласди.

ва композитор А.С. Чишко билан ижодий ҳамкорликда «Маҳмуд Торобий» операсини яратиш устида иш олиб боради. Афтидан, опера жанрининг имкониятлари ёзувчига ўз ғоявий ниятларини тўла мужассамлантириш имкониятини бермаган бўлса керак, Ойбек шу йилларда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат драма театри учун «Фалвирчи» пьесаси устида, Ал. Дейч билан ҳамкорликда эса рус театрни учун «Халқ қалқони» пьесаси устида ҳам иш олиб боради.

Михоэлс ва Ойбек бу ишга мени ҳам жалб этиди, – деб ёzádi Александр Дейч. – Бизда Ойбек билан ҳамкорликда худди шу тарихий материал асосида «Халқ қалқони» драмасини ёзиш нияти ана шундай пайдо бўлди. Шубҳасиз, драмада опера-либреттога нисбатан ҳаётий материалнинг психологик таҳлили янада чуқурроқ, жиддийроқ бўлиши керак. Биз Ойбек билан қайси бир ҳозиржавоб французнинг «Гапириш керак бўлган жойда қўшиқ айтиш ўта нодонликдир»

деган гапини эсладик. Драма планини барча тафсилотлари билан тушиб чиқдик. (Ушбу томнинг «Иловалар» бўлимига қаранг. – Н.К., Р.Н.). Даврнинг ўзига хос бўёқ-рангларини тошиш, ҳалқнинг ҳикматга бой, мазмундор тилини билиш, бухороликларнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган қурашини ҳаётий ва ҳаққоний акс эттириш учун кўпгина тарихий асарларни жиддий мутолаа қилдик. Михоэлс деярли ҳар кечада бизникига келиб, Ойбек иккаламиз «дарс»ни қандай бажараётганимиз билан қизиқар эди. Бу ерда у жуда антиқа усул қўлларди. Агар қандайдир сюжет йўналишини тезда топса, уни дарҳол яроқсизга чиқаарди. Ҳеч қандай далил-исбот, ҳатто томошабиннинг драматик воқеаларни у каби тушунмаслиги ҳақидаги сўзлар ҳам кор қилмасди. «Мени доно деб ҳисоблаганларнингиз учун раҳмат, лекин томошабинни ҳеч қандай асоссиз аҳмоқ деб билмаслик керак», дерди Михоэльс.



Дейч хонадонида ўзбек ижодкорлари билан тушилган сурат.
З.Сайдносирова (кимё олимаси, Ойбекнинг рафиқаси), академик Ойбек,
Халқ артисти С.Эшонтўраева, А.И.Дейч, Е.К.Дейч. 1955 йил.

Талабчан режиссёр бизни тағин ўша эпизодни янгидан ўйлаб топишга мажбур қиласы. Бирок моҳирлик билан фольклордан ижодий фойдаланиш натижасыда диалогта «жон» киригтан халқ тили уни беҳад севинтиради... Шу пайтларгача эсимда. Михоэлс тайёр кўринишларни ҳар хил қиёфага кириб ўқирди. Пьеса персонажлари жонланганда, Ойбек қувончдан ёниб ўтиради..»

Ўзбекистон Давлат архивининг Республика МС хузуридаги Санъат ишлари бошқармасининг 2087-рақамли фондида сақланаётган хужжатлар орасида ушбу пьесага оид айрим маълумотларни топиш мумкин. 173-сақлаш бирлигидаги (1-тавсиф) сақланаётган хужжатларга кўра, муаллифлар ушбу пьесани 1943 йилда тутатиб топшириш ҳақида ваъда берганлар. Аммо фашистлар Москва остоналаридан қувиб чиқарилгач, Ал. Дейч, бошқа москвалик ёзувчилар сингари, Тошкентдан кўчиб кетган ва ҳар иккала муаллиф бошқа ижодий режаларини амалга ошириш билан банд бўлганлар. Натижада пьеса устидаги иш ўз-ўзидан тўхтаб қолган.

Ойбек ва Ал. Дейч «Халқ қалқони» драмаларида 1238 йилда Маҳмуд Торобий бошчилигига мўғул истилочиларига қарши олиб борилган халқ қўзғолонини тасвирлашни ва ушбу асар билан немис босқинчиларига қарши қаҳрамонона қурашга даъват этишни, халқимизни жанговар миллий анъаналар асосида тарбиялашни мақсад қилиб олганлар. Аммо юқорида қайд этилган сабабларга кўра, асарнинг фақатгина биринчи кўриниши тўла қўлдан чиққан, учинчи кўриниши эса чала қолган.

Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ қўзғолони Ойбекнинг «Ғалвирчи» номли тугалланмаган пьесаси учун ҳам ҳаётий материал берган.

Маҳмуд Торобий (?–1238) – бухоролик ғалвирчи-хунарманд; мўғул истилочиларига қарши кўтарилган халқ қўзғолонининг ташкилотчиси ва раҳбари.

Чигатойхон (?–1242) – Чингизхоннинг иккинчи ўғли, чигатоийлар сулоласининг асосчиси.

Маҳмуд Ялавоч (?–1254) – хоразмлик савдогар; Чингизхон ва унинг ўғиллари даврида Мовароуннахрни идора этган.

Ясо – мўғул қонунлари мажмуаси.



¹А. Дейч. Ўзбекистон қалби. – Т., 1974, 29–31-бетлар.

МАҲМУД ТОРОБИЙ ҚЎЗҒОЛОНИ¹

1238 иили Бухоро воҳасида қўзғолон кўтарилиди. Мўғул истилочилари ҳамда маҳаллий бойларнинг зулми бу ерда яшовчи халқнинг суюгига пичоқ бўлиб қадалди.

Бухородан уч фарсах наридаги Тороб қишлоғида, Жувайнийнинг айтишича, дехқонлар, ҳунармандлар «бидъатона» мажлислар ўтказар, ўйин-кулги, базми жамишид қиласр эканлар. Худди шу мажлисларда улар мўғул хонлари, доругалари, босқоқлари зулмидан бир-бирларига шикоятлар қилиб, ўзларининг машаққатли ҳаётлари хусусида ҳам мулоҳаза юритган бўлсалар ажаб эмас. Бу мажлисларда Маҳмуд Торобий деган элакчи халқнинг юрагидаги дардларни айтиб, унинг кўнглига чўғ ташлайди, халқ унга ихлос қўяди, ишонади.

Халқ қўзғолонлари ҳамда халқ ҳаракатлари тарихида қуий табақадан чиққан саводли, сўзга чечан раҳбарлар камдан-кам учрайди. Жувайний Маҳмуд ҳақида гапирав экан, «нодонлик ҳам жоҳилликда тенги йўқ», дейди. Муаррихнинг муносабати Маҳмуд Торобийга нечоғли ғаразли бўлмасин, у ўз китобида келтирган далиллар тамом ўзгачадир. Бу далиллар Маҳмуд Торобий ҳақиқатан ҳам истеъдодли ташкилотчи, уддабурон раҳбар бўлганлигидан далолат беради. У ўз дадиллиги, журъати билан тарқоқ дехқонларни, ҳунармандларни, шаҳар

камбағалларини ўз ортидан эргаштира олган. Табиатан тиришқоқ, қатъий, жасур, эркесвар бўлган Маҳмуд Торобий мавжуд ижтимоий тартибларга лоқайд қараб тура олмас эди. Кундалик ҳаёт унинг ўткир, безовта ақлига бой озиқ берарди. Ҳаёт қийинчилеклари, ҳунармандлар турмушининг оғирлиги бўлаҗак қўзғолончилар доҳийисининг кўзини очди.

Дастлаб у Бухоро атрофларида, кейинроқ эса шаҳарда ҳам кенг фаолият кўрсатди. Маҳмуд Торобий золимлар шаънига дарғазаб сўзлар айтарди. Оммани мўғул босқинчилари ҳамда уларнинг ялокхўрларига қарши жангта чорлайди. Маҳмуд Торобий тез орада Бухоро воҳаси меҳнаткашлари орасида шу қадар обрўэътибор қозонадики, халқ уни авлиё деб билади. Жувайний ёзади: «Маҳмуд алдов ва риё йўли билан ўз таълимотини тарғиб эта бошлади, ўзининг руҳлар билан алоқаси борлигига (одамларни), яъни инсу жинслар билан гаплашишига, фаришталар унга бўлажак ҳодисотлар хабарини етказиб туришига ишонтиради».

Маҳмуд Торобийнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари ҳеч қаерда аниқ равшан ифодалангани йўқ. Буни факат қўзғолон тарихига оид айрим далилларга қараб билиш мумкин. Атомалик Жувайний қўзғолон раҳнамосиннинг муддаосини

¹ Луқмон Бойматов. Маҳмуд Торобий қўзғолони. 60–63-бетлар.

– Т.: «Ёшлиқ» журнали, 1989 иил №1–2, 62–66-бетлар;

йўл-йўлакай, у билан мунозара қилган ҳолда, Маҳмуд ва унинг тарафдорларини сўкиб, ҳақоратлаган ҳолда айтиб ўтади. Жувайний маълумотлари ни холис деб бўлмаса-да, унинг ҳикоясидаги барча далилларни синчилаб ўрганиш Маҳмуд Торобийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини энг умумий тарзда тасаввур этиш имконини беради.

Маҳмуд Торобий таълимотида янги қонун-қоидалар йўқ эди, лекин шунга қарамай, равшанки, бу таълимот оддий ҳалқ тушунадиган шаклда бўлиб, шу ҳалқ манфаатига қаратилган, яъни унинг бош мақсади Бухорода чингизийлар истибодига барҳам беришдан иборат эди. Қўзғолончилар «буюк Ясо» асосидаги мўғул давлати ва арконига қарши чиққанлар. **Ҳалқ қўзғолонининг асосий шиори «истилочилар ҳокимияти йўқолсин» деган ягона маънони ифодалар эди.**

Маҳмуд Торобий ўз олдига чинги-

зийлар ҳокимиятини йўқ қилиш ва «оламни» кўчманчи-истилочилар исканжасидан озод этишдек муҳим сиёсий вазифани қўяди. Бу курашда у ёлғиз эмас, тарафдорлари беҳисоб эди. Маҳмуд Торобий Бухорода эски, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ замонасидаги тартибларни жорий этмоқчи бўлган. У ўзини бекорга «султон» деб эълон қилган эмас. Шуниси қизиқки, ортидан эргашган ҳалойиқ уни «яхши султон» деб атаган. Дарвоқе, бу даврда ҳалқ оммаси ҳокимиятнинг подшоликдан бўлак шаклини таклиф этиши мумкин эмасди ҳам.

Маҳмуд Торобийнинг опаси қўзғолоннинг фаол иширокчиларидан бири бўлган. У Маҳмуд Торобийнинг ҳамфирлари, тарафдорлари орасида ўзининг мардлиги, куч-ғайрати билан алоҳида ажralиб туради. Торобий қўзғолони тадқиқотчилари (жумладан, профессор А.Якубовский ҳам) қўзғолончилар бошлигининг опаси ҳақидаги Жувайний маълумотларига етарли эътибор берма-



ганлар. Бинобарин, Жувайний бу аёлга жиддий эътибор беради, унинг укаси ва унинг атрофидагиларга ўтказган таъсирини алоҳида таъкидлайди. Таассуфки, Жувайний Маҳмуд Торобий опасининг отини айтмайди. Аммо унинг мўъжаз ҳикояси мўғул истибодига қарши озодлик учун олиб борилган курашда бу аёлнинг фаол иштирок этганини кўрсатади.

Жувайнийнинг гувоҳлик беришича, Маҳмуд Торобийнинг опаси ҳалқ табобатини яхши билган. У табобат билан шуғулланиб, кўпдан-кўп bemорларни даволаган, ҳалқ орасида катта обрў қозонган. Қўзголондан анча олдин бу аёл укаси Маҳмудга ҳам табобат сирларини ўргатган, шундан сўнг bemорлар Маҳмудга ҳам мурожаат қила бошлаганлар. Айтиш мумкинки, Маҳмуд Торобий табиблик хунаридан ҳам ҳалқни мўғуллар истибодига қарши қурашга тайёрлаш, ўзининг озодлик ва мустақиллик қарашларини тарғиб қилиш учун кенг фойдаланган бўлиши мумкин.

Маҳмуд Торобий сафдошлари орасида ақоид илми олими Шамсиддин Маҳбубий бирмунча ёрқин, йирик сиймо эди. У Маҳмуд Торобийнинг озодлик ғоясини фаол қўллаб-қувватлади. Маҳмуд Торобий ҳаракатининг муваффақияти кўп жиҳатдан Шамсиддин Маҳбубий номи билан боғлиқ. Шамсиддин Маҳбубий шариат ақидаларига асосланган анъанавий ислом ҳокимияти қудратини яхши биларди. Мовароуннаҳр ва Хурросонда зўрлаб қабул қилдирилган «Буюк Ясоқ» ҳукмронлиги даврида мусулмон дини ғояларидан қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эди.

Маҳмуд Торобийнинг Шамсиддин Маҳбубий билан танишиб, у билан ҳамкорлик қилиши қўзғолон йўлбошчиси учун янгидан-янги имкониятларни очиб берди: Маҳмуд Торобийнинг озод ҳаёт ҳақидаги фикри қуролли курашни бошлаш керак, деган қатъий қарорга айланди. «Бухорода, – деб ёзади Жувайний, – ўз насл-насаби ҳам фазлу камоли билан маълум ва машҳур бир олим киши бў-

либ, лақаби Шамсиддин Маҳбубий эрди. Бухоро имомларини хуш кўрмаслиги баҳона сабаб бўлиб, ана шу зот ул нодоннинг (Маҳмуд Торобийнинг) телба ишларига бош қўшиди, унинг издошлари сафидан жой олди. Шул зот ўшал бидъатчига (Маҳмудга) «Менинг падари бузрукворим ҳикоя қилар эдиларким, аллақайси китобда ёзилишича, Бухоро Торобидин бир мард ҳоким чиқиб, дунёни обод этар экан. Ул киши ул марднинг белгию нишоналарини ҳам айтиб эдилар. Ана шу белгию нишоналарни мен сизда кўрадурмен», – деган экан. Ул беақл бидъатчи бу алдов таъсиринда янада талтайиб кетмишdir».



Торобий ташибиқоти кенг қулоч ёйди, унинг халқ оммаси орасида обрў-эътибори ошиб кетди. Бухоронинг ҳоким доиралари ҳам Торобий фаолиятига эътиборни қаратдилар. Шаҳар зодагонлари, айниқса, маҳаллий садрлар назарида Торобий исёнчи, жуда хавфли ва ёмон одам бўлиб кўринди.

Бинобарин, Маҳмуд Торобий издошлари ва тарафдорлари сони кун сайин ортиб борди. Ўзларининг озод кунларини унумтмаган, Малик Санжар ва бошқа ватанпарварлар олиб борган курашларни хотиравсида сақлаб юрган эркесвар дехқонлару хунармандлар ота-боболар тупроғини мўғул босқинчиларидан тозалаш ва зўравонлигу хўрлашларга қарши курашга чорловчи дъватларга лаббай деб жавоб беришга тайёр эдилар. Маҳмуд Торобий ва унинг тарафдорлари гоялари мўғул хукмдорларига ҳам маълум бўлди. Мўғул босқоқлари, амирлар, садрлар халқ тўлқинини тинчлантириш чоралари хусусида кенгаша бошладилар. Улар Хўжандга, мўғул ноиби Маҳмуд Ялавочга чопар юбориб, уни Бухорода юзага келган хавфли вазиятдан огох этдилар. Хукмрон доиралар – амирлар, садрлар, мўғул босқоқлари Маҳмуд Торобийга, унинг беҳисоб тарафдорларига очиқдан-очиқ қарши чиқишга қўрқдилар. Улар халқ қаршисида ожиз эдилар, шу боисдан халқ раҳнамоси – Маҳмуд Торобийни айёрлик билан қўлга тушириш режасини тузадилар.

«(Амирлар ва босқоқлар) Торобга қараб йўлга чиқдилар, – деб ёзди Жувайнин, – ва (Маҳмуддан) Бухорога бориб, шаҳарнинг зеби (файзи) бўлмоқни, унда ўз қароргоҳини бунёд этмоқни илтимос қилдилар, мақсадлари (у) Вазидон кўпригига етганда, тўсатдан ўқ ёғдириб (уни) ўлдириш эди». Лекин Маҳмуд душманларининг муддаосини пайқаб қола-



ди. Шунга қарамасдан, вазиятни бой бермаслик учун ўз издошларидан катта бир гуруҳи ҳамроҳлигида Бухорога отланади, бойдоқ (мўғуллар отряди, бу ерда карвон маъносида)да укалари, опаси, Шамсиддин Маҳбубий ҳам бор эди. Бойдоқ Вазидон кўпригига етганда, Маҳмуд таҳдид солаётган хавфни бартараф этади: амшо ва босқоқлардан ўз ниятларидан қайтиб, итоат этишни талаб қиласди. Жувайнин ёзади: «Йўлга тушгач, (Маҳмуд) мўғуллар бойдогининг нияти бузилганини пайқади. Улар Сарипулга яқинлашгандарида (Маҳмуд) бойдоқ бошлиғи бўлган Тамшога қараб: «Бу ёмон аҳдингдан қайт, йўқса, қўл теккизмасдан туриб, бу ёруғ дунёни кўриб турган кўзларингни ўйиб оламан», – деди. Унинг гапини эшитган мўғуллар: «Равшанки, бизнинг ниятимиздан ҳеч ким уни воқиф этгани йўқ. Наҳотки унинг ҳамма гаплари тўғри чиқса?» – дедилар. (Мўғуллар) қўрқиб, унга (ҳеч қандай) ёмонлик қилмадилар».

Маҳмуд Торобий одамлари билан шаҳарга кириб келади. Ўз раҳнамосини кутиб турган халқ унга олқишлиар билан пешвоз чиқади. Шуниси диққатга сазоворки, Маҳмуд Торобий шу заҳотиёқ Малик Санжар саройига йўл олади. Маҳмуд Торобий Малик Санжар саройини ўз қароргоҳи деб эълон қиласди, бу бежиз эмас эди. Шубҳасиз, унинг сиёсий мақсади бор эди. Маҳмуд Торобий – бу билан ўзини Малик Санжар ишининг давомчиси қилиб кўрсатмоқчи бўлади.

Бухоро қўлга киритилганидан сўнг Торобий ҳаракати кенг қулоч ёйди. «У қадам қўйган маҳаллаю бозорлар, – деб ёзади Жувайний, – шундай тирбанд бўлиб кетдики, ҳатто мушук ҳам юролмай қолди. Одамлар ундан оқ фотиҳа олмай ортига қайтмас эдилар».


Айни пайтда Бухоро шаҳрининг зодагонлари халқ раҳнамосини бир ёқлик қилиш чорасини излар эдилар. «Шаҳар садрлари, амирлару бойлар сиртдан унга (Маҳмудга) ҳурмату эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қиласар, зимдан эса, авомнинг қўли устун келаётганини кўриб қулай йўл топиб, Маҳмудни ўлдирмоқ пайида бўлар эдилар. (Маҳмуд) издошлиаридан бир киши уни нокас кимсалар ниятидан воқиф этди. Маҳмуд шу заҳотиёқ шаҳар дарвозаларидан биридан яширин равишда чиқиб, дарвозага бойланган отлардан бирига миниб, шаҳарни тарк этди», – деб ёзади «Тарихи жаҳонгушоҳ» китобининг муаллифи Атомалик Жувайний.

Маҳмуд Торобий шаҳардан чиқиб, шимолда жойлашган Абу Ҳафз тепалигида тўхтайди. Садрлар, амирлар, мўғул босқоқлари Маҳмуд Торобийни шаҳардаги оломон ичидан узоқ ахтардилар, лекин уни тополмайдилар. Торобийнинг қочиб кетганидан хабар топган зодагонлар халқ йўлбошчисини тутиб келиш учун мўғул отлиқларини жўнатадилар. Мўғул отлиқлари Маҳмуд Торобийни тасодифан Абу Ҳафз тепалигида беҳисоб оломон ичида кўриб қоладилар. У билан тўқнашувга жазм этолмаган отлиқлар шаҳарга қайтадилар ва бундан амиру босқоқларни хабардор қиласадилар.

Маҳмуд Торобий то Хўжанддан Бухорога, мўғул босқоқларига ёрдам бериш учун амир Маҳмуд Ялавочнинг қўшимча ёрдам кучлари келмаган экан, вақтни қўлдан бой бермай қуролли қўзғолон қилиш лозимлигини англаш етган эди. У билар эдик, халқ жангта тайёр,

унинг ҳар бир сўзини илҳақ бўлиб кутиб турибди. Жувайнининг эътироф этишича: «авом халқ Ҳожа (яъни, Маҳмуд) бир ишора қилиши билан Абу Ҳафз тепалигига учиб чиқди ва шу заҳоти каттаю кичикнинг қўлидан идораи ихтиёр жилови тушиб, одамлар гурас – гурас бўлиб чўлга, яланг тепага қараб оқа бошладилар, унинг ҳузурига келиб издиҳом пайдо этдилар, тинмай қий-чув солар эдилар».

Жувайнин давом этади: «Шом намози вақти бўлиб қолди, шунда Маҳмуд халқа қараб: «Эй, адолат ҳомийлари! Яна нимани кутиб турибсиз?! Оламни кофирлардан тозалаш даркор! Ҳар ким топган қурол-аслаҳани, сўйил-чўқморни ишга солсин!», – деди».



Маҳмуд Торобий нутқи халқни жунбишга келтириб юборди, Бухоро атрофларидан одамлар гурас-турас келиб, унинг сафига қўшила бошладилар.

Бирпасда лак-лак лашкар тўпланди, бу лашкар ёмон қуролланган бўлса-да, лекин **она тупроқни келгинди истилочилардан тозалашга катъий бел боғлаган ватанпарвар кишилар эди**.

Маҳмуд Торобий беҳисоб лашкар билан яна Бухорога кириб келди, бу сафар Робиа саройига тушди. Амирлар, мўғул босқоқлари ва олий мартабали дин арбоблари исёнчиларга ён беришга мажбур бўлдилар. Бухоро ва унинг атрофлари Маҳмуд Торобий ҳамда унинг тарафдорлари назоратига ўтди. Шаҳардаги мўғул бойдоқлари ғалаёнчиларга зарба беришга журъат этолмадилар. Аммо амирлару садрлар жангта маҳфий тайёргарлик кўрар эдилар.

Маҳмуд Торобий вақтни бой бермай ўз режаларини амалга оширишга киришди. У Робиа саройига садрларни, аъёнларни, олий мансабли дин арбобларини, шаҳар акобирларини чорлаб, ўзини халифа деб эълон қилишларини талаб этди. Халқ тамоман Маҳмуд тарафида бўлгани туфайли дин арбоблари унинг талабини бажо келтиришга мажбур эдилар. Шаҳарнинг бош масжидида Маҳмуднинг номи хутбага қўшиб ўқилди ва у халифа деб эълон қилинди. Бош садр Бурхониддин Маҳмуд Торобийнинг талабига биноан Шамсиддин Маҳбубийни шаҳар садри этиб тайинлади. Шу тариқа Маҳмуд Торобий Бухоро ва унинг атрофларида ўз ҳокимиятини ўрнатади, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни қўлга олади.

Ўзини тўла ҳуқуқли ҳоким деб эълон қилган Маҳмуд Торобий, асосан шаҳар акобирларига қарши қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширишга киришади. Амирларни, мўғул босқоқларини, доруғаларни, садрларни, ҳукмрон табақанинг бошқа вакилларини шаҳардан қувиб чиқаради. У қўпдан-кўп бойларни, мансабдору йирик дин арбобларини,

амалдорларни, мўғул босқоқларини қатл этади. Жувайнининг ёзишича, «акобиру бою баёнларни ҳақорат қиласи, шармандини чиқаради, баъзиларини эса ўлдиради, бир қисми қочиб қутилади. Оддий халқа, дарбадарларга эса марҳамат кўрсатади».

Маҳмуд Торобий дин пешволарига ўз номини султон сифатида хутбага қўшиб ўқитади. «Халифа», «Султон» унвонларини жорий этиш билан Маҳмуд Торобий Бухоро бундан буён мустақил эканлигини, мўғул хонларига итоат қилмаслигини таъкидлайди.

Маҳмуд Торобий ўз издошларидан кичик бир қисмини бўлса ҳам, қуроляроғ билан таъминламай туриб, пухта қуролланган мўғул навкарларига қарши муваффақиятли жанг қилиб бўлмаслигини яхши тушунар эди. Бир оз муддат ўтиб, исёнчиларнинг маълум қисми қуролланди. Маҳмуд одамларни ўзининг «самовий маҳфий қўшини» – яъни жинлар қўзғолонда мадад беришига ишонтиради. Жувайнин ошкора ғараз билан ёзадики, (Маҳмуд) «Менинг лашкарим икки қисмдан иборат: бири – Одам Ато наслидан, у кўзга кўринади, иккинчиси – самовий кучлардан иборат; ҳавода учадиган ва ерда юрадиган жинлар тўдаси. Энди мен бу кучларни сизлар учун ҳам топаман: сўзларим ростлигини билиш учун осмонга ва ерга боқинглар», дейди. (Маҳмуднинг) яқин кишилари ҳамда издошлари осмонга қарайдилар. Шунда у: «Мана бу ерда улар яшил либосда, худди шу жойнинг ўзида оқ кўйлакда учиб юрибдилар», деди. Оддий халқ унинг гапларига ишонади... у яна: «Оллоҳ таоло бизга ғойибдан қурол ҳам беради», дейди. Худди шу аснода Шероз тарафдан аллақандай бир савдогар тўртта эшакка ортилган қилич олиб келиб қолади. Ана шу воқеадан сўнг оддий халқ ғалабага асло шубҳа қилмай, жангга киради».

Маҳмуд Торобий энг машақкатли кунлар ҳали олдинда эканлигини яхши биларди. Яқин орада Маҳмуд Ялавоч бошлигигида Хўжанддан беҳисоб мўғул босқоқлари Бухорога келишига ақли

етарди. У яна шуни биладики, шаҳардан қочган Бухоронинг «улуг зотлари» қаршилик кўрсатиши тўхтатмайдилар, қандай қилиб бўлса ҳам бой берилган ҳо-кимиятни қайтариб олишга уринадилар. Дарҳақиқат, шаҳардан қочган амирлар, босқоқлар, садрлар Карманада шошилинч куч тўплаб, мўғул босқоқларини ишга солиб, жангга ҳозирлик кўрар эдилар.

Юзага келган вазиятни тушуниб, исёнчилар йўлбошчиси мўғуллар билан бўла-диган навбатдаги курашга тайёрланади. Шаҳар ташқарисида лашкаргоҳ барпо этиш учун бойлардан чодиру гиламлар ва бошқа нарсаларни тортиб олишни буюрди. Шу тариқа тез фурсатда исёнчиларнинг кўпдан-кўп чодирлари қад ростлади. Кўзғолоннинг бутун мамлакатта ёйилиш хавфи туғилди. Айни

пайтда мўғуллар Бухорога кирадилар. «Тарихи жаҳонгушой» муаллифининг ёзишича, «(Амирлар, садрлар) Бухорога йўл олдилар, (Махмуд) ҳам жангга тайёрланди ва душман қўшинларига қарши кўйлак-иштонли (совутсиз) бозорчиларни эргаштириб чиқди».

Икки томон кўшинлари чўлда бир-бирларига юзма-юз туриб саф тортади. Кўп ўтмай, қўзғолончилар билан сон-саноқсиз мўғул босқоқлари ўртасида қонли жанг рўй беради. Исёнчилар яхши уюшган эдилар, улар мардона, фидокорона жант қиласидилар. Махмуд Торобий билан Шамсиддин Маҳбубий жант айни қизғин тус олган жойда ҳозир бўлардилар. Жангда исёнчилар ғалаба қозонадилар. Мўғуллар ва маҳаллий бойлар



мағлубиятта учраб, Карманага қараб қочади. Исёнчилар уларни то Карманагача қувиб борадилар ва чекинаётган мўғул қўшинларининг кўпчилиги қириб ташланади.

Бу қонли тўқнашувда ҳар иккала томондан ўн минг одам ўлади. Қўзғолончилар ғалабаси Бухорода ва унинг атрофларида ҳокимият ҳалқ қўлига ўтганидан далолат берар эди. Аммо қўзғолончиларнинг муҳим ғалабаси ҳаракат раҳнамоси – Маҳмуд Торобий ҳаётини бой бериш эвазига келади. Кармана яқинидаги қаттиқ олишувда исёнчилар раҳнамоси мўғул жангчиларининг бир дайди ўқи туфайли жон беради. Ҳудди шу жангда Маҳмуднинг дўсти, фаол курашчи ва йўлбошчи Шамсиддин Маҳбубий ҳам ҳалок бўлади. Лекин буни на душман томон, на қўзғолончиларнинг ўzlари ҳам сезадилар. Жанг давом этади.

Ғалабадан сўнг қўзғолончилар Бухорога қайтиб келадилар ва шундагина Маҳмуд Торобийдан жудо бўлганларини биладилар. Маҳмуднинг сафдошлири марҳумни кўзга кўринмас «авлиё» деб атайдилар, Хожамиз (яъни, Маҳмуд Торобий) ҳадемай яна пайдо бўладилар, – деб ишонадилар.

Қўзғолончилар Маҳмуд Торобий ўрнига унинг икки укасини – қўзғолонда фаол қатнашган Муҳаммад билан Алини бошлиқ қилиб кўтарадилар. Маҳмуднинг укалари ҳақида гап кетар экан, шуни айтиш лозимки, тарихий адабиётларда Муҳаммад билан Али, Маҳмуд Торобийдан фарқли ўлароқ, етарли тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмаганлар, деган фикр ҳукм суради. Қўзғолон тарихини ёзган тадқиқотчилар ҳам Маҳмуд Торобийнинг укалари ҳалқ орасида у қадар обрў-эътиборга эга бўлмаганлар, деган тахминга мойиллик билдирадилар.

Лекин муаррихларнинг Муҳаммад билан Алига берган салбий баҳолари аниқлик киритишни талааб қиласи. Маҳмуд Торобий укаларининг қўзғолонда тутган ўрнини аниқлаш учун муаррих Жувай-



ний маълумотларини синчиклаб таҳлил қилиш баробарида, қўзғолоннинг боришини диққат билан кузатиш лозим бўлади. «Авом ва дарбадарлар, – деб ёзади Жувайнай. Муҳаммад билан Алини ўzlарига бошлиқ қилиб, талон-тарожга киришиб кетдилар». Қўзғолончиларнинг шаҳарни эгаллаб олиши, сон-саноқсиз, пухта қуролланган мўғул босқоқларини Карманада тор-мор келтириши, хуллас, қўзғолоннинг муайян ғалабаси Маҳмуд Торобий ҳамда торобийчилар, хусусан, унинг укалари – Муҳаммад билан Али лозим пайтда ўз кучларини жангта тез ва пухта ҳозирлай олиш қобилиятига эга бўлганликларидан дарак бериб турибди. Зоро, улар ташкилотчилик иқтидоридан маҳрум бўлмаганлар. Исёнчилар уларни ўzlарига бошлиқ қилиб бежиз кўтартмаганлар. Аввало, шу нарса сир эмаски, қадим-қадимлардан буён ҳокимият насланд-наслуга ўтиб келган. Зотан, Муҳаммад билан Алини Торобий ўрнига бошлиқ

қилиб құтарилиши анъанавий, одатий ҳол бўлган. Дехқонлару ҳунармандлар ана шу одатта риоя қилганлар. Қолаверса, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Ҳаракат тарихига оид далилларга кўра, Муҳаммад ҳам, Али ҳам йўлбошчилик иқтидори — мардлик, жасурлик, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган. Демак, исёнчилар Муҳаммадга ҳам, Алига ҳам қатъиятли, ботир, тажрибали раҳнамо сифатида ишонгандар.

Шу нарса аёнки, қўзғолон мобайнида қўлга киритилган яхши натижалар Муҳаммад билан Али учун битмас-туганмас тажриба манбаи бўлган. Улар ҳаётий тажрибаларига суюниб, амалий ишга ўтадилар. Жувайнининг айтишича, Маҳмуд бошлаган ишни давом эттирадилар, навбатдаги курашга тайёргарлик кўрадилар. Улар аввало маҳаллий феодаллар билан курашадилар, уларнинг мол-мулкларини тортиб олиб, бева-бечораларга бўлиб берадилар. Жувайнин уларнинг бу ҳаракатини қоралаб, «дарҳол талон-тарожга киришиб кетдилар», деб ёзганида ана шу курашга муносабат билдирган эди.

Афсуски, Муҳаммад билан Али Маҳмуд Торобий бошлаган ишни поёнига етказа олишмади. Қўзғолоннинг кенг ёйилиши, Бухоро билан Кармананинг исёнчилар томонидан эгаллаб олиниши ҳукмдорларни, айниқса, садрларни қаттиқ қўрқитиб юборди. Таҳликаға тушиб қолган ҳокимлар, акобирлар, шаҳар аъёнлари шошилинч чоралар кўра бошлайдилар, лак-лак лашкар тўплайдилар.

Ўқтой бошлиқ марказий аркони давлат ҳам, улус хони Чигатойхон ҳам, Мовароуннаҳр ҳокими — ноиб Маҳмуд Ялавоч ҳам, Бухоро садрлари ҳам — ҳаммаси бир бўлиб, бундан буён қўзғолоннинг Мовароуннаҳр ерларида аланга олмаслиги учун энг зарур тадбирларни белгилайдилар.

Бухорода Элдиз нўён ва Чаған Қўрчи бошчилигида янги, тиш-тироғигача қуролланган мўғулларнинг жазоловчи босқоқлари пайдо бўлади. Аммо қўзғо-

лончилар чекинмайдилар. Жувайнин таъбирига кўра, «Бу бидъатчилар (яъни, Муҳаммад билан Али) яна ўз издошларини эргаштириб даштга чиқадилар ва қурол-яроқсиз ҳолда жанг қилиш учун саф тортадилар».

Исёнчилар билан мўғул босқоқлари ўртасида қонли, шиддатли жанг бўлади. Кўп ўтмай, Муҳаммад билан Али жангда шаҳид бўлишади. Қўзғолончилар раҳнамосиз қолиб, аҳвол ёмонлашади. Лекин улар бўш келмайдилар. Охиригача ғайрат-шижоат билан жанг қиласидилар. Қурол-яроқсиз ҳалқ катта талафот кўради. Жангда улар йигирма минг одам йўқтадилар. Шубҳасизки, мўғуллар ҳам улардан кам талафот кўрмайдилар. Шу тариқа элакчи Маҳмуд Торобий бошлаб берган ҳалқ қўзғолони мағлубиятта юз тутади. Қўзғолоннинг қолган иштирокчиларини мўғул қўшинлари асир оладилар. Бухоро ва унинг атрофлари яна мўғул саркардалари, амирлари қўлига ўтади. Амирлар бошлиқ мўғул босқоқлари ғазаб отига миниб, Бухорони тамом вайрон этмоқчи, одамларини битта қўймай қириб ташлаб, бу вилоятни йилқи боқадиган яйловга айлантироқчи бўладилар. Аммо Хўжанддан етиб келган Маҳмуд Ялавоч мўғул жангчиларининг Бухорода қатли ом ва ялпи қирғин ўтказишига йўл қўймайди.

Бухоро ҳалқ қўзғолони бостирилгандан сўнг Чигатойхон буюк давлат қонунига хилоф равища ўзбошимчалик билан, улуғ ҳоқон Ўқтой билан келишмасдан Маҳмуд Ялавочни ноиблик мансабидан четлатади. Ўрнига ўз гумаштасини қўяди. Маҳмуд Ялавоч улуғ ҳоқон Ўқтойга Чигатойхон устидан арз қилиб, улус хони ўзини ҳокимиятдан ноҳақ четлатганини айтади. Чигатойхон ҳоқоннинг сўровига жавобан узрнома юборади. Ўқтой ҳоқон Чигатойхоннинг жавобномасини олгач, Мовароуннаҳрни унга ҳадя этади. Шу билан бирга у Маҳмуд Ялавочни Қорақурумга, ўз ҳузурига таклиф этади. Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрни тарк этиб, улуғ ҳоқон вазирлигини бўйнига

олади. Айни пайтда ҳоқон хазинабонига котиблик ҳам қиласи.

Үтган асрнинг 30-йилларида профессор А.Якубовский Маҳмуд

Торобий ҳаракатининг оқибатлари хусусида фикр юритиб: «Афсуски, билимларимизнинг ҳозирги босқичида, Маҳмуд Торобий қўзғолони мўғулларга қадар вужудга келган дехқон ва ҳунарманделарни эзиш шаклларини бир оз бўлса ҳам юмшатдими, деган саволга жавоб бериш мумкин эмас», деб ёзди.

Шубҳасиз, үтган давр ичида Чингизхон асос солган мўғуллар давлати тарихини ўрганиш борасида муайян ютуқларга эришилди. XIII—XIV асрларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихига оид кўп муаммоларга аниқлик киритилди. Ана шу далилларга суюнган ҳолда айтиш керакки, Маҳмуд Торобий раҳбарлигидаги ҳалқ қўзғолони Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига таъсир қўрсатган. Аввало, қўзғолон оқибатида чингизийлар мамлакатни бевосита ўзлари идора қилишга ўтадилар – Маҳмуд Ялавоч мўғул ҳоқонининг ноиби вазифасидан четлатилади. Айни пайт-

да шунга эътибор бериш керакки, Ўқтой ҳоқон Чингизхоннинг розилиги билан Маҳмуд Ялавочнинг ўрнига унинг ўғлини, узоқни кўзлайдиган сиёсатчи ҳамда иирик ислоҳотчи бўлган Масъудбекни тайинлайди.

Муғуллар замонидаги Мовароунаҳрнинг иқтисодий ҳаёти ҳақида гап кетар экан, танга пуллар ҳақида илмга оид далиллар асосида шуни айтиш мумкинки, қўзғолон босилиши билан оқ бу соҳада ҳам айрим ўзгаришлар рўй берган. Е. Давидович ўзининг «Мўғуллар истилосидан кейинги Ўтра Осиёнинг пул хўжалиги ва XIII асрдаги Масъудбек ислоҳоти» номли рисоласида тангаларга оид далиллар таҳлилидан сўнг шундай муҳим холосага келади: «Мўғуллар қўзғолончиларни жуда қийинчилик билан бостирадилар. Худди ана шу қўзғолондан сўнг Бухорода кумуш суви югуртирилган мис тангалар – дирҳамлар (1239–40 йиллар) чиқарилганки, буни тасодифий ҳол деб бўлмайди. Афтидан, олдинги пуллар қадрсизланган бўлса керакки, қадри йўқолган тангалар ўрнига бошқа, янги тангалар чиқариш зарурати туғилган. Қўзғолоннинг кенг ёйилиши ва кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларнинг алмаштирилиши осойишталиқдан дарак бермас эди.



Торобий қўзғолони бостирилгандан сўнг мўғул хонларининг айрим ён беришлардан кўзлаган муддаоси – халқ норозилигини бир оз бўлса-да пасайтиришга қаратилган эди. Айни пайтда бу ён беришлар, марҳаматлару меҳру шафқатлардан кўзда тутилган асосий мақсад – Ўқтой хоқон бошчилигидаги марказий ҳокимиятни ҳамда аркони давлатни мустаҳкамлаб олишдан иборат эди. Албатта, бу тадбирлари ўз навбатида, ҳукмрон табақанинг халқ ғазабидан, унинг жунбишга келиб, исён кўтаришидан қўрқишини ҳам кўрсатар эди.

Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилочиларга қарши мазкур халқ озодлик кураши муҳим тарихий аҳамиятта эгадир. Турган гапки, Торобий бошлиқ исёнчилар ҳокимиятни ўз қўлларида тутиб туролмадилар. Маҳмуд Торобий ўз олдига қўйган сиёсий мақсадга эришолмади; негаки, бунинг учун ҳали тарихий шарт-шароит пишиб етилмаган эди. Гарчанд, Торобий қўзғолони у қадар узоқ давом этмаган бўлса-да, ўз табиати ва куч-кудрати жиҳатидан XIII асрдаги Ўрта Осиё халқларининг мустақиллик учун кураши тарихида алоҳида ўрин тутади.

Меҳнаткаш омма бу курашда катта саботу матонат кўрсатди, мардлигини, куч-ғайратини, жасоратини, эркеварлик табиатини намойиш этди. Бундай озод-

лик ҳаракатининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бой-феодаллар истибодидан озод бўлиш, ҳақ-сизлик-ҳуқуқсизликка қарши кураш, қарамлик сиёсатига қарши бош кўтариш жараёнида турли этник жамоаларнинг, қабилаю уругларнинг ҳаракатларида бирдамлик вужудга келади, қўзғолонлар эса бу бирдамлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

Маҳмуд Торобий бўронли, шу билан бирга замондошларини ҳайратга соглан шарафли ҳаётини ўз халқининг мустақиллиги учун, истилочилар ва маҳаллий ҳокимлар зулмидан озод бўлиши учун фидо қилди. Торобий йўлбошчилигидаги қўзғолон халқимизни қуллик, қарамлик асоратига солувчи хорижий истилочиларга қарши олиб борилган озодлик кураши тарихида шунинг учун ҳам ёрқин, ўчмас из қолдириди, унинг тарафдорлари, салафлари (Шамсиддин Маҳбубий, опаси, укалари Мухаммад билан Али) мўғул истилочилари зулми остида эзилган, топталган, хору зор этилган халқни ҳимоя қилиб чиқдилар. Худди ана шу фазилати учун ҳам бу қўзғолон муҳим тарихий воқеа сифатида Ватанимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилмоғи лозим.¹



¹Лўқмон Бойматовнинг мазкур мақоласи рус тилидан Сулаймон Раҳмон таржимаси асосида «Ёшлиқ» журналининг 1989 йил № 1-2 сонларида чоп этилган. Мақола китоб-альбом муаллифлари томонидан қисқартириб берилди. «Восстание Махмуда Тараби» рисоласи эса Душанбе шаҳрида, «Дониш» нашриётида 2011 йилда чоп этилган.

МАВЛОНО ШАМСИДДИН АЛ МАҲБУБИЙ АЛ БУХОРИЙ¹

Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий ал Бухорий – буюк фақиҳ, валиюллоҳ, тарбиячи, саркарда, ватанпарвар зот бўлган. Мавлоно Бухоро шаҳрининг Самарқанд дарвозаси ташқарисидаги Нов қишлоғида туғилгандар. Абулҳай Лакнавийнинг ёзишича, Мавлоно Шамсиддин илмни отаси Мавлоно Жалолиддин Убайдуллоҳдан ўрганиб, ўз даврининг улуғ алломаси даражасига етган. Мавлоно Шамсиддин усул илмининг билимдони бўлиб, ул зот қаламига мансуб «Таҳқиқул фуруқ» китоби машҳур. Мавлоно Шамсиддиннинг отаси Мавлоно Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад Жалолиддин Маҳбубий (1146 – ?) пайғамбаримиз с.а.в.нинг саҳбалари Убода бин Сомит р.а. авлодларидан ҳисобланади. «Жомеъус сағир», «Китобул фуруқ» каби асарларни ёзган.²

«Тарихи Муллозода» китобида ёзилишича, Шамсиддин Маҳбубийнинг бобоси улуғ Садр Бурхон ал миллат вад дин Абдалазиз бин Умар ал Мозий эди. Маълумки, Чингизхон 1220 йилда катта қўшин билан келиб, Бухорони босиб олди. Минглаб бухороликлар ўлдирилди, обидалар вайрон этилди. Чингизийлар зулмига қарши 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий раҳбарлигига исён кўтарилиди. Ушбу жангда Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ҳам иштирок қилди. Ҳазрат Маҳбубийнинг эл орасида обрўси ғоят баланд эди. Шу боис Маҳмуд Торо-

бий ҳазратларини ўзига пир билиб, шу кишининг кўмакларида бутун аҳолини мўгул-татар галаларига қарши қўзгатди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Маҳмуд Торобий атрофида йиғилганлар Бухоро шаҳрини мўгул-татар босқинчиларидан тозаладилар. Муғуллар ушбу жангда енгилиб, Карманага қараб қочади. Жумъа намозида хутбада Маҳмуд Торобий номи зикр этилади ва Шамсиддин ал Маҳбубий Садр-уш Шария деб аталади. Қоидага кўра жумъа кунидаги хутбада подшоҳ номи тилга олинади. Демак, эл Бухоро ҳукмдори деб Маҳмуд Торобийни, дину диёнат бўйича ўзининг раҳбари деб Маҳбубийни расман тан олган. Лекин Хўжанддан Маҳмуд Ялавоч катта қўшин билан келади ва ўртада қаттиқ жанг бошланади, ушбу жангда Маҳмуд Торобий ҳам, Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий ҳам шаҳид бўладилар. Мавлоно Шамсиддиннинг жасадлари Чашмаи Аюб ёнидаги Шаръобод мозорига, яъни ўз ота-боболари қабри ёнига дафн қилинади.

Н.Йўлдошев, П.Ражабовларнинг «Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ал Бухорий» номли рисолалари «Бухоро» нашриётида 2001 йил чоп этилди. Бухоро шаҳридаги Янги Ер қўчасида Шамсиддин Маҳбубий номларига масжид бино этилди.

¹ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: «Наврӯз» нашриёти, 2015.

² Самъоний. «Ал Ансоб». – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1999.

* * *

Бухоролик маълум ва машҳур донишмандлардан бири Шамсиддин Маҳбубий ал Бухорий бутун умри давомида муғул босқинчиларига ва уларга сотилган айрим диндорларга ҳамда маҳаллий бойларга мамлакат истиқоли ва равнақи учун узоқ йиллар давомида гоҳо пинҳоний гоҳида очиқ кураш олиб боради.¹

Шамсиддин Маҳбубийнинг авлодлари донишманд ва ислом динининг садрларидан бўлиб, XII асрдаги садрларнинг биринчи намояндаларидан Бухоро шаҳрининг раислари ва имомлари бўлган Бурхониддинхон хонадонига мансубдир.

Муллозоданинг асарига қараганда, Бурхон (далил, гувоҳ, хужжат)лар авлодига мансуб кишилар садри жаҳон деб аталган улуғ унвонларга эга бўлган. Бу династияни ташкил этган улуғ садр Бурхон ал миллат ва дин бўлиб, уларнинг номлари Абдулазиз бинни Умар ал-Мозийдир.

Бухордан тахминан уч фарсах (20–25 км) шимолида Тороб қишлоғида элакчи уста Маҳмуд Торобий яшар эди. Бу қишлоқдаги дехқонлар ва хунармандлар ўз йиғилишларида ўзларининг оғир ҳаётларидан шикоят қиласар эдилар. Мўғул босқинчилариغا қарши нутқлар сўзлар эдилар. Бу йиғилишларда Маҳмуд Торобий катта обрўга эга бўлиб, ҳалқнинг ишончини қозонган эди. Маҳмуд Торобий бутун ҳалқни муғулларга қарши кўтарилишга ва қуролланиб уларни мамлакатдан ҳайдашга даъват қиласар эди. Маҳмуд Торобийнинг тарафдорлари кун сайин кўпая боради. Ҳалқ қўзғолон кўтарилишга ишора берилишини кутиб туради. Мўғул маъмурлари ғалаённи тўхтатишга ва бошланган қўзғолонни раҳбарсиз қолдириш мақсадида Торобийни ҳийла билан ўлдирмоқчи бўладилар. Аммо уларнинг бу уринишлари муваффақиятсиз чиқади. Ўша даврнинг тарихчиси Жувайнийнинг ёзишича, мўғуллар Мовароуннаҳрдаги ноиблари

Маҳмуд Ялавочдан ёрдам сўрайдилар. Ялавочнинг саройи Хўжанд шаҳрида эди. У Маҳмуд Торобий исёнини бостиришга катта лашкар юборишига вайда беради. Торобий қўзғолон штабини Тороб қишлоғидан Бухорога кўчиради. У Торобийнинг яқин сафдошлидан ақоид олими Шамсиддин Маҳбубий билан учрашиб, уни қўзғолоннинг маънавий раҳбари этиб тайинлайди ва ўзига биринчи ноиб қилиб олади.

Шамсиддин Маҳбубий авом (оддий ҳалқ) орасида катта обрўга эга эди, чунки у дин ҳомийлари бўлган мутаасиб руҳонийларнинг юқори қатлами муғуллар билан ҳамкорлик қилгани, ўз ҳалқига хиёнат қилган сардорлардан норози эканлиги сабабли, Торобий бошчилигидаги ҳалқ исёнига хайриҳоҳлик билди-



¹Н.Йулдошев, П.Ражабов. Мавлоно Шамсиддин ал-Маҳбубий ал-Бухорий. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2001.

риб, шу исёнга бошчилик қилишни ўз зиммасига олади. Кейинроқ бу қўзғолоннинг маънавий раҳбарига айланади. Маҳмуд Торобий, Шамсиддин

Маҳбубий бошчиликларида шаҳар ва қишлоқлардан келган қўзғолон иштирокчилари билан кенгашлар ўтказдилар.

Бу кенгашда Ялавоч қўшинлари етиб келмай туриб, қўзғолон бошлишга қарор қилинади. Шаҳар ва қишлоқларни мўғул босқинчиларидан, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган айрим бойлар ва мутаасиблардан тозалаш учун курашга бутун меҳнаткаш аҳолини сафарбар қилиш, курашувчи мард ўғлонлардан катта лашкар тўплашга қарор қилинади.

Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий бошчилигидағи бу ҳаракат умум ҳалқ исёнига айланиб қолди. Бу ҳаракатда мустамлака зулмидан озод бўлиш ғояси билан ислом динининг соғлигини сақлаш (кофирлардан тозалаш) ниятлари бирлашиб кетган эди. Бу ҳаракатнинг қатнашчилари ва раҳбарларининг анча қисми диндорлар ва уларнинг раҳбарлари имомлар, машойихлар, сўфийлар эдилар. Қўзғолоннинг асосий шиори Бухорони кофир мўғуллар ва

маҳаллий бойлардан тозалаш, мамлакат мустақиллигини таъминлаш, илгаригидек илмга ва ислом динига эркинлик бериш, камбағалларга бойларнинг ва мўғуллар томонидан босиб олинган мол-мulkини тақсимлаб бериш, ҳалқ иқтисодий аҳволини яхшилашдан иборат эди. Шамсиддин Маҳбубий ҳам: «Отам ўзи ёзган китобида Торобдан буюк лашкарбоши чиқади, бутун дунёни забт этади. Маҳмуд Торобийнинг бутун ички ва ташқи қиёфаси отам баshoreт қилган ўша лашкарбошига ўхшайди, – деб айтган эди», дейди ва бу баshoreтга ҳалқни ишонтиришга ҳаракат қиласи.

Ўша вақтда қўзғолончилар томонига ўтган мунажжимлар ҳам осмондаги юлдузлар Маҳбубийнинг сўзларини тасдиқламоқда, деб тарғиб қила бошлидилар. Маҳмуд Торобий Бухорога келиб Санжар Малик номидаги саройга тушади. Буни билган мўғуллар уни ўлдириш пайига тушадилар. Торобий яширин эшикдан чиқиб, олдинроқ тайёрлаб қўйилган отта ўтириб Абу Ҳафс (ҳазрати Имом) қўргонига боради. Ўша жой қўзғолончиларнинг бош штабига айланиб қолган эди. Ва ўтказилган кенгашда қўзғолонни бошланганлиги эълон қилинди.



Халқ лашкари билан Бухорода мўғулларга қарши ҳужум қилинади. Мўғуллар бу жангларда мағлубиятга учраб, маҳаллий бойлар билан бирга Карманага қочиб кетишга мажбур бўладилар. Қўзғолончилар Бухорони эгаллайдилар. Малик Робиа номли саройда қўзғолончи халқ лашкарлари жойлашадилар. Иккинчи куни жума намозида Бухоро масжидларида хутба Маҳмуд Торобий номига ўқишиб, Шамсиiddин Маҳбубийни эса «Садр ал шариъай аввал» (Шариатнинг биринчи садри, бошлиғи) деб эълон қилинади. Шаҳар мўғуллардан тозаланади. Торобий ўз ҳузурига Бухоро бойларини йиғиб, бу кенгашда мўғуллар билан ҳамкорлик қилган ва қочиб кетган бойларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, камбағалларга тақсимланиши ҳақида фармон чиқаради. Шу пайтда қурол етишмас эди. Жувайнининг ёзишича, Торобий: «Қурол қўлингизда бўлади у осмондан бизга юборилади», – деб қўзғолончиларни ишонтиради. Ҳудди шу пайтда қурол билан савдо қиласиган савдогарлар карвони Шероздан Бухорога келади, шундай қилиб қўпгина қўзғолончилар турли уруш қуроллари билан таъминланадилар.

Қўзғолончилар Торобийнинг кароматларига ишонч ҳосил қилиб, мўғуллар билан жангларда мардонавор қураш олиб борадилар.

Бухородан қочиб кетган мўғуллар ва маҳаллий бойлар Карманада ҳарбий куч тўплай бошлайдилар. У ердан Бухорога ҳужум бошлайдилар. Торобий ва Маҳбубий қўзғолончи отрядларни бошида туриб душман қўшинларига бир неча қақшаткич зарбалар бера бошлайдилар. Қишлоқлардаги ҳалқ оммаси ойболта, кетмон, белкурак билан қуролланиб, қочаётган душманларга ҳужум қилиб тинчлик бермайдилар. Ўн мингга яқин мўғул қўшинлари бу урушда ҳалок бўладилар.

Бу ғалаба Маҳмуд Торобий қўзғолонининг энг юқори нуқтаси эди. Хўжанддан юборилган Маҳмуд Яловочнинг катта қўшини мўғулларга ёрдамга етиб келади. Яна қаттиқ жанглар бошланиб кетади. Бу жангларда душман қўли устун келиб, Маҳмуд Торобий ва Шамсиiddин Маҳбубий душманнинг камон ўқидан ҳалок бўладилар. Бу қўзғолон милодий йилнинг 1238 йилида бошланган.

Қўзғолоннинг ҳар иккала бошлиқлари бир вақтда ҳалок бўлишига сабаб шу эдик, улар, «бизларни Ҳудонинг ўзи асрайди», деб совут ва қалқон киймас эдилар.

Қўзғолончилар Маҳмуд Торобийнинг укалари Муҳаммад билан Алини ўзларига бошлиқ қилиб кўтарадилар. Лекин уларнинг ташкилотчилик қобилиятлари йўқ эди, шунингдек, қўзғолончилар ўртасида обрўлари ҳам йўқ эди. Бу мўғуллар билан бўлган тўқнашувларда ўз аксии топади.

Мўғул лашкарбошлари Элдиз Нўён, Чекан Қўрчи раҳбарлигига келган ёрдам натижасида йигирма мингдан ошиқроқ қўзғолончилар ҳалок бўладилар. Мўғуллар яна Бухорога бостириб кирадилар, бутун жойларда қатлни авж олдирадилар. Қўпгина гуноҳсиз ҳалқ, шу жумладан, садрлар, имомлар ва ислом дини донишманд олимларини ҳеч қандай гуноҳсиз ўлдира бошладилар. Ҳатто раҳмисизликда ном чиқарган Маҳмуд Яловоч ҳам одамларни оммавий ўлдиришни тўхтатиши талаб қиласиди, чунки шаҳар ва қишлоқларнинг бўшаб қолиши ва солиқларни кимдан ундириш керак, деб мўғуллар Хони Ўғадайга арз қиласиди. Хон эса: 636 (1239/1240) йилда бухороликларнинг «гуноҳидан кечганини» билдиради.¹

¹ Алоуддин Жувайний. «Тарихи жаҳон гушоӣ» қўлёзма 148 бет.

ТОРОБ ТЕПА

Маҳмуд Торобий тепалиги Жондор тумани Тароб қишлоғининг ғарбида жойлашган. Тепа З қисмдан: иирик тўртбурчак тарҳга эга шимолдан жанубга қараб чўзилган қалъа ва иккита алоҳида-алоҳида жойлашган туарар жой массивларидан иборат. Тепа асоси 200*125 м ва баландлиги 10 м ташкил этади. Қалъанинг устки қисми 170*85 м бўлиб, атрофи пахса девор билан ўраб олинган. Шарқий қисмida пандуссимон тўсиқ бўлиб, унда масжид жойлашган. Пандус (юқорига қўтарилиб борувчи йўлак) шарққа қараб 40 метрга чўзилган бўлиб охири қалъани туарар жой массиви билан боғлайди. Туарар жой массиви тўғрибурчакли тарҳга эга бўлиб, шимолдан жанубга қараб чўзилган. Узунлиги 200 м, эни эса 60–100 м ташкил этади. Баландлиги айрим жойларда 4 метрга етади. Қалъадан, тахминан, 80 м шимолга қараб яна бир туарар жой массиви жойлашган. Ғарбдан-шарққа қараб жўзилган бу жой 270 м узунлик, 3 м баландликни ташкил этади. Қадимда Тороб қалъа атрофида аҳоли жуда зич жойлашган. Мавжуд маълумотларга қараганда ушбу тарихий обьект IV–V асрларда қад ростлаб, XIX асрга қадар фаолият кўрсатган.

Ҳозирда ҳар учала массивни ҳам мозорлар эгаллаган. Тороб қишлоғи ҳақидаги ilk маълумотлар Абдулкарим

ас-Самъонийнинг «ал-Ансоб»¹ китобида: «Тороб – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Хунбун (Хумин) қишлоғи яқинида жойлашган» деб тилга олинган. Наршахий бу қишлоқни Таровча деб атайди. Ҳалқ этимологиясига кўра, Тороб ариқнинг кичрайган, торайган жойи маъносига эга. «Ғиёс-ул-луғотда» – мотам пайтларида кийиладиган рангли чопон деб келтирилган.²

Араб географлари асарларида Тороб қишлоғи ҳақида: «Бухородан 4 фарсах узоқда жойлашган катта қишлоқ» деб зикр қилинади.³ Тороб тепа 1238 йилдаги ҳалқ қўзғолони раҳбари Маҳмуд Торобийнинг Ватани ва ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлган жойи сифатида алоҳида шуҳрат қозонган.⁴ XVI асрда Тороб туман маркази саналиб, Хайрабод тумани, қумли чўл ва Зарафшон дарёси билан чегарадош бўлган.

1937 йилда обьект ЎзССР Тарих ва археология институти экспедицияси раҳбари В.А. Шишкін⁵, 1964 йил ЎзССР ФА ҳақиқий аъзоси Я.Ғуломов⁶ ва 1978–1990 йиллар Ўзбекистон ФА Археология институти Бухоро археологияси бўлими экспедицияси томонидан тадқиқ этилган.

В.А. Шишкіннинг хulosаларига қарандан, 1937 йилда Тороб тепа деворлари қисман пахсадан, қисман хом ғиштдан бўлиб, ўша вақтда улар жуда яхши

¹ Абдулкарим ас-Сомъоний. Насабнома. – Тошкент: 2017. 86-б.


² А.Ш. Жумаев, И.Т. Мұхаммедов, А.Ҳ. Ҳамроев. Ўлкамиздаги жой номлари. – Бухоро: «Бухоро», 1998. 35–36-бетлар.

³ В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – П.: стр. 120 и 130.

⁴ А.Ю. Якубовский. Восстание Тараби в 1238 г., Труды Института востоковедения. АН СССР, т. XVII, М.–Л.. 1936, стр. 101–136.

⁵ В.А. Шишкін. Археологические работы 1937 г. в Западной части Бухарского оазиса. «УзФАН». – Т.: 1940.

⁶ Я.Ғуломов. «Фан ва турмуш», 1966, 11-сон, 8-10-бетлар



Тороб қўрғони. 1937 йил.

сақланган. Қалъа дарвозалари шарқий томонда жойлашган. Улардан узоқ бўлмаган жойда XIX асрда қурилган айвонли масжид бор. Ҳозирги кунда ушбу масжид янгидан қурилган. Масжид олдида – ярим вайронга бинолар, унинг ортида эса «Хожа Тороб» мозори бор.

Бу тепалик ҳар томондан ботқоқлик, пасттекислик билан ўралган ва шўрланган лой тупроқдан иборат. Қазилган хандақларга қарамасдан бу пасттекисликда, дренаж канали ҳозирда мавжуд бўлса-да, ер ости сувлари 1,5–2 м чуқурликда жойлашган.


В.А. Шишкин 1937 йилда қўрғоннинг тепа қисми қалин қатлами ning йўқлиги сабабли унинг ҳаттоки, тахминан, қадимилик дарражасини аниқлаш мушкуллигини таъкидлайди. Археологик қазишмалар жараёнида керамика кам учрайди ва хронологияси VI–VIII асрларга тўғри келиши мумкин, деган хulosага келади. Сақланиб қолинган дарражаси ва осон кузатиладиган кўчаларни инобатта олган ҳолда айтишимиз мумкинки, қалъа бир – икки асрлар олдин тарқ этилган.

1964 йил кузида ЎзССР ФАА ҳақиқий аъзоси Яхё Гуломов бошчилигидаги «Машҳур кишилар қабри изидан» рукни

остида тарихий жойларга экспедиция уюстирилади. Тепалик тарихи ва мавжуд лой сувоқли бешта қабрлар кўздан кечирилиб ўрганилади. Таниқли олимнинг гувоҳлик беришича, ўша пайтда тепада беш қабр ва ҳар бир сафана ёнида биттадан туг мавжуд бўлган. Булар Маҳмуд Торобий, Шамсуддин Маҳбубий, Хомуш, Муҳаммад ва Али Торобийларнинг қабридир деган фикрни илгари сурган.

1988 йили БухДУ профессори Р. Воҳидов¹ Маҳмуд Торобийга бағишлиб ёзган рисоласида тепа тарихига тўхталган. Тепа ва унинг атрофи аянчли ҳолатда эканлигидан афсусланган. Жумладан: «... Жасур авлодларимиз хотирасини ёдга олайлик улар номини абадийлаштириш, оромгоҳини обод этиш, музей барпо қилиш, дарсларимизда уларнинг жасорати ҳақида сўзлаш бурчимиздир» деб яхши ният қилган эди.

2021 йил октябрь ойида Тороб тепа ушбу китоб муаллифлари томонидан бориб ўрганилди. Қабристон сифатида фойдаланиб келинаётган тепа ва тепа атрофи тарих учун суратга муҳрланди. Тороб тепа бугунги кунда тўлиқ қабристон сифатида атрофи ўраб олинган. То-



Тороб тепа. 1964 йил.

¹Р.Воҳидов. Қасоскорнинг ўлими. – Бухоро: «Бухоро», 1988.

роб қўргонига шимол томонидан дарвоза орқали кириб борилади.

Тўғридаги замонавий масжид ва ўнг томонда мозор билан қуршаб

олинган Тороб тепа харобалари томон йўлак бошлиб боради. Тепа устида лой шувоқ қилинган алоҳида ажralиб турган қабр ва яна бир неча қабр харобалари яққол кўзга ташланади.

Тепага чиқиш олдида ташландик тош қудук харобаси ва унга яқинроқ жойда янги қудук бор. Қудук олдида ёғочдан қилинган Зх3 м ўлчамли кичик уй ҳам қурилган. У ҳам зиёратчилар учун қулийлик яратиш мақсадида қурилган бўлса керак.

Ўрганилган манбаларни таҳлил қилин ҳолда шундай хуносалар чиқарилди:

1. Тороб тепа ушбу ном билан тарихий манбаларда тилга олинишидан анча оддинроқ милодий IV–VI асрларда қўриқчи тепа сифатида мавжуд бўлган.

2. XI, XIII асрларда савдо маркази сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

3. 1238 йил мўғулларга қарши курашдан сўнг маҳаллий қаҳрамон Маҳмуд Торобийнинг ҳарбий истеҳкоми сифатида тарихда ном қолдирган.

4. XVI асрга келиб яна савдо ва маъмурий марказ сифатидаги аҳамиятини тиклаган.



Маҳмуд Торобий қабри.

1964 йилда суратларда акс этган туғлар сони ҳам бештадан тўққизтага кўпайган.
2021 йил.



Тороб тепадаги қабрлар устидаги туғлар.

Тепа атрофида мудофаа девори излари ва қолдиқлари ҳам сақланниб қолган. 2021 йил.

Тороб тепага чиқиш йўлаги.

2021 йил.





Тороб тепадаги пахса
ва хом ғиштдан қурил-
ган девор қолдиқлари.
2021 йил.



Тороб тепадаги пахса девор қолдиқлари. 2021 йил.



Тороб тепанинг юқори қисми.
2021 йил.



Тороб тепанинг үмумий кўриниши.
2021 йил.

Тороб тепадаги

эски тош құдуқ.

2021 йил.



Тороб тепадаги усти

ёпилған янги құдуқ.

2021 йил.

Таниқли археолог Я. Ғуломов бу ерда 5 киши – Маҳмуд Торобий, Шамсуддин Маҳбубий, Хомуш, Мұхаммад ва Али Торобийларнинг қабри борлигини таъкидлайды. Бирок, кейинчалик тадқиқот олиб борган олимлар Н.Йўлдошев¹ ва С.Бухорийлар² аник манбалар асосида Мавлоно Шамсиддиннинг жасадлари Чашмаи Айюб ёнидаги Шаръобод мозорида, яъни ўз ота-боболари қабри ёнида дафн қилинганигини ёзишган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 849-сонли «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ти қарорида Тороб қўрғони маданий мерос обьекти сифатида рўйхатта олинган.



ВАТАНПАРVARЛИК БОГИ

2021 ЙИЛ 13 ЯНВАРЬ КУНИ ЖОНДОР ТУМАНИ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН
МАҲМУД ТОРОБИЙ НОМИДАГИ ВАТАНПАРVARЛИК БОФИНИНГ ТАНТАНАЛИ
ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ҚАРИЙБ 5 ГЕКТАР ҲУДУДДАГИ МАЗКУР БОФ ЎТГАН ҚИСҚА ФУРСАТ ИЧИДА ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ. БУ ЕРДА 2020 ЙИЛ МОБАЙНИДА «САРДОРБЕК ЖҮЙМҮМИН ҚУРИЛИШ» МЧЖ БУНЁДКОРЛАРИ ТОМОНИДАН З МИЛЛИАРД СҮМЛИК ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.





ВАТАНПАРVARLIK БОҒИДА ТАНК, ПИЁДАЛАР ВА ДЕСАНТЧИЛАР ЖАНГОVAR МАШИНАЛАРИ, ЗИРХЛИ ТРАНСПОРТЁRLАR, ТУРЛИ КАЛИБРЛИ АРТИЛЛЕРИЯ ҚУРОЛЛАРИ ЎРИН ОЛГАН.

ЭЪТИБОРЛИ ЖИҲАТИ, БУ ЕРДА ЮРТИМИЗ МАНФААТЛАРИНИ НАФАҚАТ ҲАРБИЙ, БАЛКИ БАРЧА СОҲАЛАРДА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ТАЙЁР ТУРИШ ҲАМДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ




ШУ ЎРИНДА БОГДА ХАЛҚИ-
МИЗНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ,
ЮРТ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЖОН-
ФИДО ҚИЛГАН БҮЮК АЖДОДИ-
МИЗ МАҲМУД ТОРОБИЙ ХОТИРАСИ-
ГА ТАНИҚЛИ ҲАЙКАЛТАРОШ ҚУРБОН
НОРХЎРОЗОВ ТОМОНИДАН ИШЛАНГАН
МАБОҲАТЛИ ҲАЙКАЛНИ АЛОҲИДА ТАЪКИД-
ЛАШ ЖОИЗ.



ҚУДРАТИНИ ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАР ВА ТАЪ-
СИРЧАН КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ
ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШГА АЛОҲИ-
ДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

ҚОЛАВЕРСА, БОҒ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ
ЧИҚАРИБ, ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА
САЛОҲИЯТНИ ЎКСАЛТИРАДИГАН
МАЖМУА ҲАМДИР.
ВАТАНПАРVARЛИК БОҒИННИНГ
ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК
ЭТГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМИ
БОТИР ЗАРИПОВ АЙНИ ШУ
ЖИҲАТЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ.



— БОҒНИ БАРПО ЭТИШДАН КЎЗЛАНГАН
АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ, АЙНИҚСА,
ЁШЛАРДА ТАРИХИМИЗ ВА МАДАНИЯТИМИЗДАН
ҒУРУРЛАНИШ ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШ,
ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА
КУРАШГАН МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ
НОМИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК,
ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА МАМЛАКАТИМИЗ
ҚУДРАТИ ВА САЛОҲИЯТИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ
КУЧАЙТИРИШДАН ИБОРАТДИР, – ДЕДИ ВИЛОЯТ
РАҲБАРИ.

ТАДБИРДА МАҲМУД ТОРОБИЙНИНГ ХАЛҚ
ҚАҲРАМОНИ СИФАТИДАГИ ЖАСОРАТИ АЛОҲИДА
ТИЛГА ОЛИНДИ. УНИНГ ЖАСОРАТИ ДОВЮРАК
ВА ЖАСУР АЁЛ ПОДШОҲ ТўМАРИС, ЭРК
УЧУН КУРАШЧИ, ХАЛҚПАРVAR ЧўПОН ЙИГИТ
ШИРОҚ, ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ МУҚАННА,
ТЕМУР МАЛИҚ, ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ,
НАЖМИДДИН КУБРОЛАР ҚАТОРИДА ТУРИШИ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ. БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ
БОТИР ЗАРИПОВ МУТАСАДДИЛАР ИШТИРОКИДА
МАҲМУД ТОРОБИЙ ҲАЙКАЛИНИ ОЧДИ.



ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ
ҲАЙКАЛИ ПОИГА ГУЛ
ҚҮЙИБ, УНИНГ ХОТИРАСИГА
ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ.
ШУНДАН СҮНГ ТУРЛИ ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН
ГУЛЧАМБАРЛАР ҚҮЙИЛДИ.
ТАДБИРДА ҲАРБИЙ
ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ КҮРГАЗМАЛИ
ЧИҚИШЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.



ТОРОБИЙ ШИЖОАТИНИ АҚС ЭТТИРГАН ҲАЙКАЛ

Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси, машҳур ҳайкалтарош Қурбон Норхўзов 1956 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилган. У 1979 йилда собиқ Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтининг ҳайкалтарошлиқ бўлимига ўқишига кириб, 1984 йили институтни тамомлаб, йўлланма билан Бухорои Шарифга юборилади.

У 1987 йилда Бухоро шаҳридаги «Варахша» меҳмонхонаси олдига рамзий «Қанотли түя» монументал ҳайкалини латундан ишлаб ўрнатди. Ҳайкал проекти муаллифи архитектор Зоиршо Қили-

чевдир. 1989 йили Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ҳалқаро ҳайкалтарошлар симпозиумининг ташкилотчиси. 1990 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Бухородаги «От спорти» комплекси олдига «Чопар отлар» монументал ҳайкалини Улуғбек Мардиев, Улаш Уроқовлар билан биргалиқда ўрнатган. Шу жумладан, Бухоро давлат университети ҳудудида А.Фитрат, Ибн Сино, М.Ашрафий, А.Навоий бюстлари ва Ф.Хўжаевнинг ярим фигура ҳайкалларини ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси бўйича бир неча «Мотамсаро она» ҳайкалларини ҳам ишлаган. 1999 йилда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейи Термиз шаҳрида ҳалқаро миқёсда байрам қилинган эди. Шу муносабат билан ўтказилган танловда ғолиб чиққан Қ. Норхўзов, У. Урақов ва У. Мардиевлар ҳамкорликда «Алпомиш» ҳайкали мажмуасини яратди.

2017 йили муҳтарам юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан мажмуанинг янги проекти танлаб олинди. Қурбон Норхўзовнинг Алпомишининг Бойчичбор оти билан ишланган ҳайкали лойиҳаси танловида ғолиб бўлиб, мазкур ҳайкал 2019 йил 6–11 апрель кунлари бўлиб ўтган I ҳалқаро баҳшичилик фестивалида очилди. Унинг ижодий ишлари Корея, Туркия, Япония, Германия, Франция, Британия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг галарея ва шахсий жамланмаларида сақланмоқда.

«Қанотсиз фаришта» – 2011 й. АҚШ фуқароси Жамлан; «Шарқ озодлиги» – 2012 й. Лондон – «Замана» галареяси;



«Мифология» – 2014 й. Корея – Халқаро симпозиуми; «Ҳаёт юки» – 2015 й. Турция – Халқаро симпозиуми (Бодрум); «Мувозанат» – 2021 й. Турция – Халқаро симпозиуми (Малтепа);

Халқаро симпозиумлар қатшашчиси:

1989 йил – Дзинтари, Латвия.
2003 йил – Навоий шаҳри.
2014 йил – Корея Республикаси.
2015 йил – Турция, Анқара.
2021 йил – Турция, Малтепа.

Мукофот ва унвонлар:

2015 йил – Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Олтин медали».

2017 йил – Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти – «Эътироф».

2017 йил – «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони.

Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси, ҳайкалтарош Қурбон Норхўрозовнинг Бухоролик ватанпарвар, ҳалқ озодлик ҳаракатининг етакчиси Маҳмуд Торобийга бағишлиланган иши ҳам диққатга сазовордир. Собиқ Бухоро вилоят ҳокими Ўқтам

Барноев (раҳматли) ташаббуси билан 2020 йил февралда Жондор туманида ҳалқ қаҳрамони Маҳмуд Торобий номи билан аталувчи Ватанпарварлик боғини ташкил этиш режаси белгиланган эди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Тарихчилар жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси Азалшоҳ



Ҳамроевга тарихий манбаларга таянган ҳолда, Маҳмуд Торобий қиёфаси (эскизи)ни яратиш вазифаси топширилди. Бу вазифани бажариш учун А.Х. Ҳамроев «Ўзбекистон» НМИУ дизайннер-рассоми Умид Сулаймонов билан ҳамкорликда Маҳмуд Торобий эскизини яратди. Ушбу эскиз бўлажак ҳайкал учун асос бўлиб хизмат қилди.


2020 йил 2 марта собиқ Бухоро вилояти ҳокими К.Ж. Камолов (раҳматли) Маҳмуд Торобий ҳайкалининг эскизи, ғояси, бутун боғ ланшафт структурасини комиссия аъзолари билан муҳокама қилиб, тасдиқлаган эди.

Ушбу ҳалқ қаҳрамони ҳайкалини яратган Қурбон Норхўрозов шундай дейди: «Халқимизнинг буюк фарзанди, мард ўғлони, минг-минглаб инсонлар-



ни орқасидан эргаштира олган Маҳмуд Торобий ва унинг сафдошлари кўкракларини қалқон қилиб мардларча ҳалок бўлдилар. Биз бундай ҳалқ қаҳрамонларини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз!

Маҳмуд Торобий ҳайкали образидаги ахамиятли жиҳатлар: унинг узоқларга мардоновор ва жиҳдий қарашлари, чап қўлида қалқонни олдинга тутиб, ёвдан ҳимояга ҳозир туриши, аммо ўнг қўлидаги қиличини орқароққа ушлаб туриши – унинг тинчлик тарафдори эканлигини билдиради. Лекин ёв ҳужум қилса, албатта ўзини ва ҳалқини, Ватанини ҳимоя қилишга тайёр эканлигини билдиради. Ҳалқ ҳимоячиси оёқларини маҳкам ерга тираган ҳолда, кўксини қалқондек тутиб, мардоновор туриши, узоқларга огоҳ ва сергак қараб, ҳимояга шай бўлиб туриши унинг мард, қўрқмас ўғлон эканлигидан далолат беради. Унинг устидаги кийимлари ўзи яшаган даврга ва ҳарбий ҳолатга мос эканлиги образнинг тўлақонли бўлишига ёрдам беради».




МАҲМУД ТОРОБИЙ ЖОМЕЙ МАСЖИДИ


Ривоятларга қараганда, ушбу масжид буюк фақиҳ Шамсиддин Маҳбубий қўрсатмасига биноан, буюк ватанпарвар ва моҳир саркарда Маҳмуд Торобий номига атаб қўйилган экан. Масжид Бухоро шаҳридаги Маҳмуд Торобий кўчаси, 2-йида жойлашган бўлиб, у ўз фаолиятини 1991 йил 20 августда (68-р қарорга асосан) бошланган бўлиб, унга ер майдони Бухоро шаҳар ҳокимининг 1994 йил 27 январдаги 17-сонли қарорига асосан ажратилган. Масжид қурилиши тўлиқ ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Масжид 2018 йилда тўлиқ қайта таъмиранган бўлиб, унинг майдони 1800 м² ни ташкил қиласди. Жамоат сонининг ортганини ҳисобга олиб, хонақоҳ ёнидаги айвон атрофи ўраб олиниб, масжидга қўшилган. Айни пайтда масжидда 300 киши намоз ўқий олади. Намозхонларга қулайлик яратиш мақсадида, масжид ҳудудида замонавий таҳоратхона барпо этилган. Имом-хатиб ва мутавалли учун, шунингдек, хўжалик буюмлари сақланадиган хоналар мавжуд.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ





МАВЛОНО ШАМСИДДИН МАҲБУБИЙ ЖОМЕЙ МАСЖИДИ

Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий номли жомеъ масжиди 1998 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Масжиднинг номи бир неча аср олдин масжид худудида яшаган фикҳ (хуқуқ илми) олими Мавлоно Шамсиддин Маҳбубийга нисбат берилган. Ул зот XII аср охирида Бухоро шаҳрининг Самарқанд дарвозаси ташқарисида жойлашган Нов қишлоғида туғилган. Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий 1238 йилда Бухорода бошланган Маҳмуд Торобий қўзғолонининг маънавий раҳнамоси бўлиб донг таратган ва мўғулларнинг камон ўқидан шаҳид бўлган. Ул зот Бухоро мадрасаларида таълим олиб, фақих олим бўлиб етишади. Мавлоно Маҳбубий замондошлари томонидан «Садр-уш Шариъ-ал аввал», «Садр-уш Шариаъ ал-Акбар» каби фахрли номлар билан аталган.

Кўпгина тарихий асарларда Шамсиддин Маҳбубий номи зикр қилинганига қарамасдан, бу машҳур шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида муфассал маълумот

кам учрайди. Манбаларда бул зоти шарифнинг 1220 йилда мўғул хони Чингизхон Бухорони босиб олгани, обод ва гўзал шаҳарни харобага айлантиргани, шаҳар аҳлини раҳмсизларча шаҳид қилганинг барига гувоҳ бўлгани ва шу сабабли мўғулларга нисбатан пинҳона ва ошкора курашлар олиб борганлиги ҳақида баён қилинади.


Шамсиддин Маҳбубийдан кейин унинг ўғли – Маҳмуд ибн Аҳмад Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ҳам фиқҳшунос олим бўлиб етишади. Ҳанафий мазҳабининг тарғиботчиларидан бири бўлган олим «Тож-уш Шариаъ» (шариатнинг тожи) мақомини олади. Манбаларда ёзилишича, «Ал Виқоя ар Рифоя масоил ҳидоя» ёки қисқача «ал Виқоя» номли фиқҳий китоби Аҳмад ал Маҳбубий қаламига мансуб бўлиб, бу китоб ҳанафий мазҳабида тан олин «Мутуни арбаъ» номли тўрт китобнинг биридир.







МАВЛОНО ШАМСИДДИН МАҲБУБИЙ
ЖОМЕЪ МАСЖИДИ



... БУ ҚАДИМ ВА АЗИМ ШАҲАРЛАР: БОЙКЕНТ, ВОБКЕНТ, ШОФИРКОН, РОМИТАН, ФИЖДУВОН КАБИ ҚАДИМГИ КЕНТЛАРНИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛГАН БУХОРО ВОҲАСИДА ЯШАГАН ЭРКСЕVAR АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ ИСТИБДОД ВА ЗУЛМГА ҚАРАМАЙ, ЭЛ-ЮРТ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА МУТТАСИЛ ҚАҲРАМОНОНА КУРАШИБ КЕЛДИЛАР. ЁВУЗ БОСҚИНЧИ ВА ИСТИЛОЧИЛАРГА ҚАРШИ ОЗОДЛИК БАЙРОГИНИ КЎТАРГАН ШИРОҚ, ТЎМАРИС, СПИТАМЕН, МАҲМУД ТОРОБИЙ КАБИ АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАР УЧУН ВАТАНПАРVARЛИК, ШИЖОАТ ТИМСОЛИДИР...

ТОРОБИЙ ТЕПАЛИГИДАГИ ТУҒЁНЛАР

Мана шу оқариб ётган шўр тена,
Тиканлар кўкариб ётган кўр тена,
Руҳлар манзилин тарк этган ўр тена –
Маҳмуд Торобийнинг елкалариdir.
Эй, нигоҳи гирён ташна иўловчи,
Балки бир ширин ҳис кўнглингга овчи,
Кўрганинг сув эмас... бу тахир томчи –
Торобий кўз ёшин кўлкалариdir.
Кўнглим, тинглаганинг эртакмас, фолмас,
Куриб, қулаб ётган теракмас, толмас.
Ё панжаси ёйиқ саксовул эмас –
Булар Торобийнинг билаклариdir.
Сим-сим сас келади: рангим сўлдирма,
Бир марта ўлгандим, тагин ўлдирма.
Ғанимлар кўнглин шод этиб, кулдирма!
Бу видо – Торобий тилаклариdir.
Билгилким, кушандам душман эмас, иўқ,
Мени қулатганди номард узган ўқ,
Хоинни, номардни мудом англа, уқ –
Бу нидо – Торобий тўлгоқлариdir.
Авлодим, мен ахир сенинг ўзингман,
Мардингман, дардингман, босган изингман!
Бу садо – Торобий сабоқлариdir.

Тошпўлат АҲМАД
1984 иил

МАҲМУД
ТОРОБИЙ

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ – ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНГСАН!

Наршахийнинг китобида битган тарих ўзингсан,
Рұдакийнинг мил тортилган күзига нур ўзингсан.
Ибн Сино ҳазратлари топиб минг дардга даво,
Ўзи учун тополмаган дардга малҳам ўзингсан,
Сүгдиена, Хоразмсан, Бухоройи Шарифсан,
Қадим Турон, ҳам Туркистон, улуг Ватан ўзингсан!

Кўхна осор-атиқалар – меъмор халқимнинг юзи,
Афросиёб, Варахшалар – нақ мўъжизанинг ўзи,
Ал Бухорий «Саҳиҳ»лари айнан пайғамбар сўзи,
Гумбазлари самоларга чорлаган юрт ўзингсан,
Форобиу **Торобийлар** Ватани ҳам ўзингсан,
Азим Турон, чўнг Туркистон, улуг Ватан ўзингсан!

Ўтди қанча азизлару авлиёлар бир жаҳон,
Ғиждувоний, Ревгарию, Фагнавий ҳам Ромитон,
Мир Кулол ва Нақшбандни танийди бутун жаҳон...
Етти пирнинг, Дониш ҳамда Фитратнинг қалб қўрисан,
Шариф макон, валийга кон, ўзингсан машҳур жаҳон,
Жоним Турон, жон Туркистон, улуг Ватан ўзингсан!

Яссавийлар ҳикмати-ла йўғрилган мумтоз сўзинг,
Амир Темур бирлаштирган эркесвар халқсан ўзинг,
Кўрагоний жадвалида порлоқ юлдуздир кўзинг,
Мир Алишер орзу қилган обод Ватандир юзинг,
Икки дарё орасида гўзал чаман ўзингсан,
Сўлим Турон, сўнг Туркистон, улуг Ватан ўзингсан!

Афсус, баъзан хира тортди сенинг толе юлдузинг,
Бўлинганни бўри еди: уч хонлик эди кузинг,
Чор подшоси зулми ила сўлиб қолди гул юзинг,
Шўроларнинг давронида қирилди ўғил-қизинг,
Юрт қайгуси ила яшаб, курашган жадид ўзинг,
Жоним Турон, жон Туркистон, улуг Ватан ўзингсан!

Мустақилсан бугун, юртим, кўтарар кўзим ўзингсан,
Онамдирсан, багрингдаман, жону дилим ўзингсан,
Тамаддунга ҳисса қўшиган Ўзбегим – машҳур жаҳон,
Илгордирсан илму фанда, спортда, танир жаҳон...
Жоним Турон, жон Туркистон, улуг Ватан ўзингсан,
Келажаги буюк давлат – Ўзбекистон ўзингсан!.

Мавлуда РАҲМОНОВА
2016 йил

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А. Якубовский. Восстание Тараби в 1238 году. (К истории крестьянских и ремесленных движений в Средней Азии). Доклады группы востоковедов на сессии Академии наук СССР. Москва, 20 марта 1935 г.
2. В.В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана, стр. 44–45.
3. И.П. Минаев. Путешествие Марко Поло. Под ред. В. В. Бартольда. – М.: 1954, стр. 6.
4. Тошев Н., Жувайний ва унинг «Тарихи жаҳонгушой» асари // «Шарқшунослик». – 1995. – № 6.
4. Д. Оссон К. История монголов. Т. 1. Иркутск, 1937, стр. 8.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т 1. – М.: 1963, стр. 88.
6. Петрушевский И.П. Рашид-ад-Дин и его исторический труд. Сборник летописей. Т. 1. – М-Л.: 1952, стр. 31.
7. Алоуддин Жувайний. Торобий қўзғолони зикри // Бухоро мавжлари. – 2007. – № 2. 11–13-бетлар. (Форс тилидан ўзбек тилига Н.Тошев таржима қилган)
8. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Чўлпон» нашиёти, 1994. 299–303-бетлар.
9. Н.Каримов. Ойбек гулшанида қолган гунчалар. – Т.: «Фан нашиёти» 1985 йил, 50–61-бетлар.
10. Ойбек. МАТ, 18 том. – Т.: Ўзбекистон ССР ФА нашиёти, 1981. 105–137-бетлар.
11. Ойбек, А. Дейч. «Щит народа» драма. – Т.: «Фан» нашиёти, 1942.
12. А.Дейч. Ўзбекистон қалби. – Т.: 1974, 29–31-бетлар.
13. Л.Бойматов. Маҳмуд Торобий қўзғолони. – Т.: «Ёшлиқ» журнали, 1989 йил № 1–2, 62–66-бетлар, 60–63-бетлар.
14. Л.Бойматов. (рус тилидан С. Раҳмон таржимаси). – Т.: «Ёшлиқ» журнали. 1989. № 1–2.
15. «Восстание Маҳмуда Тараби». – Душанбе: Издательство «Дониш». 2011.
16. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табарруқ зиёратгоҳлари. – Т.: «Наврӯз» нашиёти, 2015.
17. Самъоний. «Ал Ансоб», «Бухоро» – Бухоро: «Бухоро» нашиёти, 1999.
18. Н.Йулдошев, П.Ражабов. «Мавлоно Шамсиiddин ал Маҳбубий ал Бухорий» – Бухоро: «Бухоро» нашиёти, 2001.
19. Абдулкарим ас-Сомъоний. Насабнома. – Т.: «Чўлпон» нашиёти, 2017. 86-б.
20. А.Ш.Жумаев, И.Т.Мұхаммедов, А.Х.Хамроев. Ўлкамиздаги жой номлари. – Бухоро: Бухоро» нашиёти, 1998. 35–36-бетлар.
21. В. В. Бартольд. Туркестан, т. II, стр. 120 и 130.
22. А. Ю. Якубовский. Восстание Тараби в 1238 г., Труды Института востоковедения. АН СССР, т. XVII, М.–Л.. 1936, стр. 101–136.
23. В.А.Шишкин. Археологические работы 1937 г. в Западной части Бухарского оазиса. «УзФАН». Ташкент-1940
24. «Фан ва турмуш», 1966, 11-сон, 8-10-бетлар
25. Р.Воҳидов Қасоскорнинг ўлими. Бухоро, 1988 й.

МУНДАРИЖА:

Академик Наим Каримов. Сўзбоши	3
1238 йилдаги Маҳмуд Торобий қўзғолони	5
Торобий қўзғолони ҳақида ҳикоя	10
Жувайний ва унинг «Тарихи жаҳонгушой» асари	22
«Тўрт улус тарихи»	25
Ойбекни илҳомлантирган сиймо	29
Маҳмуд Торобий (Драматик достон)	34
«Ғалвирчи»	94
«Ҳалқ қалқони» («Шит народа»)	98
Маҳмуд Торобий қўзғолони	101
Шайх Шамсиiddин ал Маҳбубий ал Бухорий	112
Тороб тепа	116
Ватанпарварлик боғи	121
Торобий шиҷоатини акс эттирган ҳайкал	126
Маҳмуд Торобий жомеъ Масжиди	129
Мавлоно Шамсиiddин Маҳбубий жомеъ масжиди	132
Торобий тепалигидағи тутёnlар	136
Келажаги буюк давлат – Ўзбекистон ўзингсан!	137
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	138



Илмий-оммабон нашр

МАҲМУД ТОРОБИЙ – ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Монография

(Ўзбек тилида)

Тошкент «Маънавият» 2021

Суратчилар: *Вадим Джумабеков,
Мирониоҳ Ҳазратов*
Мусаввир *С. Шуҳрат*
Мусахҳих *Ш. Назарова*
Дизайнер *Ш. Соҳибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишига 06.01.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/₈.
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоби 16,27. Нашр табоби 15,98.
100 нусха. Буюртма № 21-125. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараккиёт 2-берккўча, 2-йи. Шартнома № 01–22.